

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!
Бетакрор диёримизга янги – 2017 йил кириб келмоқда.

Сиз, муҳтарам отахон ва онахонлар, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимиз, бутун халқимизни янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва қувонч тилайман.

Поёнига етаётган 2016 йилда юртимиз ҳаётида яхши кунлар, улкан ютуқ ва марралар кўп бўлди. Шу билан бирга, афсуски, бошимизга оғир ташвиш ва синовлар ҳам тушди.

Лекин бу синовлар эл-юртимизни янада бирлаштирди. Мард халқимизнинг матонати туфайли биз бу синовлардан ҳам муносиб ўтдик.

Яқунига етаётган йил аввало мустақил Ватанимиз 25 ёшга тўлган йил сифатида тарихимизда ўчмас из қолдирмоқда.

Ўтаётган йилни деҳқон ва фермерларимиз, ишчи ва қурувчилар, ўқитувчи ва шифокорлар, жасур ҳарбийларимиз, олимлар, ижодкор зиёлилар – барча касб эгалари ўз соҳалари бўйича ёруғ юз билан яқунлади.

Айниқса, юртимиз спортчилари Олимпиада ва Паралимпия ўйинларида эришган беқиёс ютуқлар мамлакатимиз шухратини бутун дунёда янада юксалтирди.

Бир сўз билан айтганда, ўтиб бораётган йилдан рози бўлиб, ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Қадрли дўстлар!

Биз кириб келаётган 2017 йилга “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб ном бердик.

Бунинг негизда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг” деган олижаноб мақсад ва вазифалар ётибди.

Янги йилда бу борадаги дастурий вазифаларни амалга оширишда барчамизнинг, аввало, раҳбар ва етакчиларнинг бир жону бир тан бўлиб, астойдил меҳнат қилишларига ишонаман.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш бундан буён ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу қувончли дамларда барчангизни Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман.

Юртимиздаги ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, бахт ва омад ҳамда фаровонлик тилайман.

Янги – 2017 йилнинг қадами жонажон Ватанимизга қутлуғ ва баракали келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

ВАҚТИ

*Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бир нафас олгулик муддат —
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.*

*Яшаш соатининг олтин капгири
Ҳар бориб келиши бир олам замон.
Кoinот шу дамда ўз куррасидан
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.*

*Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб, ўтгувчилар бор;
Кўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.*

*Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.
Нурлар қадами-ла чопган лаҳзанинг
Барини туполмас айюҳаннос овоз.*

*Йигит термилади қизнинг кўзига,
Киприк сузилиши, майин табассум...
Қўшақаримоққа муҳр бўлади
Ҳаётда икки лаб қовишган бир зум.*

*Яшаш дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам.
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам...*

*Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ онидир умр дафтарин.*

*Шухрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас,
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб
Шу улуг бинога бир ғишт қўйсак бас.*

*Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал.
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.*

*Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.*

Ғафур ҒУЛОМ

ҲАР БИТТА МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Фуқароларимизнинг бу борадаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни билан янада мустақамланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ислохотлар босқичма-босқич, изчил амалга оширилиб, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган давлатлар сафига қўшилишига эришиш, халқимизнинг фаровон турмушидан мамнун бўлиб бахтли ҳаёт кечириши учун мустақам пойдевор яратиш, давлат томонидан юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилиши натижасида инсон, унинг шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият даражасига кўтарилди.

Фуқароларимизнинг конституцион ҳуқуқларидан фойдаланиши, уларнинг бевосита республикамиз раҳбариятига мурожаат этишлари мақсадида 2016 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Интернет тармоғидаги виртуал қабулхонаси — pm.gov.uz портали ишга туширилиб, 23 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига айлантирилиши бу борада яна бир муҳим тадбир бўлди. Мазкур портал орқали Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига 2016 йилнинг 29 декабрь ҳолатига 381 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларда кўтарилган масалалар қонунчиликда белгиланган муддатда кўриб чиқилиб, уларда қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, саволларга атрофлича жавоб бериш чоралари кўрилди.

Жумладан, Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги “Абдулла Ху-моюн Барака” фермер хўжалиги

раҳбари Назокат Жалолова Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига йўллаган мурожаатида 2017 йил ҳосили учун 38 гектар майдонга кузги ғалла экиши зарурлиги, лекин мутасадди корхоналардан етарлича уруғлик ва кимёвий ўғитларни ола-олмаётганлигини маълум қилган.

Ушбу мурожаат вазирлик ҳамда вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилиб, фермер хўжалигига “Тошкентдонмах-сулотлари” акциядорлик жамиятига қарашли Оққўрғон туман дон қабул қилиш ва тарқатиш шохобчасидан етарли миқдорда уруғлик дон ва “Тошкентагрокимёхимоя” акция-дорлик жамиятининг туман бўли-мидан 1265 кг минерал ўғит оли-нишига амалий ёрдам берилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-2 да-ҳаси 58-уй 19-хонадонда яшовчи фуқаро Абдурашид Саиджонов Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Сув хўжалиги ва мелиорацияси факультетини битир-ганлигини, лекин мутахассислиги бўйича иш топаолмаётганлигини баён этиб, ушбу масалада ёрдам беришни сўраб мурожаат йўллаган.

А.Саиджоновнинг аризаси ва-зирликнинг тегишли бошқармала-ри томонидан кўриб чиқилиб, у вазирлик тизимидаги “Сувлойиха” сув хўжалиги иншоотларини лойи-ҳалаш бирлашмасига III тоифали муҳандис лавозимига ишга қабул қилинди.

Яна бир мисол. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри Қури-лишчи кўчаси 25-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Гулчеҳра Айтния-зова мурожаатида “Агроинтехника” МТП давлат корхонасида 2016 йил-нинг 1 апрелига қадар ҳисобчи ла-возимида ишлаганлиги, бироқ иш ҳақи берилиши кечиктирилаётган-лигини таъкидлаган.

Мурожаатни ўрганиш натижаси-да Г.Айтниязовага 6 миллион 435 минг 665 сўмлик иш ҳақи тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Ҳозирги кунда вазирлик томо-нидан жисмоний ва юридик шахс-ларга электрон кўринишдаги ин-терфаол хизматлари кўрсатишга жиддий эътибор берилмоқда. Жум-ладан, аҳоли, хусусан, кичик биз-нес вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муро-жаатларини қабул қилиш мақсади-да **(0-371) 241-00-03, 241-46-58** рақамли ишонч телефонлари таш-кил этилган. Бундан ташқари, ва-зирликнинг Интернетдаги agro.uz расмий веб-саҳифаси ҳамда info@agro.uz электрон почтаси ор-қали ҳам кўплаб ариза, шикоят ва таклифлар келиб тушмоқда. Маса-лан, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Осиё кўчаси 4-уйда яшов-чи фуқаро Жаҳонгирмирзо Мирза-қобилов 2016 йил 23 ноябрда ва-зирликнинг info@agro.uz электрон почтаси орқали йўллаган мурожаа-тида, Тошкент ирригация ва мели-орация институтининг талабаси эканлигини, оилавий шароити ту-файли дарслардан бўш вақтларида ишлашга мажбур эканлигини, ша-ҳар “Сувсоз” давлат унитар корхо-наси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ва бошқа жойларга иш сўраб бор-са-да, иш топа олмаганлигини бил-дирган.

Ушбу мурожаат вазирлик томо-нидан атрофлича кўриб чиқилиб, Ж.Мирзақобилов оилавий шарои-ти инобатга олинган ҳолда ўзи таҳ-сил олаётган олийгоҳга биринчи тоифали муҳандис лавозимига ўриндошлик асосида 0,5 ставкага ишга қабул қилинишига амалий ёрдам берилди.

Шу билан биргаликда, 2016 йил-нинг 1 декабрида ишга туширил-ган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг vazir.agro.uz виртуал қабулхо-наси орқали ҳам мурожаат қилув-чилар сони тобора ортиб бормоқда. Эндиликда фуқаролар, тадбиркор-лар ва юридик шахслар ушбу вир-туал қабулхона орқали вазирлик ва

унинг тизимидаги ташкилот, муас-
саса ва корхоналар фаолиятига оид
савол, ариза, шикоят ва таклиф-
ларини Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирига бевосита йўлламоқда.

2016 йилнинг 31 декабрь ҳола-
тига мазкур виртуал қабулхона ор-
қали 31 та мурожаат келиб тушган.
Шунинг 22 тасини жисмоний
шахслар, 3 тасини якка тартибда
фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар,
қолганларини эса юридик шахслар
йўллаган. Улардан 21 тасида кўта-
рилган масалалар ечимини топган
бўлса, қолганлари кўриб чиқиш жа-
раёнида.

Умуман олганда, вазирликда
2016 йил 27 декабргача жисмоний
ва юридик шахсларнинг 1893 та му-
рожаати рўйхатга олинган. Ушбу му-
рожаатларнинг барчаси қонунчи-
ликда белгиланган муддат ва тар-
тибда кўриб чиқилиши таъминлан-
моқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки,
вазирликка йўлланаётган мурожа-
атларнинг аксариятини қишлоқ ва
сув хўжалиги тармоқлари бўйича
фаолиятни тўғри ва самарали юри-

тиш юзасидан берилган саволлар
ташқил этади. Шу ўринда, Ўзбе-
кистон Республикасининг “Давлат
ҳокимияти ва бошқаруви органла-
ри фаолиятининг очиқлигини таъ-
минлаш тўғрисида”ги Қонунига
мувофиқ ташқил этилган **agro.uz**
веб-сайтида вазирлик фаолияти би-
лан боғлиқ кўплаб масалалар дав-
рий равишда ёритилиб, таҳлилий
маълумотлар жойлаштирилиб бо-
рилмоқда. Сайтнинг “Фермерлар
учун тавсиялар”, “Фойдали масла-
ҳатлар” бўлимларида эса соҳа олим
ва мутахассисларининг деҳқон ва
фермер хўжаликлари фаолиятини
самарали юритиш, шунингдек,
қишлоқ хўжалиги экинлари агро-
техника тадбирларини мамлақати-
миз минтақаларининг тупроқ-
иқлим шароитларини инобатга ол-
ган ҳолда тўғри ва сифатли ўтка-
зиш, етиштирилган маҳсулотларни
сақлаш ва қайта ишлаш, иррига-
ция ва мелиорация, чорвачиликда-
ги муҳим тадбирлар юзасидан ил-
мий асосланган тавсиялар эълон
қилинмоқда.

Фермерлар, қишлоқ тадбиркор-

лари, шахсий томорқа эгалари
ушбу тавсия ва маслаҳатлардан
фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Пре-
зидентининг 2016 йил 28 декабр-
даги «Жисмоний ва юридик шахс-
ларнинг мурожаатлари билан иш-
лаш тизимини тубдан такомил-
лаштиришга доир чора-тадбирлар
тўғрисида»ги Фармони асосида
вазирлик ва унинг тизимидаги
корхона ва муассасаларда бу бо-
радаги ишларни янада фаоллаш-
тириш юзасидан аниқ чора-тад-
бирлар белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, вазир-
лик раҳбарияти ва мутахассисла-
ри томонидан жисмоний ва юри-
дик шахсларнинг ҳар битта ши-
коят, ариза ва таклифлари эъти-
бордан четда қолдирилмасдан,
уларда кўтарилган муаммоларни
бартираф этиш изчил тадбирлар
кўрилмоқда.

О.НОРБЕКОВ,

вазирлик Матбуот котиби,

Қ.МАМАТМУРАТОВ,

*жисмоний ва юридик шахслар
мурожаатлари билан ишлаш
бўйича масъул мутахассис.*

**Мамлакатимиз аҳлини, барча қишлоқ меҳнаткашларини
Янги йил айёми билан самимий муборакбод этамиз,
танти ва меҳнатсевар халқимизнинг толеи бундан-да
баланд, дастурхони файзли, турмуши янада фаровон
бўлишини тилаймиз.
Янги йил янги зафарларга бой бўлсин!**

**Навоий вилояти
Қишлоқ ва сув хўжалиги
бошқармаси жамоаси**

**"Ўзмахсуссувқурилиш"
ИХТИСОСЛАШГАН КОМПАНИЯ
ДАВЛАТ ҚОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*2017 — Халқ билан
мулоқот ва инсон
манфаатлари
йили муносабати
билан тинчликсевар
халқимизни
самимий
табриклайди.
Қўнғуз айём
мубарак бўлсин!*



ПАХТАЧИЛИКДА ДОЛЗАРБ АГРОМЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАР

Қиш ҳам иш фасли деганларидек, қишлоқ хўжалиги ходимларининг қиш ойларида ҳам ўзига яраша юмушлари мавжуд. Бунда асосан агромелиоратив тадбирлар ўтказиш жорий йилга мўл ҳосилга замин яратади. Агромелиорация, яъни агротехника ва мелиорация тадбирларини ўзаро уйғунликда олиб бориб, ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган ишлардир. Хусусан шўрланган ерлардаги зовурлар тозалаш тўғри суғориш ва тупроқнинг шўри сифатли ювилиши, сизот сувлар чиқиб кетишини таъминлайдиган асосий тадбир ҳисобланади.

Республикаимиз экин майдонларида дренажнинг учта асосий тури: очиқ ва ёпиқ горизонталь ҳамда тик бўлиб, бунда энг кўп қўлланиладигани очиқ-ётиқ дренаждир. Шўрланган ерларда чуқур очиқ (2,5-3,5 метр) дренаж юза (1-2 м) дренажа қараганда энг самарали ҳисобланади. Бунда сизот сувлар сатҳини анча пасайтириш ва ерлар суғорилганда тупроқ шўрини яхшироқ кетказиш мумкин. Очиқ дренажлар самараси кўп жиҳатдан унинг чуқурлигига боғлиқ. Агар дренажларда оқизиқлар ва бегона ўтлар кўп бўлса, улардаги сувнинг сатҳи кўтарилади. Бу эса сизот сувларнинг босим кучи ва бинобарин мелиорациялаш таъсирини камайтиради. Ирригация ва мелиорация институти қошидаги ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида олиб борилган текширишлардан маълум бўлишича, зовур суви оқимини кучайтириш ва тупроқнинг шўрини чуқурроқ ювиш учун бундай ерларда зовурлар узунлигини 70-100 метрга етказиш юқори самара беради.

Босими ва силжиш хоссаси яхши бўлган қатлам юза (5-10 м) бўлса, вертикал зовурлар қазиш йўли билан очиқ дренажлар самарадорлигини анча ошириш мумкин. Бунда улар босимли оқим интенсивлигини пасайтиради ва сизот сувларнинг пастга тушишини таъминлайди. Бундан ташқари, зовурлар орасидаги масофани узайтириш ва улар қурилишидаги сарф-харажатларни камайтириш мумкин бўлади. Диаметри 10-15 см ва узунлиги 3-5 м. ли кучайтирувчи чуқурларни гидробур ёрдамида осонгина қовлаш мумкин. Улар зовурлар тубида ҳар 20-30 метрдан кейин қовланади ва устига шағал ташланади.

Турли диаметрли қувурлар шўр ювиш жараёнида қузатув қудуғи орқали назорат қилинади. Сув қувурларга улар туташган жойдаги тирқишлардан ёки пастки томонидаги бир неча қатор тешиклардан тушади. Дренажлар чуқурлиги қури-

тиш меъёрларига боғлиқ. Агар улар сизот сувлар сатҳидан пастда (ёпиқ дренаж) бўлса, самараси юқори бўлади. Тупроқнинг сув кўтариш хоссаси ва сизот сувларнинг минералланиш даражасига қараб, ёпиқ зовурлар чуқурлиги 2,5-3,5 м бўлиши керак. Дренажлар самарадорлигини ошириш мақсадида, қувурлар анча қия (айниқса, кичик диаметрилари) жойлаштирилади. Ёпиқ дренаждан фойдаланишда уни лойқа (балчиқ) босиб қолиши мумкин. Шунинг учун уларни вақти-вақтида тозалаб туриш керак.



Бунда энг самарали ва тежамлиги механизмлар ёрдамида тозалашдир. Тик дренажлар ер ости ва сизот сувларини махсус насослар билан жиҳозланган чуқур қудуқлардан чиқариб олиш учун қўлланилади. Унинг шўрланган ерлар мелиорациясида самарали восита эканлиги маълум.

Сувни кам ўтказадиган, майда заррали юқори қатламининг таги қум-шағалли бўлган оғир тупроқли ерларда вертикал зовурлар яхши самара беради. Қум-шағалли ётқиқли қатламнинг жойлашишига қараб, зовур қудуқларининг чуқурлиги 20-30 м. дан 100-150 м. гача бўлади. Чуқурдаги сув қабул қилувчи қувурларнинг юқори қисми яхлит, пасти тешикли ёки ёриқли бўлади. Чуқур жойлаштирилган насослар электр мотор ёрдамида ишга туширилади.

Қудуқ атрофи ўпирилиб кетишининг олдини ўз вақтида олиш, шунингдек, лойқа ёки қум тўлиб қолса кечиктирмай тозалаш муҳим аҳамиятга эга. Ётиқ дренажда (шу жумладан, ёпиқ) босимли ер ости сувлари кўп тушиши, тупроқнинг юқори қатламлари билан шўр ювилишини усайтириб юборади. Тик дренаждан фойдаланилганда эса ер ости сувлари чиқариб олинади ва уларнинг пизометрик босими камайиб, сизот сувлар пастга қараб силжийди. Бундай шароитда минераллашган сувлар пастга силжиши туфайли тупроқнинг шўри ювилиб боради. Тик дренажни қўллашда чуқурлардан олинандиган сувдан тўғри фойдаланишга катта эътибор бериш керак. Агар минераллашиш даражаси анча юқори бўлмаса, ариқ сувига қўшиб, шўрни ювиш ва экинларни суғоришга сарфлаш мумкин.

Мелиоратив тадбирлар доирасига ер ости сизот сувларининг оқимини таъминлаш ва икклимачи шўрланишнинг олдини олиш мақсадида, хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги зовурларни ҳар йили 45-50 фоизи тозаланиши зарур.

Ҳозирда коллектор-зовур тармоқлари ва тик қудуқлар (сквжиналарни) нинг техник нозослиги ва иш самарасининг (унумининг) ўта пастлиги боис вужудга келган гидроморф ва сув режими ярим гидроморф сув ҳисобланади. Бунда ер ости сизот сувлари сатҳини “критик” чуқурликдан (2,5-3,0 м) пастда ушлаб туришга қаратилган барча тадбирлар мажмуаси ўз аксини топиши лозим. Амалиётда ярим гидроморф мелиоратив режимини қўллашни суғориладиган шўрланган тупроқларнинг қулай мелиоратив ҳолатда ушлаб турилишига имкон яратади.

Йирик каналлар, зовурларни лойқа-чўкиндилар ва ҳар хил ўсимликлардан тозалаш механизация ёрдамида амалга оширилади. Кичик каналлардаги лойқа-чўкинди ва

ҳар хил ўсимликларни эса ихчам ускуналар ёки қўл кучи билан тозалаш мумкин. Баъзи ҳолларда лойқалатиб сув оқими орқали лойқа-чўкиндилар ўтказиб юборилади, бундай лойқалар ё далага, ё ташламага бориб қўйилади. Лойқани пастки оқимга йўналтирилгандан кўра, канал қирғоқлари ва ён-атрофидаги жойларга ташлаган маъқул. Суғориш каналларида тозалаш ишлари амалга ошириляётганда каналларнинг қўндаланг кесимини лойиҳавий ҳолатга келтириш, қияликлари мустақамлигини ошириш ва лойиҳавий гидравлик ўлчамларни эътиборга олиш зарур.

Ҳар қандай гидротехник иншоотлар, жумладан, улардаги жиҳозлар ишлатилгани сайин емирилиб занглайди ва эскиради. Бироқ, бу ҳолат кучайиб кетмаслиги учун уларни вақтида аниқлаш ва тузатиш доимо эътибор беришни талаб этади. Сув тақсимлаш иншоотларини ишчи ҳолатда сақлаш учун қуйидаги таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш лозим:

- зичлагичлар текширилиб, ишдан чиққанлари алмаштирилади;
- гидропровод болтлари текширилиб, қотирилади;
- зангланган юзалар тозаланиб, зангга қарши қоплама суртилади;
- электр жиҳозлар кўздан кечирилади, электродвигатель очилиб, мойланади, контактлар тозаланади;
- редукторга мой қўйилиб, подшипниклар мойланади;
- захирадаги эҳтиёт қисмлар кўриқдан ўтказилиб, ишга яроқлиги таъминланади.

Сув тақсимлаш иншоотларидаги барча дарвозалар таъмирлангандан сўнг, бир неча мартага ёпиб-очиб иш қобилияти текшириб кўрилади.

Каналлардаги сув ўлчаш нуқталарини ишчи ҳолатга келтириш учун ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Хизмат кўприклари таъмирланиб, реперлар созилади, сув сатҳини кўрсатувчи рейкалар ишчи ҳолатга (бўёқлаш, таъмирлаш) келтирилади.

Суғориш каналлари ёки коллектор-зовур тармоқларида сувнинг бемалол ҳаракатланиши каналлар ёнбағирларидаги бегона ўтларга қарши курашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишни талаб этади. Бегона ўтлар каналларда сув ҳаракатига тўсқинлик қилади, сифонлар ишлашини сусайтиради, ахлат тутиб қолувчи панжаралар, сув олиш иншоотлари, насос филь-

трлари ва ҳоказоларни тўсиб, суғоришларга халал беради.

Шунингдек, СИУ ҳисобидаги суғориш тармоқларининг кичик канал ва ариқларини лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Фермер хўжаликлари ички суғориш лотокларини мунтазам назоратдан ўтказишлари ва таъмирлаш ҳамда биодренаж ёрдамида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қуйидаги ишларни амалга оширишлари керак:

- суғориш лотокларининг таянч устунларини тартибга келтириш;
- улардан сув сизишининг олдини олиш учун йўл қурилиш битуми, ипаксит суюқлиги ва бентонит қоришмалари ҳамда махсус геометрик материаллардан фойдаланиш;
- суғориш лотокларида йиғилган чўкмалар кичик ва мўрт бўлганлиги учун қўл билан тозалаш, баъзан сув билан ювиб юбориш.

Тупроқ шўрланиши, аниқроғи унинг асосий сабаби бўлган грунт сувлари сатҳи кўтарилишини маълум экинлар ёки дарахтларни экиш, яъни биологик дренажлар асосида ҳам ростлаш мумкин.

Бунда тут, терак, тол, жийда, қайрағоч, анор, анжир, беҳи каби дарахтларни фермер хўжаликлари экин майдонлари атрофига экиш тупроқ эрозиясининг олдини олиш ва ер ости грунт сувларининг сатҳини ростлашга ёрдам беради.

Шамол кучли эсадиган туманларда ва қумли ҳамда қумлоқ тупроқларда дарахт полосалари оралиғи кўпи билан 100-170, қум барханлари ўзлаштириляётган жойларда 80-100, енгил ва ўртача қумлоқ тупроқларда 200, оғир қумлоқ ва гилли тупроқларда 250-300 м. тенг бўлиши мақсадга мувофиқ. Шамол эсиш кучи ўртача минтақаларда ва қумли ҳамда қумлоқ тупроқларда дарахт полосалари оралиғи 200, енгил ва ўртача қумлоқ тупроқли ерларда 250-300, оғир қумлоқ ва гилли тупроқли ерларда 350-400 м. қилиб олиш лозим. Ҳозирги кунда гўза парваришида ҳашаротларга қарши курашда биологик усул билан кураш қўлланиши натижасида ихота сифатида бодом, анор, анжир каби мевали ҳамда қурилиш-боп дарахтларни қўллаш мумкин. Бунда дарахтларнинг шамолни қайтариши сабабли чигит экиладиган майдонда нам сақланиш муддати узайишига эришилади, ер ости сизот сувларини ўзига олиши сабабли ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Дала атрофидаги дарахтларнинг ҳолатини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ипак қурти парваришlash мавсумида шохлари кесилмаган дарахтларнинг шохларини кесиш тут барги ҳосилдорлиги ошишини таъминлаши баробарида, тут парвонасининг қишлашининг олди олинади. Тол дарахтларини каллаклаш шира зараркунандаси тухумлари нобуд бўлишини таъминлайди. Дарахтларнинг қуриган ва ёрилган шох-шаббаларини кесиш уларда зараркунандалар қишлашига барҳам беради.

Шунингдек, энг асосий қишги тадбирлардан бири бу — маҳаллий ўғит жамғаришдир. Миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун турли хил маҳаллий ўғитларга (қорамол, парранда гўнги, шаҳар чиқиндилари) ипак қурти нажаси ва гўмбаги, дарахт барглари, ем-хашак бўлмайдиган зироатларнинг қолдиқлари ва эски девор кесаги, ариқ, зовур лойқаси ёки экишда фойдаланилмайдиган дўнглик, шўр бўлмаган тупроқлар ҳамда табиий захиралари мавжуд, бойитилган қўмир кукуни, фосфорит ва ноанъанавий агроудалар (бентонит, бентонитсимон лойлар, глауконитлар ва бошқалар) ни бир-бирларига аралаштириб, органик маъдан компостлар тайёрлаш зарур. Бунда чуқурнинг ҳамжи: узунлиги 60-80 метр, эни 3-3,5 метр, чуқурлиги 3,5-4,0 метр бўлиб, сифими 1000 тонна атрофида бўлади. Чунки, тупроққа солинган гўнг ёки компост микроорганизмлар ёрдамида парчаланиб, ундаги углерод эса оксидланади. Натижада ҳосил бўладиган карбонат ангдриди тупроқдаги фосфатга таъсир кўрсатиб, унинг эрувчанлигини кучайтиради, бинобарин ўсимлик уни яхши ўзлаштиради ҳамда тупроқ унумдорлиги сақланиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга пухта замин яратилади.

Шўри ювилган ерлар етилгандан кейин намини сақлаш мақсадида, марзалар текисланиб, ЧКУ-4 чизель культиватор билан 16—18 см чуқурликда юмшатилади, кетидан борона қилинади (тупроқ шароитларига кўра, иккинчи марта борона-мола қилиниши мумкин).

Фермер хўжаликлари қишқи мелиоратив тадбирларни ўз вақтида сифатли бажарсалар, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга замин яратилади.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари.

ҒАЛЛА ҚИШДА ҲАМ ПАРВАРИШГА МУҲТОЖ

Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра, кузги бугдойда ҳар қандай шароитда ҳам физиологик жараён давом этади, унинг ривожини учун энергия зарур бўлади. Кунлик ҳарорат $+3-5^{\circ}\text{C}$ бўлганда қишлаш даврида фотосинтез жараёни тўхтаб, фақат нафас олиш жараёни устунлик қилади.

Бунда ғалла уруғини экиш даврида берилган фосфорли ва калийли минерал ўғитлардан илдиз орқали синтез қилинган органик моддалар ҳисобига нафас олиш жараёни содир бўлади. Айтиш жоизки, кузги бугдой совуқ об-ҳаво даврида энергияни фақат нафас олиш пайтида танасидаги захира моддаларни парчаланиши эвазига ҳосил қилади. Шу билан бирга қишда кундуз кунлари ўсимликда фотосинтез жараёни ўтмайди. Ўсимлик куёшнинг ёруғлик энергиясидан фойдаланиши ҳисобига хлорофил дончаларини тўплайди. Бу билан ғалланинг кечаси кучаядиган совуққа чидамлилигини оширади.

Селекционер олим янги нав яратиб, унинг потенциал ҳосилдорлигини белгилаб беради. Яратилган навнинг белгиланган потенциал ҳосилдорлигини ғаллакор фермер хўжаликлари томонидан етиштириш учун, энг аввало албатта юқори агротехника шароитини яратиш ва агротехник чора-тадбирларнинг қўлланилиши эвазига мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имконияти мавжуд бўлади.

Республикамиз ғалла майдонларида макро ва микро элементлар тақчиллигини қоплаш мақсадида куз, қиш ва баҳор ойларида тўғри ва ўз вақтида кузги бугдойни парвариш қилиш эвазига ўсимликни ноқулай шароитларга чидамлилигини ошириб, маҳсулдорлигининг юқори бўлишини таъминлашимиз зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кузги бугдой парваришида қиш фаслида агротехник тадбирларни бажаришга қатъий эътибор бериш лозим.

Чунончи январь ойида амалга ошириладиган энг муҳим агротехник тадбирларидан бири бу — 1 гектар майдонга мўлжаллаб ўртача 8-10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғаришдир. Ҳар 5 гектар майдонга эса биттадан (чуқурлиги 1.5 метр, эни 3 метр, узунлиги 5 метр) шарбат ўралари қазиб, ҳар бир ўрага 50 тоннадан маҳаллий ўғит захирасини яратиш лозим. Далага чиқарилган маҳаллий ўғитларни ўраларга солиб, устини 5-10 см қалинликда кўмиб қўйиш лозим. Шу билан бирга ғаллакорлар экин парваришида қуйидагиларга эътибор беришлари талаб этилади:

- муддатидан кеч экилиб, ғалла ривожини 3-4 барг, 1-2 барг ёки умуман униб чиқмаган майдонларда ер ёрилиш ҳолатларини аниқлаш, бундай майдонларга жамғарилган қуруқ гўнг ёки чиринди сочишни ташкил этиш (далада юза гўнг қатламини ҳосил қилиш) ҳамда шу майдонларни ҳар 2-3 кунда кузатиб бориш (Республикамизнинг шимолий минтақаларида тавсия этилмайди);

- ер музлаган вақтда гўзапояси олинмаган майдонлар гўзапоясини фақат ўриб олиш ёки техника ёрдамида майдалаш ишларини ташкил этиш (ғалла экилган майдонларда гўзапояни юлиб олиш тақиқланади);

- гўзапояси ўрилган майдонларда гўзапояларни зудлик билан олиб чиқиб кетиш тавсия этилади. (Гўзапоя тўпланиб қўйилган майдонларда, гўзапоя остида ғалла ниҳоллари куёш нури етишмаслиги оқибатида сарғая бошлайди, фотосинтез жараёни тўхтайтилади);

- ғалла майдонларини сув билан таъминлайдиган ички ариқларни ҳашар йўли билан тартибга келтириш, гўза қатор ораларини гўзапоядан тозалаш ишларини тугаллаш мақсадга мувофиқдир;

- ер ости сувлари 1,5 метрдан чуқур жойлашган майдонларда чилла сувини энгил ўтказиш зарур. Шунда, тупроқда нам тўпланади, ғаллага касаллик ва ҳашаротларнинг тушиши олди олинади. Натижада бошоқдаги доннинг вазни ортада ва ғалла ҳосилдорлиги 5-10 центнерга кўпаяди;

- далани бегона ўтлардан ҳимоя қилиш, касаллик ва зараркунанда ҳашаротлар тарқалиши олдини олиш мақсадида, дала четлари ва суғориш тармоқларини тозалаш лозим;

- далани бегона ўтлардан ҳимоя қилиш, касаллик ва зараркунанда ҳашаротлар тарқалиши олдини олиш мақсадида, дала четлари ва суғориш тармоқларини тозалаш лозим;

- маълум сабабларга кўра, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар берилмаган ғаллазорларга ер музлаган вақтидан фойдаланиб, йиллик меъёрдан 10-15 фоиз ортиғи билан сепиш лозим;

- ғалладан бўшаган майдонларга такрор ғалла экилган майдонларда ғалладошлар оиласига мансуб бегона ўтлар кўпайишини ҳисобга олиб, уларга қарши гербицидлар захирасини яратиш чораларини кўриш;

- бошоқли дон экинларининг навларига қараб ғалла ниҳоллари ҳолатини ўрганиб, мутахассислардан иборат дала кузатув гуруҳлар ташкил этиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларни республикамиз вилоятларининг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда сифатли амалга оширилиши, ғалладан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайди.

Р.СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д.



Азиз ватандошлар!

*Қириб келган
Янги йил айёми
билан қўтлаш шарафига
муяссар бўлган эканмиз,
фурсатдан фойдаланиб,
барганизга тинчлик-
тойувлик, сихат-
саломатлик, мустаким
диёримиз рабнақи йўлидаги
эзгу ишларингизда улкан
зафарлар тилаймиз.*

**“Ўздавуруғназорат”
жамоаси**

ТЕХНИКАСИ СОЗНИНГ ИШИ СОЗ

Айни кунларда туман ва муқобил машина-трактор паркларининг устахоналарида, фермер хўжаликларининг машина саройларида тракторлар, чизель-культиватор, борона ҳамда мола-текислагич каби ерларни экишга тайёрлаш техникаларини таъмирлаш ишлари қизгин олиб борилмоқда.

Устахонага келтирилган ҳар бир трактор ёки машина энг аввало, мой ва чангдан, минерал ўғит, ўт-ўлан қолдиқлари ҳамда бошқа чирклардан яхшилаб тозаланиши, юқори босимли сув билан ювилиши зарур, акс ҳолда бундай ифлосликлар носоз жойларни аниқлашга халақит беради, пировардида таъмир сифатига путур етади.

Тракторлар. Таъмирдан сифатли чиқарилган детал ва узелларнинг созлик шартлари: тўла жиҳозланган; ёнилги, мой ва бошқа суюқликлар томчиламайдиган; детал, узел ва агрегатлар пухта маҳкамланган; ўлчов, ёритиш ва электрон асбоблар яроқли; капот, ойна ва кабина эшикларини шикастланмаган; мажбурий жойлар ёлланган.

Двигател энгил ўт олади, барқарор ишлайди, бегона шовқин ёки товуш чиқмайди; ёнилги ва мой сарфи меъёрида, ёнилги билан таъминлаш ва газ тақсимлаш системасининг бирикмалари маҳкам; тирсакли вал барқарор айланади, двигателнинг куввати номинал даражада.

Илашиш муфтаси узатмаларни эркин, қадалишларсиз қўшилишини таъминлайди, шатаксирламай ишлайди; карданли узатма бирикмаларида радиал ва бўйлама тирқишлар меъёрида; орқа кўприк ва бошқариш механизми тақиллаш, шовқиндан ҳоли; равон ва кескин бурилишлар, ишончли тормозланиш таъминланади.

Занжирли тракторларда трек бармоқлари, етакловчи филдирак тишлари чегарада едирилган, таянч катоклар ва йўналтирувчи филдираклар лапангламай айланади; филдиракли тракторларда рул чамбарининг эркин йўли меъёрида, рул механизми ва филдираклари соз ҳолатда.

Гидравлик осиш системаси машиналарни равон кўтаради ва туширади, механизмлар ишончли, бирикмалардан суюқлик томчиламайди; электр қуримлар двигателни равон юргизиш ва йўлни яхши ёритишни таъминлайди.

ЧКУ-4А ва ЧК-4-6 чизель-культиваторларда юмшатувчи ва ўқёйсимон панжаларнинг ейилиши, ўтмасланиши ва синиши; улар ўрнатилган усунларнинг эгилиши ва буралиши; втулкалар, сальниклар бошқа туташма деталлардаги резьбаларнинг ейилиши; подшипникларнинг тўкилиши

ва стопорларнинг ейилиши ва синиши; иш органлари ва бороналарни кўтариш механизмлари қисмларининг эгилиши ва буралиши каби носозликларни тузатиш талаб қилинади.

Ейилган втулкалар, сальниклар, соққалари тўкилган подшипниклар, уларнинг ейилган ва синган стопорлари ҳамда бошқа носоз деталлар янгисига алмаштирилади.

Ўғит солувчи аппаратнинг бункерларидаги тешик ва ёриқлар пай-



вандланади. Айланувчи қисмлардаги носоз подшипниклар алмаштирилади. Ўғит солиш меъёрини ростловчи механизм деталлари эгилган, едирилган бўлса таъмирланади.

Раманинг эгилган қисмлари тўғриланади, ёриқлар пайванд қилинади. Таянч филдираклар подшипниклари текширилади, носози тузатилади, тешик камералар ямалиб, эски шиналар алмаштирилади.

БЗСС-1,0, БЗТС-1 ва БЗТХ-1,0 русумли тишли бороналарда қуйидаги нуқсонлар кўпроқ учрайди: тишлар маҳкамланадиган планкалар ва бороналарни бир-бири билан улайдиган илгаларнинг эгилиши ва буралиши, тишларни ўтмасланиши, ейилиши ва эгилиши. Бу нуқсонларни тузатиш учун борона қисмларга ажратилади, планкалар ҳамда илгаларни эгилиши ва буралиши болғалаш йўли билан совуқлайин тўғриланади.

Ўтмасланган, ейилган ва эгилган тишлар темирчилик усулида қиздирилади, болғалаб чўзилади, тўғриланади ва текисланади. Бунда, таъмирланган тишлар бир хил узунликда бўлиши ҳамда ўткир учининг қалинлиги 2 мм дан ошмаслиги лозим.

Чўзилган ва тўғриланган тишнинг иш қисми темирчилик печкасида 820-840°C гача қиздирилади ва 30-35°C ли сувга ботириб тобланади. Сўнг борона қайтадан йиғилади ва назорат плита устида текшириб

қўрилади. Қуйидаги шартлар бажарилганда тишли борона тўғри таъмирланган ҳисобланади:

- борона планкалари ва тишларининг эгиклиги 3 мм дан ошмаслиги лозим;

- тишлар планкага гайка ва шайбалар ёрдамида маҳкамланган бўлиши ҳамда улардаги резьбаларнинг 2-4 ўрами гайка юзасидан ташқарига чиқиб туриши керак;

- тишлар планкаларга қирраси ва ўткир томони билан ҳаракат йўналишига қараб ўрнатилиши даркор;

- тишларнинг тик ҳолатдан оғиши ±5 мм дан ошмаслиги лозим;

- тишларнинг учлари билан назорат плитаси сирти орасидаги масофа 10 мм дан ошмаслиги керак;

- тишлар қолдирган излар орасидаги масофа 50 мм бўлиши, бундан четланиш эса 5 мм дан ошмаслиги зарур.

БДТ-2,2, БДТ-3,0 ва ТДБ-3/5

дискли бороналарда энг кўп таъмирталаб қисм – бу сферик дисклардир. Носоз дискларнинг сиртлари қийшайган, қиррали ўтмаслашган бўлади. Сиртларни жойида уриб тўғрилаш мумкин эмас. Қийшайган диск ўқидан ечиб олинади, андоза устига жойлаштирилади ва болға билан бир текис қилиб тўғриланади. (Дискнинг заводдан келтирилган янгиси андоза вазифасини бажариши мумкин).

Дискнинг марказидаги квадрат шаклидаги тешик едирилган бўлса, унинг ичига пўлат шайба пайвандланади ва эгов билан ўлчамига келтирилади. Диск батареясининг ўқи эгилган бўлса, болғаланиб тўғриланади. Борона рамасидаги дарз кетган жойлар пайвандланади. ТДБ-3/5 боронанинг таянч филдираги шиналари едирилган бўлса, янгиларига алмаштирилади. БДТ-3,0 боронадаги темир филдиракларнинг гардишлари эгилган бўлса тўғриланади, дарзлар пайвандланади, носоз подшипниклар ўрнига созлари қўйилади. Диаметри кичрайган дискларни янгиларига алмаштирилади.

МВ-6,0 мола текислагичда пичоқлар тўмтоқлашган бўлса, уларнинг тиглари темирчилик усули билан ўткирланади. Батамом тўмтоқлашган ёки тиглари охиригача едирилган пичоқлар янгисига алмаштирилади. Четки секцияларни тутиб турувчи тортқиларнинг эгилган жойлари тўғриланади.

Хуллас, устахоналарнинг муҳандис-техник ходимлари, чилангарлар ва механизаторлар ерларни экишга тайёрлаш машиналарининг таъмирлаш тадбирларини сифатли бажарилишига эришмоқлари лозим. Шундагина техникаси сознинг иши ҳам соз бўлади.

М. ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор (ҚХМЭИ).

БОҒНИ БОҚҚАННИ, БОҒ БОҚАР

Боғ-токзорлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш учун ҳозирдан тайёргарлик кўриш зарур. Қатор оралари ҳайдалмай қолган боғларда 25-30 см. чуқурликда ҳайдаш, шўрланган ерлар атрофидаги коллектор ва зовурларни тозалаш ишлари бажарилади. Ёгингарчилик кам бўлиб, намгарчилик етарли бўлмаган боғ қатор ораларига қишки яхоб суви бериш, бунда ҳар бир гектарга 1500-2000 куб. метр сув сарфланиб, 4-5 кун давомида сугориш керак.

Ҳаво ҳарорати +5⁰Сдан юқори бўлганда уруғли мева дарахтлари хусусан олма, нок, беҳининг синган шох-шаббалари, нобуд бўлган пўстлоқлардан ва зараркунанда захираларидан тозалаш ишлари бажарилади. Дарахтларга ёққан қорларни силкитиш, яъни ёққан қор шохларни синдирмаслиги олдини олиш чоралари кўрилади.

Илиқ ҳаво ҳароратида уруғли мева дарахтларига шакл бериш, буташ, сийраклаштириш ишлари давом эттирилади. Қуриган дарахтлар олиб ташланади.

Боғларда дарахтларни буташдан асосий мақсад:

1. Дарахт шохларини бир текис жойлаштириб, шох-шабба учун мустақкам скелетни шакллантириш.

2. Дарахтларни эрта ҳосилга кириши учун қулай шароит яратиш.

3. Шох-шаббанинг барча қисмини бир текис яхши ёритилишини таъминлаш.

4. Дарахтлар ҳаётининг бутун давларида уларнинг ўсиши ва ҳосил бериши ўртасидаги физиологик мувозанатни бошқариб туриш.

5. Дарахтларнинг ҳосилдорлиги ва жойлаштириш схемасига мувофиқ ҳолда уларнинг шох-шаббаси ўлчамини чеклаб туриш.

6. Дарахтларнинг ёшини инobatта олган ҳолда уларнинг ҳар бир тур ва навидан юқори сифатли мўл ҳосил олишга эришишдир.

Боғ-токзорларда қўлланиладиган қишлоқ хўжалик машиналари, агрегатлари ва транспорт воситаларини таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Боғлар зараркунанда ва касалликларига қарши ҳимоя воситала-

рини гамлаш ҳамда имкон даражасида экин қатор орасига органик ўғитларни солиш, чунончи паст бўйли интенсив боғларга гектарига 60-80 тн., ўрта бўйли олмазорга гектарига 50-60 тн., кучли ўсувчи боғларга 30-40 тн. гўнг солиш керак. Уруғли ва данакли боғларда дарахтларнинг туп тағларидаги тупроқ ағдариб чопилади, тўкилган барглари ва бегона ўтлар йўқ қили-



нади.

Боғларда олма, нок ва беҳи дарахтлари асосий навларининг танасига эркин ўсишини таъминлаш мақсадида шакл берилади.

Сийрак ярусли тизим бўйича тўлиқ шакллантирилган мева дарахти биринчи тартибдаги 2-4 шохидан иборат бўлади. Биринчи тартибдаги она шохлари билан бирга иккинчи ва учинчи тартибдаги шохлар ҳам шакллантирилади. Иккинчи шох биринчисидан 25-30 см. оралатиб шакллантирилади. Учинчи тартиб шохлари ҳам шу тариқа шакллантирилади. Иккинчи ва учинчи тартибнинг скелет шохлари ён томондан ўсган бўлиши керак. Пастки оналик шохларда иккинчи тартибнинг 2-3, қолганла-

рида 1-2 та новда қолдирилади. Иккинчи тартиб шохларида учинчи 1-2 новдаси қолдирилади. Кучли ўсган ён шохларни кесиб, ярим скелет шохларга айлантирилади. Скелет ва ярим скелет шохлар ўртасида ўсган ён куртакларни кесиб ёки эгиб ҳосил шохларга айлантирилади.

Шох-шаббага шакл беришда етакчи шох билан шох-шабба ўртасидаги боғлиқларни сақлаб қолишга аҳамият бериш зарур, яъни марказий шох доимо биринчи тартибдаги шохчалардан 20-25 см. узунроқ бўлиши, биринчи тартибдаги шохчалар ҳам ўз навбатида иккинчи тартибдагилардан шунчага узунроқ бўлиши керак. Асосий шох ёнида ўсувчи рақиб шохлар кесиб ташланади. Агар рақиб шох асосий шох-

дан кучлироқ ва яхшироқ йўналган бўлса, рақиб шох қолдирилиб, асосий шох кесиб ташланади ёки эгиб қўйилади. Шох-шаббаси тор пирамидал шаклдаги навларнинг шох-шаббасини кенгайтириш учун биринчи тартибдаги асосий шохлар иккинчи тартибдаги ташқи ён шохлар устига ўтказилади ва ўсиш бурчагини кенгайтириш мақсадида пастга

эгиб қўйилади.

Шох-шаббаси ёйиқ олма навларининг биринчи тартибдаги шохларини иккинчи тартибнинг юқорига қараб йўналган шохлари устига ўтказилади. Шох-шаббанинг асосий шохларига шакл берилгандан сўнг марказий етакчи тана 45⁰ бурчак остида якка ўсган ён шох баландлигида кесилади. Шунда дарахтнинг бўйи пастлашиши туфайли шох-шабба ички қисмининг яхшироқ ёритилишига қулай шароит яратилади.

Шу мақсадда биринчи тартибдаги тик ўсган шохлар иккинчи тартибнинг ташқи ён шохлари устига ўтказилади.

Мева дарахтлари шох-шаббасини дастлабки беш-етти йил даво-

мида шакллантириш лозим. Бунда дарахтларнинг тур ва нав хусусиятларини инобатга олган ҳолда буташ керак.

Олма дарахтлари ҳосилга кира бошлаганидан бошлаб 6-15 ёшгача шох-шаббаси сийраклаштирилади: бир-бирига халақит берадиган ва шох-шаббани қоронгилаштирадиган барча новдалар олиб ташланади. Сусти новда чиқарадиган, асосан ҳалқасимон (кольчатка) ва мураккаб ҳалқасимон-ҳосилли шохларда мева тугадиган навларда барча тартибдаги скелет шохлардан ўсиб чиққан бир йиллик шохларни қисқартириш давом эттирилади.

Кучли шохланадиган олма навларда фақат узунлиги 60 см.дан кўпроқ ўсган шохлар қисқартирилади. Шохлар меъёрида ўсганда (40-45 см.), қисқартирилмайди. Уларнинг йиллик ўсиши 15-20 см.гача камайганда, бўйини 35-40 см. атрофида сақлаб туриш мақсадида, бу шохлар қисқартирилади. Ён томондан ўсиб чиққан шохларни эгиб ёки қисқартириб, улардан мева шохлари ҳосил қилинади.

Дарахт тўлиқ мевага кирган даврда навларига қараб 8-15 ёшгача ўтказиладиган буташлар уларнинг бўйи ва ҳосилдорлигини сақлаб қолишга қаратилади. Бу вақтда дарахтлар ёш давридагига нисбатан камроқ буталади, фақат майда, шох-шаббани, қоронгилаштирувчи ва бачки шохлар олиб ташланади, алоҳида ўсган ва янги ҳосил бўлган узун шохлар қисқартирилиб, мева шохларига айлантирилади. Катта шохлар эса бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда кесилади.

Агар скелет шохлар учининг ўсиши ҳосилнинг ҳаддан ташқари кўплиги ёки агротехниканинг ёмонлиги туфайли 15-20 см.гача қисқарса, у ҳолда ўсишни кучайтириш мақсадида 2-3 йиллик шохлари кесилади, чеканка қилиб қисқартирилади, кейинги йилларда ўсиб чиққан заиф шохлар олиб ташланади. Бундай тадбир мева берадиган дарахтларда шохларнинг меъёрида ўсиши учун вақти-вақти билан ўтказиб турилади. Бу даврда ерга осилган, касал ва синган шохлар кесиб ташланади.

Скелет шохлар учининг ўсуви анча заифлашиб, 10-15 см. бўлиб қолса, ён томонга ўсган шохлар яхши ўсиши учун тахминан беш-олти йиллик шохлари қисқартирилади. Мураккаб ҳалқасимон ва мева шохлар, уларнинг ҳолатига кўра, учдан бир қисмига ёки ярмига қисқартирилади.

Бачки ярим скелет шохларни алмаштириш ёки уларни мева шохларига айлантириш мақсадида шакллантирилади, ортиқчалари олиб ташланади, жароҳатланган жой атрофидаги бачки шохлар вақтинча қолдирилади.

Ҳосил мўл бўлиши кутилаётган йилларда буташ йўли билан ўтган мавсумда шаклланган гул куртак-



лари сонини камайитириш келгуси йил ҳосил заминини яратиш мақсадида агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ҳисобига янги куртакларни шакллантириш зарур.

Кам ҳосил олинган йилларда камроқ буташ йўли билан илгари шакллантирилган гул куртакларини сақлаб қолиш керак. Аксинча кучли бутаб, баҳорда сийраклаштириш йўли билан келгуси йил ҳосили учун шакллантирилган гул куртаклари сонини қисқартириш зарур.

Интенсив боғларда дарахтлар пакана пайвандтагга уланганлиги боис кўчатларга алоҳида шакл берилади. Ёш дарахтларга эса веретино усулида шакл берилади. Бунда асосий лидер новда қолдирилиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилади, яъни шохлатилади. Шакл беришда дарахтнинг асосий лидер шоҳида

штамби учун 50 см. қолдирилиб, ундан юқорисига 8-10 та кўз, ундан сўнг яна шип учун 3 та кўз қолдирилиб, ортиқчаси кесилади.

Келгусида етарли шохлаши учун 50 см. танасидан юқорида жойлашган 3 та кўз ойсимон шаклида (кўчат кўчатхонасида шохланмаган бўлса) кўзни ўсиш қисмидан кербовка (кесма) қилинади ва яна учта кўз ташлаб яна учта кўз тўғри чизиқ шаклида кербовка қилинади. Бу жараён дарахт ўса бошлаган даврида қилинса яхши натижа беради.

Кейинги йиллари интенсив боғларда “Бактериал куйиш” касаллиги дарахтларга жиддий зарар келтирмоқда. Бунда асосан дарахтларнинг пайвандтаги зарарланади. Эрта баҳорда гул тугунчалари ва новдалари зарарланиб, пайванд қилинган ердан кўпгина ҳолларда сариқ суюқлик чиқа бошлайди.

Зарарланган гул тугунчалари қуриб, кўнғир тусга кириб, новдаларни учи эгилиб, пастга қараб қурий боради. Баъзи ерларда сарғиш суюқлик чиққач, тамоман қуриб қолади, новданинг пўсти тарам-тарам бўлиб ёрилади.

Касалликка қарши дарахтнинг барги 60-70% тўкилгандан сўнг Бордо суюқлигининг 3% эритмаси билан яхшилаб ишлов бериш керак. Бунда интенсив боғларда илиқ кунлари ҳар бир гектар боғга тахминан 30 кг. мис купороси ва 30 кг. оҳак 1000 л. сувда аралаштириб пуркалади. Эрта баҳорда ушбу тадбир қайтарилади.

Токзорларда таъмирлаш ишлари темир-бетон устунларни тўғрилаш, симларни тортиш, гектарига 30-40 тн. гўнг солиш, 1-2 марта яҳоб суви бериш (1200-1500 м³/га) ҳамда шўр ювиш, коллекторларни тозалаш ишлари олиб борилади.

Юқоридаги агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, боғ-токзорлардан юқори ҳосил олишга пухта замин тайёрланади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.

Х.АБДУЛЛАЕВА,
Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ,
катта илмий ходимлар,
(Академик

Маҳмуд Мирзаев номли БУёВТИ).

САБЗАВОТЧИЛИКДА ЧИЛЛА ЮМУШЛАРИ

Сабзавотчиликда айни кунларда амалга ошириш лозим бўлган муҳим вазифаларидан бири бу — эртаги карам кўчатини сифатли тайёрлаш ҳисобланади.

Очиқ майдонга етарли (55-60 минг) миқдорда кўчат етиштириш учун 140-150 м² плёнкалик иссиқхона талаб этилади. Иссиқхона майдонининг 40 фоизи дала тупроғи, 40 фоизи чиринди, 20 фоизи эса қипиқ, шоли шулхаси ёки қумли аралашмадан иборат бўлиши лозим.

КЎЧАТ ТАЙЁРЛАШ

Эртаги сабзавот кўчатларини етиштириш жараёнида асосан икки тадбир амалга оширилади. Биринчи тадбир - уруғ сепиб, ниҳоллар (майса) олинади, иккинчиси эса ниҳолларни 12-14 кундан кейин кўчириб бошқа жойга экиб, парваришладан иборат. Иссиқхоналарга солинадиган озиқа аралашма қалинлиги ниҳол тайёрлаш учун 10-12 см. дан, кўчириб экиладиган иссиқхоналарда эса 18-20 см.дан кам бўлмаслиги керак.

Сабзавот ниҳоллари етиштириладиган иссиқхонани 1 гектар катталикидаги майдонига 10-12 см қалинликда 1000-1200 м³ миқдорда аралашма солиниши лозим.

Республикамизда карамнинг эртапишар чет эл дурагайларидан Фарао, Парел, Балбро, Бурбон, Назоми ҳамда маҳаллий ўрта ва кечпишар Термиз 2500, Тошкент 10, Саратони, Ўзбекистон судяси, Шарқия каби эртапишар, серҳосил дурагайларини экиш тавсия этилади.

Сифатли ва соғлом кўчат тайёрлашда уруғларнинг аҳамияти жуда каттадир. Униб чиқиш хусусияти юқори, бегона ўт ҳамда навлар аралашмасидан ҳоли, биринчи туркумга мансуб бўлган уруғлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Уруғни ердан тўлиқ униб чиқишини таъминлаш учун уларни оддий усулда саралаб, сўнгра экиш тавсия этилади. Уруғ миқдорига мос

идишда 3-5 фоизлик ош тузи эритмага карам уруғи 1 соат давомида солиб қўйилади. Натижада пуч ва сифатсиз уруғлар эритманинг юза қисмида, тўқ ва сифатлиги эса эритма остига чўкади. Эритма юзасидаги уруғларни олиб ташлаб, эритма аста тўкилади, эритма остига чўккан уруғларни тоза сув би-



лан 2-3 маротаба ювиб, сўнгра уларни ёйиб қурилади.

Саралаб олинган уруғлар экилганда, ердан тез униб чиқиши учун уларни намлаш ҳамда ниш ундириб экиш усуларини қўллаш зарур. Намланган ва ундирилган уруғларни аввал шамоллатиб сўнгра экиш тавсия этилади. Бир гектар очиқ майдонга экиш учун етарли миқдорда карам кўчати тайёрлашга 350-400 грамм ҳисобида уруғ сарфланади. Ниҳол олиш учун карам уруғини экиш чуқурлиги 0,5-1,0 см.дан ошмаслиги, акс ҳолда уруғни ердан униб чиқиш муддати кечикади.

Уруғ экилиб, улардан майсалар тўлиқ униб чиққунча иссиқхонани +18+20°C ҳароратда сақлаш, майсалар униб чиққач 5-7 кун давоми-

да ҳароратни +6 +10°C даража атрофида бўлиши таъминланса, майсаларни илдиз қисми яхши ривожланади. Кейинги парваришладан даврида кундузи ҳарорат +15-17°C, кечалари эса +10-12°C атрофида бўлиши керак.

Майсалар чиққанидан 15-18 кун ўтгач, яъни ер устки қисми 5-7 см гача ўсиб, уларда 1-2 тадан чинбарг ҳосил бўлгач уларнинг сифатли ва бақувват етилиши учун бошқа жойга озиқа майдонларини (4 x 5 ёки 5 x 5 см) кенгайтириб кўчириб экилади. Улар ўзини тўлиқ тутиб олганидан 10-12 кундан сўнгра биринчи марта озиқлантирилади. Озиқлантиришда ҳар 10 литр сувга

13-15 грамм азотли, 18-25 грамм фосфорли ва 15-20 грамм калийли ўғитлар солиниб эритилади ва ушбу эритма ҳар 3-3,5 м² майдондаги кўчатларни озиқлантириш учун сарфланади.

Иккинчи марта карам кўчатлари очиқ майдонга экишдан 15-18 кун олдин озиқлантирилади. Бунда 10 литр сувга маданий ўғитлар миқдори икки марта кўпроқ солинади.

Иссиқхона ҳаво ҳарорати ва тупроқ намлигига кўра, эртаги карам кўчатлари ҳафтасига 1-2 маротаба 1 м² майдонга 4-6 литр сув сарфлаб суғориб турилади.

ЭКИННИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ

Иссиқхоналардан унумли фойдаланишда экин етиштиришдаги барча тадбирлар ўз муддатида олиб борилиши лозим.

Иссиқхонани экин экишга тайёрлашда энг аввало ўтмишдош экин қолдиқларини йиғиб олиш керак. Шундан сўнгра оққанот, қанотли ширалар, говакловчи пашша ва занг каналарни ривожланиши ва очиқ майдонларга тарқалишининг олдини олиш учун ўсимлик қолдиқла-

рини чуқурларга кўмиб ташлаш ёки дезинфекция қилиш зарур.

Дезинфекция учун Формалин 40% ли 2% ишчи аралашма тайёрлаб (200 кг/га) унга 2% ли мис купороси аралаштириб қўллаш яхши самара беради. Орадан 2-3 кун ўтгач ўсимлик қолдиқлари олиб чиқиб ташланади.

Помидорни 50-55 кунлик кўчатлари январь охири, февраль бошларида экилади. Тавсия этиладиган навлар Белле F₁, Сайхун F₁, Видетта F₁, Элпида F₁, Виласка F₁, Шарлота F₁, Омад F₁, Гулканд, Аве-Мария. 25-30 кунлик бодринг кўчатларини январь охири, февраль бошида Орзу F₁, Мультистар F₁, Экспоза F₁, Супердельга F₁, Амур F₁, Купосис F₁ дурагайлари экиш тавсия этилади.

Ўсимликларга битта пояли қилиб шакл берилади. Бачки новдалар 6-7 см. дан ўсиб кетмаслиги учун ўз вақтида юлиб ташлаш керак. Ўсимликлар учини ҳар ҳафтада канопли ипга ўраб турилади. Мева пиша бошлаши даврида пастки (гулшоодаги) барглари олиб ташланади.

Ўсув даврининг 6-7 ҳафтаси давомида ўсимлик учки қисмини юқоридаги гулшоода тепасида 2 тадан барг қолдириб, чимдиб турилади.

Иссиқхоналарда ҳосил етиштиришда экинларга зарар келтирадиган ҳашарот турларини уларнинг озиқланиш усулига қараб иккига бўлиш мумкин.

Биринчиси, сўрувчи зараркунандалар. Булар ўсимлик ширасини сўриб, уни ривожланишдан ортда қолдиради ва ҳосилдорликни пасайтириб, сифатини бузади. Айрим ҳашаротларнинг ширали чиқиндилари ўсимлик барги ва бошқа қисмларни ифлослантириши туфайли сапрофит замбуруғларнинг ривожланиши учун қулай муҳит яратиб, фотосинтез жараёнини издан чиқаради. Буларга, помидор занг конаси, ўргимчаккана, ширалар, оққанот, помидор куяси киради.

Иккинчи тур зараркунандалар - ўсимликнинг вегетатив ва генератив органларини кемириб, зарарлайди. Буларга, кузги тунлам, кўсак қурти, говакловчи пашша ҳамда нематодалар киради.

Сабзавот экинлари кейинги йил-

ларда, фузариоз сўлиш, вертициллез сўлиш, фитофтороз, қўнғир доғланиш, кулранг чириш, бодринг ва тамаки мозаикаси касалликлари билан зарарланмоқда.

Оққанотларга биологик курашиш учун уларнинг зичлигига қараб, энкарзия паразитини оққанот личинкаларига қарши 1:20, 1:10, 1:5 нисбатларда қўллаш керак. Зараркунанданинг етук зотларига қарши сариқ тусли елим суртилган экранлар тутиб қириш лозим. Ҳаммаҳур энтомофаглардан оққанотни олтинкўз ва кокцинеллид личинкалари ҳам кўплаб қиради. Кимёвий курашишда, агар оққанотларнинг



микдори кўп бўлса қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: Апплуд 25% н.к.к 0,5 кг/га (10л сувга 50 г), Моспиан, 20% н.к. - 0,15 л/га (10л сувга 15 мл).

Ўргимчакканага қарши биологик курашишда - олтинкўзнинг катта ёшдаги личинкаси қўлланилса бир кеча-кундузда 800 тагача ўргимчаккана тухумини еб қўяди. Кимёвий усулда - Омайт, 57% к.эм. - 1,5 л/га (10л сувга 15 мл); Ниссоран, 10% н.к.к. - 0,1 кг/га (10л сувга 10 г); Флумайт, 20% сус.к. - 0,2 л/га (10л сувга 20 мл) қўллаш зарур.

Помидор куясига қарши курашишда - иссиқхоналарнинг дераза ва эшикларига махсус москит (ниқобловчи) сеткалар тортиш, зараркунанда сонини назорат қилиш учун феромон тутқичлардан фойдаланиш, сариқ елим суртилган эк-

ранларни гектарига 35 тадан илиб қўйиш ҳам помидор куясининг капалаклари тарқалишининг олдин олади. Кимёвий усулда Капито 9,3% к.с. (индосакарб+абамектин) - 0,45 л/га (10л сувга 4,5мл); Эмафос 42% к.э. (эмаектин бензоат+хлорпирифос) - 0,6-0,8 л/га (10л сувга 6-8мл); Кораген 200 к.э (хлорат-ранилипрол) -0,15-0,20 л/га (10л сувга 1,5-2мл); Амплиго 150 к.с (хлорантранилипрол+лямбда-цигалотрин) - 0,6-0,8 л/га (10л сувга 6-8мл); Бензоат супер 10% с.э.г (эмаектин бензоат) - 0,15-0,25 кг/га (10л сувга 1,5-2,5мл) қўллаш самара беради.

Ун-шудринг ва сохта ун-шудринг касалликларига қарши Топсин-М, (0,7 кг/т сувга) ёки Сапрол (1 л/т сувга), Топазни (0,5 л/т сувга) қўшиб пуркаш тавсия этилади.

Помидор ва бодрингда фузариоз сўлиш касаллигига зарур чоралар кўрилмаса, экинларни қуриб қолишига олиб келади. Касалликни фузариум оксепориум замбуруғлари қўзғатади. Улар ўсимлик илдиз бўғинида кўпайиб, зарар келтиради. Касалликнинг олдини олиш учун помидор ва бодринг кўчатларини 0,3 фоизли Фундазол эритмаси билан (5 гр. 10 л сувга) суғорилиши мақсадга мувофиқдир.

Фомоз касаллиги асосан ҳосил туғиш даврида кўпайиб, замбуруғлари экин банди атрофида ривожланади ва аввалига сарғиш доғлар ҳосил қилади, кейин эса улар кўпайиб, ҳосил банди жойларини чиритиб, ҳосил тўкилиб кетишига олиб келади. Касалликка қарши курашиш учун энг аввало иссиқхоналарда намлик ортиб кетишига йўл қўймаслик керак. Экинга ўсув даврида Топсин-М дорисини 1 кг/т сувга қўшиб, пуркаш тавсия этилади.

Ўсимликларни ўсиб-ривожланиши, уларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишга катта аҳамият берилса, иссиқхона сабзавотидан мўл ҳосил олинади.

Р.ҲАКИМОВ,
қ.х.ф.н.,

Е.ЛЯН,
қ.х.ф.н.,

С.АЛИМУҲАМЕДОВ,
б.ф.н.,

Ф.РАСУЛОВ,
к.и.х.СПЭ ва КИТИ.

**ҚАШҚАДАРЁ "ПИЛЛА"
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**Мамлакатимиз аҳлини кириб
келган Янги — 2017 йил билан
чин қалбдан табриклаймиз!**

**Ҳар бир хонадонга тинчлик-
хотиржамлик, соғлиқ-омонлик,
қувонч, тўкинчилик ёр
бўлишини тилаймиз!**

**Мустақиллик, тинчлик ва
тараққийёт жонажон
ватанимизни ҳеч қачон тарк
этмасин!**

**Халқимиз шод-омон,
осмонимиз мусаффо бўлсин!**

ТУТ – МЎЛ ПИЛЛАГА ЗАМИН

Ипак қуртидан мўл ва сифатли пилла ҳосили етштириш унинг озуқа базаси яъни тут плантациялари ва якка тартибда қаторлаб экилган тут дарахтларидан олинадиган баргга боғлиқдир. Уларни ўз вақтида агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда парвариш қилаётган фермер хўжаликлари йилдан-йилга пилладан юқори ҳосил олмоқдалар.

Кейинги йилларда ипак қуртидан мўл ва сифатли ҳосил олиш учун якка тартибда қаторлаб экилган тут дарахтларига, хусусан баланд танали ва бута шаклида экилган тутзорларга ўз вақтида сифатли ишлов бериш ва туп сонини сақлаб қолишга жиддий эътибор бериш талаб этилмоқда.

Бундай тут плантацияларнинг қатор оралари экинлардан бўшадан сўнг, 25-35см чуқурликда ҳайдалади. Шўрланган тутзор қатор ораларини ҳайдашдан ёки ҳайдашдан сўнг шўри ювилиши шарт, акс ҳолда тутларнинг ўсиб-ривожланиши сусайиши барг ҳосилига салбий таъсир қилади. Бундай ердаги тутзорларга кузда яқоб суви бериш, биринчидан ернинг шўрини кетказса, иккинчидан, қишлоқ учун тупроқда қолган ҳар хил зараркунандаларнинг гумбаклари ва ҳашаротларнинг личинкаларига қиргин келтиради. Шу билан бир қаторда тут дарахтлари ўсиб-ривожланиши учун керакли намлик ва озуқа билан етарли даражада таъминланади, пировардида тут дарахтлари новдаларидаги куртаклар бир текис ривожланиб, мўл ва сифатли барг тўплайди.

Якка қатор тут дарахтлари йўл, ариқ ва зовур ёқаларига ва далаларни четларига экилади. Бу хилдаги тутлар республикамиздаги ипак қуртининг озуқа фондини 75 фоизини ташкил қилади. Бундай усулда экилган тут дарахтларининг барг ҳосили мўл ва тўйимли бўлади. Пахта майдонларининг атрофларида сув оқиб турадиган доимий ариқ ва каналлар бўйига экилганлиги учун сувга муҳтожлиги сезилмайди. Бироқ бу усулда экилган дарахтларнинг камчилиги шундаки, тут кўчатлари экиладиган жойларни тайёрлаш, кўчатларни экиш ва парвариш қилиш асосан қўл меҳнати

орқали бажарилади, механизмдан тўлиқ фойдаланиб бўлмайди. Шунга қарамай қаторлаб экиладиган тутлар ҳозирги кунда ҳам, келажакда ҳам, пиллачиликнинг озуқа фондини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди.

Қаторлаб экилган тутларнинг афзалликлари шундаки, уларни ўстириш учун алоҳида майдон талаб қилинмайди. Бу усулда экилган тут дарахтлари майдон ичидаги қишлоқ хўжалик экинларини совуқ



уришдан, гармселдан сақлайди, пахта ва бошқа экинлар иқлимни яхшилашга имкон яратади, тутларни бакувват илдиэлари ариқ ва зовур ёнбағрини емирилишдан сақлайди. Бошқа хил ихота дарахтлари сингари ўз танасидан ер ости сувларини буғлантириб, сизот сувлар сатҳини пасайтириш билан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Бинобарин, шўрланиши ва ботқоқланишига қарши тут дарахтларининг аҳамияти катта.

Махсус тутзорлар эса алоҳида ажратилган майдонларда ташкил этилади. Булар ўз навбатида, баланд танали ва бута шаклидаги тутзор-

ларга бўлинади. Бундай тутзорларда тутларни экишдан тортиб, парвариш қилиш, баргини тайёрлаш, ташиш ва бошқа ишлар механизация йўли билан амалга оширилиши туфайли, қўл меҳнати кам ишлатилади, шу билан бирга харажат кам сарфланади. Баланд танали тутзорларга экилган кўчатларнинг яхши кўқариши, тез ҳосилга кириши ва кўп йиллар мобайнида мўл барг ҳосили олиниши учун ерни танлаш ва уни экишга тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Баланд танали тутлардан плантация ташкил қилишда кўчат экиладиган жой ботқоқланмаган, шўрланмаган, ер ости сувлари сатҳи 1м дан пастда бўлиши, шағалли кам сув билан етарли таъминланган ерлар тутзорлар учун ниҳоятда қулай жой ҳисобланади.

Республикамизда пилла хомашёси ва ипак маҳсулотларининг сифатини хориж маҳсулотлари билан рақобатлаш оладиган даражасига кўтаришимиз учун энг аввало бор тутзорларимизни сақлаб қолиш ва кўпайтириш ҳамда парвариш агротехнологияларига қатъий риоя қилишимиз лозим.

Тут дарахтларини кесилиши ҳудуд экологиясига жиддий зарар келтириши билан бирга пилла етиштириш ҳажмини кескин камайиб кетишига олиб келади.

Тут дарахтларини руҳсатсиз кесиб ташлаш қатъиян тақиқланади ва қонунга хилоф иш ҳисобланади!

Юқоридагиларни эътиборга олиб, тут дарахтларини асраб қолиш, пайхон қилиниши олдини олиш билан бирга, йўл ва дала четлари, ариқ бўйлари, ўта шўрланган, ҳосилдорлиги паст майдонлар атрофига шунингдек, аҳоли томоғига ерларига камида 2-3 тупдан шотут ва балхи тут кўчатларини экилиши мақсадга мувофиқдир.

Д. ХОЛМАТОВ,

ИИТИ лаборатория мудири, қ.х.ф.н.,

Д. СОДИҚОВ,

кичик илмий ходим.

САЛАТБОП ВА БАРГЛИ ШОЛҒОМ

Шолғом ўлкамизда қадимдан экиб келинадиган сабзавот экин бўлиб, тарихи 4-5 минг йилларга бориб тақалади. Меваси таркибида жуда кўп калий ва темир элементлари, инсон учун қимматли бўлган С, РР, В₁, В₂, провитамин А (каротин) учрайди.

Баргида аскорбин кислота ва витаминлар илдизмевасидан кўп.

Табобатда шолғом шамоллашга қарши, ични энгил юмшатишда, сийдик ҳайдашга, юракни ва танани тинчлантирувчи сифатида кўп ишлатилади. Хусусан илдизмеваларидан тайёрланган шарбат ёки бўтқа бронхиял астма, хроник бронхит, йўталга, овоз бўғилиб қолганда, ларингитга қарши яхши даво сифатида тавсия этилади.

Шолғом (*Brassica campestris* L) қарамдошлар ёки бутгуллилар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик бўлиб, биринчи йили илдизмева, иккинчи йили гуллаб уруғ беради.

Биринчи йилги түпбарги кичик, барглар ер бағирлаб ўсади, патсимон, илдизмеваси ясси ёки юмалоқ ясси, ранги оқ, қизил, сариқ, бинафша, эти оқ ёки сариқ бўлади.

Ўзбекистонда шолғомнинг “Наманган маҳаллий”, Самарқанд маҳаллий каби навлари экиш учун қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган.

“Наманган маҳаллий” нави — эртапишар. Илдизмеваси ўртача, ясси-юмалоқ шаклда, серсув, ширин, оқ, айрим пайтларда оч сариқ,

ён илдизлари кўп, тупроққа тўлиқ ботади. Илдизмева вазни 138-140 г. Ҳосилдорлиги 40-42 т/га. Ўсув даври 54-60 кунни ташкил этади.

“Самарқанд маҳаллий” нави — эртапишар. Барги қирқилган, қаттиқ, ранги тўқ яшил. Илдизмева шакли ясси-юмалоқ, пўстининг ранги малинасимон, пушти, юзаси кўндаланг қабариқли, этининг ранги оқ, тигиз. Илдизмева вазни 120-130 г. Ҳосилдорлиги гектарига 30-34 т. Ўсув даври 53-55 кунни ташкил этади.

Кейинги йилларда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан интродукция усули билан салатбоп шолғомнинг “Муяссар” нави яратилди ва давлат реестрига киритилди. Мазкур шолғомнинг асосий хусусиятлари шундаки, унинг нафақат илдизмеваси балки барглари ҳам истеъмол қилинади. Илдизмевасини янгилигида редискага ўхшаб истеъмол қилиш мумкин, барги қайнатилган ва тузланган ҳолда дастурхонга тортилади. Таркибида витамин С — 28,3 мг%, қуруқ модда — 6,8 мг%, қанд миқдори — 3,2%, оқсил — 1,0% бор. Ил-

дизмева шакли юмалоқ, эти серсув, ранги оқ, нозик, вазни 102 г, диаметри 6-7 см. Ҳосилдорлиги гектарига 35-40 т. Ўсув даври 91 кун.

Илдизмеваси серсувлиги, ширинлиги, тахирсизлиги ва эрта пишарлиги билан оддий дала шолғомидан фарқ қилади.

Мевасининг озуқалик сифати яхшилиги, минерал элементлардан калий ва темирни кўп тутиши, эти аччиқ бўлмаслиги, С, РР, В₁, В₂ каби витаминлар мажмуасини мавжудлиги, шунингдек, ўсимликларда кам учрайдиган янтар кислотасининг бўлиши ушбу сабзавотни истиқболли экин эканлигини кўрсатади.

Республикада шолғом ҳозиргача такрорий экин сифатида ёзги-кузги муддатларда экиб келинган бўлса мазкур шолғомни йил давомида етиштирсан бўлади. Бироқ республикада иқлим шароитига мос навлари устида илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти олимлари салатбоп шолғомнинг янги “Гулшод” ҳамда баргли шолғомнинг “Дармон” навларини Давлат нав синаш комиссиясига топширишга тайёрлашмоқда.

Салатбоп ва баргли шолғомни нафақат такрорий, балки эрта баҳорда вақтинчалик плёнка остида, қиш ойлари эса иссиқхоналардаги помидор ва бодринг қатор ораларида экиб, ҳосил олиш мумкин.

А.РАҲМАТОВ,

к.и.х., Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.



**“Ўзгипроўрмонлойиҳа”
давлат корхонаси жамоаси**

**Ҳамюртларимизни, ўрмон
хўжалиги ходимларини**

Янги — 2017 йил

билан қизғин қутлайди.

**Янги йил барча хонадонларга
шодлик, бахт-саодат келтирсин.**

**Байрам шодиёнаси
кўнгиларимизни асло тарк
этмасин!**

УРУҒЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

Шерзод Андижон муҳандислик-иқтисодиёти институти-ни тугатиб, банкда иш бошлади. Банк ва иқтисодий-молиявий жараёнларидан бохабар бўлгани ҳолда, хориж уруғчилиги савдоси билан шуғулланадиган “Агрокотенгент” МЧЖда ишлаб қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги бўйича ўз малакасини оширди.

Голландиянинг Дронтен қишлоқ хўжалиги университетини “Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва инновацияси” факультетининг менежерлик ихтисоси бўйича тугатгандан сўнг, даставвал “Агрокотенгент”да, кейинчалик ўзи орзу қилган, Улуғнордаги қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга ихтисослашган “Агро Ҳамроҳ” фермер хўжалигини юрита бошлади. Дастлаб 5 киши билан иш бошлаган хўжаликда эндиликда бугун 15 нафар ишчи бор.

— Ҳозирда Франциянинг “Саката” фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди Шерзод. — Ўтган йили 14 гектар майдонда сабзавот уруғчилигини йўлга қўйдик. 2 гектар майдонга пиёзнинг “Вон 550” нави уруғини экиб 1500 кг сифатли уруғ тайёрладик. Маҳсулотимизнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади. Ўғтиборли томони шундаки, экин ҳосилдорлиги баланд бўлиши билан бир қаторда, агробиологик кўрсаткичлари хорижликдан яхши. Шу сабабли биз ишлаб чиқараётган уруғликка талаб юқори.

Бундан ташқари, 6 гектар майдонга оналик уруғлик тайёрлаб, сифатли, стандартга мос оналик пиёз етиштирилди. Апробация-танловлар асосида экишга мос 70 тонна оналик уруғ саралаб, 3 гектар майдонга сифатли қилиб экишга эришилди.

Қишлоқ хўжалигида, умуман деҳқончиликда “Сара уруғ-ҳосил бўлуқ” деган нақлнинг тез-тез тилга олиниши бежиз эмас. Чунончи, пиёз уруғи етиштириш технологияси хусусида гап кетганда юқоридаги ҳикматга албатта риоя қилиш талаб этилади. Бинобарин, аёло навли уруғлик-мўл ҳосил гарови.

Улуғнор тумани шароитида уруғлик бош пиёз экишнинг самарали муддати сентябрь ойи ҳисобланади. Бу муддатда экилган уруғлик бош пиёз ҳосили гектаридан 13.1-16.6 ц ни ташкил қилади. Кузги бошпиёз қишнинг қиёвли кунлари бошлангунича муайян даражада ривожланиб чуқур ва бақувват илдиз отишга улгуради.

Хўжаликда уруғлик пиёзни 70 см ли қаторларга ўсимликлар орасига 10-15 см қилиб экилгани туфайли юқори ҳосил олинмоқда. Ҳар гектар ерга 15-20 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилиб, мавсум давомида 150-160 кг/га азотли, 140-150 кг/га фосфорли ва 100 кг/га калийли ўғит билан озиқлантирилмоқда. Уруғлик пиёзларнинг диаметри 7-8 см бўлиб, 70x10 схемада экиш эвазига юқори натижаларга эришилмоқда.

— Мени бир нарса қийнайди, нима учун энди асрлар бўйи шакланган ўзбек деҳқони бугун уруғни чет элдан олиши керак? Мустақиллик шарофати билан ерга эгалик ҳуқуқини олган деҳқон, фермерларимиз бунга барҳам беришлари керак, — дейди ёш фермер. — Қаранг, она заминимиз ўзгаларникидан салмоқли, сифатли ҳосил бераёпти. Биз деҳқон, фермерлар ўзимизда яратилган навлардан, ўзимизни уруғимизни етиштиришга ўтиб, ўзимизни сифатли уруғ билан таъминлашга ҳаракат қилишимиз керак. Бу истиқлолни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссамиз, қолаверса, ўзлимизни англашимиз билан баробар.

Фермер хўжалиги маҳаллий сабзавот, полиз ва картошка уруғларини ўрганиш, уруғчилигини йўлга қўйиш борасида қатор изланишлар олиб бораёпти. Тажриба ва ўрганишларнинг самараси туфайли келгусида сариқ сабзи уруғи ҳамда узоқ сақланадиган ва экспортбоп маҳаллий навлар уруғчилигини йўлга қўйиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган.

Шерзоддаги шижоат ва гурурни кўриб фахрландим. Яқин йилларда ўзбек деҳқончилиги тизимида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги барқарор тармоққа айланиб, сабзавотларимиз дунё бўйлаб тарқалишига ишончим комил. Зеро, бу эзуликлардан яраладиган ҳақиқатдир.

Ўз мухбиримиз.

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ — МУҲИМ МАСАЛА

Кейинги йилларда юртимиз тадбиркорлари хориждан келтирилган турли хилдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда гулларнинг уруғини юртимизда экишга катта эътибор беришмоқда. Бироқ, четдан келтирилган кўчат ва уруғ намуналари текширилганда, айрим ҳолларда карантиндаги зараркунанда ва ўсимлик касалликлари борлиги аниқланмоқда.

Жумладан, четдан келтирилган намуналар экспертизадан ўтказилганда 21 та намунада картошка қуяси, 7 та намунада цитрус оққаноти, 2 та намунада қора цитрус оққаноти, 3 та намунада цитрус инли қуяси, 1 та намунада шарқ мевахўри, 1 та намунада шафтоли мевахўри, 5 та намунада зарпечак, 8 та намунада судралувчи какра, 1 та намунада стрига, 2 та намунада учгулли итузум, 3 та намунада кунгабоқар ва 1 та намунада ипомея бегона ўт уруғлари аниқланди. Ва уларга нисбатан карантин назорати остида тегишли чоралар амалга оширилиб ушбу карантиндаги зарарли организмларнинг республикамиз худудига тарқалишининг олди олинди.

Булардан кўриниб турибдики, Ўсимликлар карантин соҳаси республикамизда ўз максадага эга. Карантиндаги организмларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни мамлакатимиз худудига киритмаслик соҳа мутахассисларининг олдида турган энг асосий вазифалардан биридир. Давр уларни ўқитиш сифатини ошириб, малакали мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда.

“Ўзбошдавкарантин” инспекцияси Ўсимликлар карантини илмий маркази томонидан ўтган йил охирида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри карантин инспекциялари, туман ва чегара маскани инспекторлари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўқув-семинар давомида иштирокчиларга республикамиз худудига фитосанитар тозалликни таъминлаш учун дала ва бошқа карантин назоратларни олиб бориш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига карантин сертификатларини бериш қоидалари, юртимизга кириб келиш хавфи бўлган карантин организмлар тўғрисида, бугунги кунда соҳага оид жаҳон янгилликлари, карантин назоратидаги намуналарни танлаш ва ҳозирги кунда карантин организмлар картошка ва помидор қуяси ҳамда қовун пашшаси тўғрисида маълумотлар, маълумотлар берилди. Давра суҳбатлари тарзида ўтказилган ўқув-семинарда иштирокчилар соҳага оид янги ва қизиқарли маълумотларга эга бўлишди.

О.ХЎЖАЕВ,
қ.ф.н.,

Б.ТЕШАБОВЕВ,
катта илмий ходим.

«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» НИШОНДОРЛАРИ

Тошкент давлат аграр университетида фан, таълим, маданият, спорт ва ижтимоий соҳаларда катта ютуқларга эришган, бир қатор республика кўрик-танловида фахрли ўринларни эгаллаган иқтидорли талабаларга “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони тантанали равишда топширилди. Университетнинг селекция уруғчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш факультети талабаси Муроджон Масалиев, Ипакчилик йўналиши магистранти Маъмура Халилова, Агрономия факультети талабаси Зоҳид Кенжаев ана шундай мукофатга сазовор бўлишди.



1991 йил 23 сентябрда Оққўрғон туманида туғилган Муроджон Масалиев муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, имтиёзли равишда грант асосида университетга қабул қилинган.

“Эртанги кун бизники — марра бизники” шиори остида “Ёшлар ҳафталиги” доирасида ташкил этилган “Тафаккур синовлари” республика босқичида 2-ўринни эгаллаган.

Олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган “Солиқ билимдонлари” республика танловида фаол иштирок этиб, 1-даражали диплом билан тақдирланган.

2015 йили “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий кен-

гашлари қошида ташкил этилган “Мунозара” тўғараклари ўртасида бўлиб ўтган “Талаба ёшлар фестивали” республика кўрик-танловида 2-ўринни қўлга киритган.

Айни кунларда Тошкент вилоятидаги “Масалиев Муроджон” фермер хўжалигини бошқариб келмоқда...

1992 йил 20 январда Зангиота ту-



манида туғилган Маъмура Халилова “Тафаккур синовлари”, “Солиқ билимдонлари” ва “Талаба ёшлар” фестивали республика кўрик-тан-

ловларида фахрли ўринларга сазовор бўлган. 2015-2016 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари талабалари учун таъсис этилган “Беру-

ний” номли Ўзбекистон Республикаси давлат стипендиясига мушарраф бўлди.

2014 йили “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган энг яхши ижтимоий лойиҳаси учун “Камолот стипендияси” билан тақдирланган, ҳудди шу йили “Юрт келажиги” иқтидорли ёшлар республика танловида ғолиб чиққан...



1992 йил 3 мартда Оққўрғон туманида туғилган Зоҳид Кенжаев стол тенниси бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпионатида ғолибликни

қўлга киритган. Молдавия, Украина, Қирғистон ва Қозғистонда клублар ўртасида ўтказилган мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган. Бухорода бўлган “Универсиада — 2013” ғолиби, Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган клублар ўртасидаги мусобақада 1-ўринни эгаллаган. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлган XXXI ёзги ва XV — паролимпия ўйинлари иштирокчиси.

«АГРОИСЛОҲОТЧИ» СОВРИНДОР

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврида сиёсат ва ҳуқуқ соҳалардаги ўзгаришлар ва эришилган ютуқлар бўйича талаба ёшларнинг тарих, сиёсий, ҳуқуқий билимлари даражасини аниқлаш, назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиш, кўникмаларини шакллантириш, иқтидорларини намоён этиш учун қулай имконият яратиш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган “Тафаккур синовлари” республика кўрик-танлови бир неча йиллардан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

“Ёшлар ҳафталиги” доирасида ўтказилган навбатдаги “Тафаккур синовлари — 2016” кўрик-танловининг якуний босқичида Тошкент давлат аграр университетининг “Агроислоҳотчи” жамоаси 2-ўринни



эгаллади. 60 га яқин олий таълим муассасалари иштирок этган танловда совринли ўринни эгаллаган жамоага университетнинг эсдалик совғалари ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

ОБСУЖДЕНЫ АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ

Недавно в Ташкенте состоялось совещание “Инновации для улучшения “Засушливых систем” в Центральной Азии программа по совместным научным исследованиям и наращиванию потенциала”.

Данное совещание было посвящено исследовательской деятельности Международного центра сельскохозяйственных исследований в засушливых регионах (ИКАРДА) для развития «Засушливых систем» в Центральной Азии, организованное Региональным представительством ИКАРДА в Узбекистане.

В работе совещания приняли участие представители ИКАРДА из Египта, Индии, Иордании, Марокко, Пакистана и Турции, сельскохозяйственных научных учреждений Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана, Туркменистана и Узбекистана, Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Узбекского научно-производственного центра сельского хозяйства и его научно-исследовательских институтов, Евразийского центра продовольственной безопасности при Московском государственном университете, а также представители международных организаций, ак-



кредитованных в Республике Узбекистан.

На совещании выступили заместитель министра Сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан Ботиржон Сулаймонов, Региональный координатор ИКАРДА Рам Шарма, Руководитель отдела земельных ресурсов Евразийского центра по продовольственной безопасности МГУ им.М.Ломоносова доктор Павел Красильников и другие. С большим интересом участники совещания слушали презентацию представителя KRASS — Хорезмского агро-консультативного центра при Ургенчском государственном университете Юлдузой Джуманиязовой о сотрудничестве ИКАРДА и Хорезмского агро-консультативного центра и достигнутых результатах.

— Целью совещания является обзор деятельности ИКАРДА в области исследований и наращиванию потенциала для улучшения «Засушливых систем» в контексте изменения климата, обзор достижений совместной деятельности, а также рассмотрение плана работ и направлений дальнейшего сотрудничества в области аграрной науки, — говорит заместитель регионального координатора ИКАРДА Рустам Ибрагимов. — То, что в данном совещании принимают участие представители ряда зарубежных

государств, известные ученые и специалисты, показывает актуальность обсуждаемого вопроса. Бесспорно, что конкретные предложения и мнения, высказанные А.Акрамхановым, Б.Чандрашекар, О.Анарбековым, выступившими с докладами на темы «Устойчивое управление земельными ресурсами в Центральной Азии», «Геоинформатика в анализе агросистем и консультационные услуги в Центральной Азии», «Обзор деятельности Международного института управления водными ресурсами (МИУВР) и внедрение результатов исследований для смягчения последствий изменения климата в Центральной Азии» окажут позитивное влияние для дальнейшего углубления исследовательских работ, направленных на внедрение инноваций для улучшения «Засушливых систем».

— В течение следующего года наш институт сформулирует пути оказания воздействия по принципиальным направлениям своей научной деятельности, — говорит Ойтуре Анарбеков, старший сотрудник МИУВР. — Помимо этого институт намерен обрисовать стратегию поддержки внедрения практик в жизнь и коммуникационную платформу, целью которых будет содействие, мониторинг и осуществление перемен для разрешения проблем в области развития и достижения СЗС в реализации научных программ Консультативной группы по международным сельскохозяйственным исследованиям (КГМСХИ). Детальные обсуждения путей воздействия, целей и соответствующих систем мониторинга и оценки по отдельным видам деятельности уже ведется на уровне научных



программ КГМСХИ. Опираясь на результаты этой дискуссии, МИУВР сформирует свою теорию и практику по достижению перемен с большей подробностью уже в начале стратегического периода, а в дальнейшем будет регулярно отслеживать свой прогресс по отношению к намеченным целям. Промежуточная экспертиза деятельности института руководящим коллективом МИУВР и советом управляющих запланировано на 2016 год.

По итогам совещания были разработаны соответствующие рекомендации, которые бесспорно будут способствовать дальнейшему внедрению инновации для улучшения «Засушливых систем» в Центральной Азии и устранению имеющихся место проблем.

Д. МАРАСУЛОВА, М. ТАИРОВ.



**Бағрикенг халқимизни,
шунингдек, тизимда фаолият
кўрсатаётган фидойи
ҳамкасбларимизни Янги йил
айёми билан чин қалбдан
муборакбод этамиз.
Байрамона кайфият,
соғлик-омонлик доимо
ҳамроҳингиз бўлсин!**

*Айёмини
муборак, азизлар!*

**«Ўзсувлойиҳа»
АЖ жамоаси**

МОШ — ДАРОМАД МАНБАИ

Ҳозирги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш барча мамлакатларда муҳим йўналиш ҳисобланади. Шу сабабли қишлоқ хўжалик соҳасининг барқарор ривожланишда дон ва дуккакли экинларнинг ҳиссаси катта, албатта.

Шулардан бири мош. Унинг республикамызда экин майдонлари 15 минг гектарни ташкил этади. Айниқса, сўнгги икки йилда ҳосилдорлигини ошириш ва тупроқ унумдорлигини яхшилаш учун такрорий экин сифатида мош майдонлари ошиб бормоқда.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ишлаб чиқариш диверсификацияси, фермерлар даромадини ошириш ва экспорт имкониятларини ривожлантириш учун мош экини бўйича альянси» кенгашида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика илмий ишлаб-чиқариш маркази, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юрлари вакиллари, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва агрофирмалар ходимлари шунингдек, қўшни давлатлардан мутахассислар қатнашди.

Кенгашда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош директори муовини Баҳодир Ҳолиқов, ИКАРДанинг Минтақавий координатори Рам Шарма, Халқаро сабзавотчилик марказининг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича минтақавий координатори Равза Мавлянова бу борадаги тадқиқотлар, хусусан Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда Бутунжаҳон сабзавотчилик Маркази томонидан тақдим этилган гермоплазма асосида ҳамда ИКАРДА ташкилоти Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда янги штамбли мош навлари яратилганини таъкидлашди.

Бу институт селекциясига мансуб қурғоқчиликка, касалликларга чидамли, ҳосилдорлиги юқори, ҳосилни комбайнда йиғишга қулай хусусиятларга эга бўлган янги навларнинг яратилиши фермерлар учун катта имкониятлар яратмоқда. Айрим мамлакатларда мош маҳсулотига бўлган талабнинг ортиши

республикамыз фермерларига қўшимча даромад олиш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

—Мош қишлоқ хўжалик экинлари ичида қимматли экинлардан бири бўлиб, республикамызда қадимдан етиштириб келинади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида мош ишлаб чиқариш ва аҳолининг ўртача йиллик истеъмоли бўйича етакчи ўринларни эгаллайди, — дейди Халқаро сабзавотчилик марказининг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича минтақавий координатори Равза Мавлянова.— Мошнинг



“Дурдона”, “Зилола”, “Маржон” ва “Турон” каби янги навлари штамбли тик ўсувчи пояга эга бўлиб, дуккаклари поянинг юқори қисмида жойлашганлиги ва уларнинг йириклиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Маҳаллий навларга нисбатан янги навлар юқори ҳосилдорликка эга бўлиб, ҳосилни техникада йиғишга жуда қулай.

Тадқиқотларда қишлоқ хўжалик экинлари алмашлаб экиш тизимида мошдан самарали фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

Тадбирда таъкидланганидек, республикамызнинг турли минтақаларида мош етиштириш учун қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларга эга, жумладан, иссиққа, қурғоқчиликка ва шўрга чидамли ҳамда

тезпишар, юқори маҳсулдорликка эга янги навларни яратиш зарурийати ортмоқда. Фермерларни юқори сифатли сертификатга эга бўлган уруғлар билан таъминлаш ва экин майдонларини кенгайтириш мақсадида; мош навларининг элита уруғчилик ишларини жадал олиб бориш даркор.

Республика аграр фани ва амалиёти олдида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш каби муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳал этиш натижасида экин майдонларидан рационал фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг тўкинчилиги, аҳоли даромадининг ошишига эришилади.

Илмий-тадқиқот институтларида грант ва лойиҳалар бўйича қурғоқчиликка ва шўрга чидамли янги мош навлари ҳосилни яратиш бо-

расидаги ишларни изчил давом эттириш даркор. Мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим минтақаларига мос бўлган мошнинг янги навларини етиштириш технологиялари ҳамда маҳсулотни сақлаш усуллари такомиллаштириш лозим. Бунда, семинарлар, тренинглари ва фермерлар кунларини ташкил этиш орқали фермерларга мош етишти-

риш агротехнологияларни ўргатиш керак.

Уруғлар тўғрисидаги маълумотдан, етиштирилган маҳсулотнинг сотилиши тўғрисидаги ахборотдан хабардорлигини таъминлаш ҳам бу йўналишдаги ишларда катта самара беради.

Мош экспорти миқдорини оширишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланган маркетинг, маҳсулотни сертификациялаш, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва савдо-сотик ташкилотлари алоқаларини ривожлантириш лозим.

Бу каби муаммоларнинг ечимини мамлакатимизда ушбу экин истиқболини белгилаб, деҳқонларимиз даромадида даромад қўшиши тайин.

Ўз мухбиримиз.

САЛОҲИЯТЛИ МУТАХАССИСЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари томонидан мамлакатимиз аграр соҳаси тармоқлари учун замон талабларига жавоб бера оладиган малакали мутахассислар етказиб бериш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент давлат аграр университети ректори, профессор Б.Сулаймонов кириш сўзи билан очган ушбу тадбирда вазирликнинг раҳбар ва мутахассислари, тизимдаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, оммавий-ахборот воситалари ходимлари ва талабалар иштирок этди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 ноябрдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларининг таркибий тузилма-рининг, замон талабига мос равишда факультет ва кафедра-ларнинг номланишлари ўзгартирилиб, 4 та факультет ва 10 та кафедра ташкил этилди, — деди анжуманда сўзга чиққан вазирлик тизимидаги ўқув юр-тлари ва малака оши-риш бўлими бошлиғи Ш.Жониқулов.

Бугунги кунда Тошкент давлат аграр университети, унинг Нукус филиали, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, унинг Бухоро филиали, Самарқанд ҳамда Андижон қишлоқ хўжалик институтларида талабаларга замон талаблари асосида чуқур билим бериш, уларнинг маънавий ва ахлоқий савиясини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва малакали кадрлар бўлиб етиштирилиши таъминлашга жиддий эътибор берил-моқда.

Ҳозирда мазкур таълим муассасаларида мамлакатимиз аграр тар-моқларига 37 та бакалаврият ва 43 та магистратура таълим йўналиш-лари бўйича мутахассислар тайёр-

ланмоқда. Мазкур олий таълим му-ассасаларида таҳсил олаётган қарийб 24.095 нафар талабага, жум-ладан 23.582 нафар бакалавр, 513 нафар магистрга 1.736 нафар про-фессор-ўқитувчи, жумладан, 105 нафар фан доктори, 614 нафар фан номзоди, доцент ва ўқитувчилар сабоқ бермоқда.

Олий таълим муассасаларини давлат грантлари асосида битирув-чиларга ишга йўлланма бериш ва тақсимлаш мақсадида ҳар йили "Битирувчи" ярмаркалари ўтказил-моқда. Унда Қишлоқ ва сув хўжа-лиги вазирлиги ва унинг тасарру-фидаги ташкилотлар, вилоятлар

сида"ги қарори асосида изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ тасдиқ-ланган Дастур доирасида Тошкент давлат аграр университети ва Тош-кент ирригация ва мелиорация институтида Ўзбекистон Республи-каси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривож-лантириш жамғармаси ҳамда ҳомийларнинг маблағлари ҳисоби-дан ўқув-маъмурий бинолар, ахбо-рот-ресурс марказлари, спорт зал-лари ва бошқа объектлар қурилди ва мукамал таъмирдан чиқарил-ди. Шу билан биргаликда, ўқув

аудиториялари, ла-бораториялар замо-навий ўқув жиҳоз-лари, компьютер, ахборот-коммуни-кация техникалари, мебеллар билан таъ-минланди. Ахборот-ресурс марказлари-да замонавий ахбо-рот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали профессор-ўқитув-чилар ва талабалар-га ахборот-кутубхо-

на хизмати кўрсатиш, уларнинг ин-теллектуал салоҳияти, билими ва маънавий-маърифий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилди.

Анжуманда таъкидланганидек, жаҳон андозаларига жавоб беради-ган таълим тизимининг жорий эти-лиши ва тубдан такомиллаштири-лиши, аввало, профессор-ўқитув-чилар захирасини мустаҳкамлашга, пировардида, соҳа учун замонавий етук мутахассис кадрлар тайёрлаш-га ва ўз навбатида соҳадаги долзарб муаммоларнинг ўз вақтида барҳам топиши ҳамда истиқболдаги вазি-фаларнинг бекам-у кўст бажарили-шига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз



қишлоқ ва сув хўжалиги бошқар-маларининг эҳтиёжидан келиб чи-қиб, меҳнат шартномалари имзо-ланмоқда.

Тизимдаги олий таълим муас-сасаларида талабаларнинг етарли билим олишлари учун қулай ша-роитлар яратиш, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, талабалар турар жой-ларини таъмирлаш борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган "Олий таъ-лим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассис-лар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғри-

МАСЪУЛИЯТ ҲАМИША ЗАРУР

Миллий матбуот марказида мамлакатимиз чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш, чорва молларини турли касалликлардан муҳофаза қилиш, даволаш ҳамда унинг олдини олиш, шахсий, деҳқон ва фермер хўжаликлариди ветеринария-санитария ҳолати барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, сўнги янгиликлар ва уларнинг мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни кенгроқ хабардор этиш мақсадида “Ветеринария хизмати: сифат ва самарадорлик” мавзудида тадбир бўлиб ўтди.

Бугунги кунда дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги бениҳоя долзарб бўлиб турибди. Шундай экан, истиқлол шарофати билан соҳага оид ҳуқуқий асослар яратилгани, Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунлари ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилингани ва уларнинг тобора такомиллаштириб борилаётгани айни муддаодир.

— Тизим ходимлари ҳайвонларга оид ўта хавфли ҳамда юқумли касалликларнинг мамлакат ҳудудига кириб келишининг олдини олиш, юртимиз аҳолисини одамлар ва ҳайвонлар учун умумий бўлган хавфли касалликлардан муҳофаза қилиш, ҳайвонларнинг турли касалликларига қарши ўз вақтида

эмлаш каби муҳим вазифаларни изчил бажариб келишмоқда, — деди Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ветеринария бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б.Файзуллаев. — Ветеринария соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 8 августдаги “Ветеринария хизмати ёш кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, шунингдек уларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2016 йил 25 октябрдаги “Давлат ветеринария хизмати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ветеринариянинг асосий вазифаларидан бири бу — аҳолини одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш ҳисобланади. Яъни тиббиёт инсонни даволаса, ветеринария уни турли касалликлардан асрайди, десак муболаға бўлмайди.

Шу мақсадда, давлат ветеринария хизмати томонидан эпизоотик вазият ва ҳайвонларнинг иммун



фонидан келиб чиқиб, эпизоотияга қарши профилактик тадбирлар белгиланган тартиб ва муддатларда олиб борилмоқда.

Ўтган даврда 29,7 миллион бош чорва моллари 9 турдаги ва 58,7 миллион бош парранда 4 турдаги касалликка қарши профилактик эмланди ҳамда 27 миллион бошдан ортиқ чорва моллари профилактик чўмилтирилиб, уларнинг 220 мингдан ортиқ сақланадиган жойларида дезинсекция ишлари олиб борилди.

Республикамизга кириб келаётган ва транзит тарзда ўтаётган қарийб 76,6 минг автотранспорт воситалари ҳамда 4,1 мингдан ортиқ темирйўл вагонлари ветеринария-санитария ишловидан ўтказилди.

Давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларида фаолият кўрсатаётган чегара ветеринария назорати пунктлари томонидан ветеринария-санитария қоидалари ва талабларига жавоб бермаган ва тегишли ветеринария ҳужжатлари бўлмаган 73 бош ҳайвон, 165 бош қуш, 1,5 минг тоннага яқин гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 700 кг га яқин сут ва сут маҳсулотлари ва кўплаб тухум республика ҳудудига кириб келишининг олди олинди.

Ўтказилаётган тадбирларнинг самарасини янада ошириш мақсадида, йиғилишда ветеринария мутахассисларидан иборат гуруҳлар томонидан профилактик тадбирлар ташкил этилаётгани ва бу тадбирлар эпизоотик тадбирлар бажарилишини мувофиқлаштирувчи Республика штаби томонидан алоҳида назоратга олингани қайд этилди.

Мазкур профилактик тадбирлар тизимли равишда олиб борилиши натижасида бугунги кунда республикамиз ҳудудига ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари бўйича соғлом эпизоотик вазият барқарорлигига эришилмоқда.

Тадбирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда ветеринария соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириши билан бир қаторда аҳолини эпизоотия ва нобоб пункт тўғрисида хабардор этишининг белгилаб қўйилиши бугунги кун талабига айнаган мос эканлиги айтиб ўтилди.

Анжуманда ветеринария хизматининг изчил тарраққий этиши, қолаверса, глобаллашув жараёнида озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги масалалари долзарб аҳамият касб этиб бораётган паллада соҳага малакали кадрлар тайёрлаш зарурати юзага келгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда оммавий ахборат воситаларининг ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

С.РУСТАМОВ,
ўз мухбиримиз.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
“АГРОКИМЁҲИМОЯ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**Бободехқонларни, ғаллақору
пахтакорларни, соҳибкорлару
саноат ходимларини
Янги 2017 йил билан
табриклайди.**

**Кўнгилларингиз доимо
қувонч, шодлик,
фахру ғурур
оғушида бўлсин!**

**Дехқон-фермерларимизнинг
хирмонларидан
барака аримасин!**



ТАЖРИБАЛАРГА ТАЯНИБ

Тойлоқ қадимдан соҳибкор бободехқонлари билан юртимизда шуҳрат қозонган. Қайси хонадонга бормайлик, хонадон эгаси томорқасини яшнатиб кўйиб, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланганлигининг гувоҳи бўласиз. Маҳмуд ака Жўраев хонадони ана шундай хонадонларнинг энг сараларидан бири.

Тойлоқ туманида, қолаверса юртимизнинг турли бурчакларида Маҳмуд аканинг сархил сабзавот уруғларидан барака топган, мевали-манзарали кўчатларидан баҳраманд бўлган, қолаверса, унинг тажрибасию маслаҳатлари асосида экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олганлар кўплаб топилади. Бир сўз билан айтганда, у тажрибали агроном сифатида эл назарига тушган.



Ўтган йили 15 сотих томорқада кўкат ва саримсоқпиез етиштириб, 36 млн, чорвачилик ҳисобига 40 млн сўм жами 76 млн сўм даромад қилди.

Маҳмуд ака тумандаги Янгиравот қишлоғида, ҳозир 95 ёшни қаршилаган уста деҳқон Муҳаммадамин бобо ва Рўзи ая хонадонидан ёшлигидан зироат сирларини ўрганиб вояга етди. Деҳқончиликка бўлган меҳр уни Самарқанд қишлоқ хўжалиги билим юрти томон етаклаб, мева-сабзавотчилик агрономи мутахассислигини олди. Сўнг сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий тажриба станциясида иш бошлади.

2007 йили ташкил этган “Бобуршоҳ Жаҳон барака” фермер хўжалиги ривожидан илмий салоҳиятини кўрсата олди. Биргина ўтган қишлоқ хўжалигида 9 гектар майдонга экилган бугдойнинг “Таня” навини ҳар гектаридан 90 центнердан хирмон кўтарди. 2 гектар майдондаги помидорнинг “Султон” навидан 150 тонна, шунингдек, галладан бўшаган майдонларда турли кўкатлар ва сабзавот уруғчилигини ташкил этиб, мўл ва сифатли уруғ тайёрлашга эришди. Шунингдек, хўжаликда етиштирилган 25000 дона тут, 2000 дона арча кўчатлари ҳозир ўз харидорини кутмоқда.

— Қишлоқ хўжалик экинлари-

дан муттасил юқори ҳосил олишда агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга — дейди фермер. — Отам ишини давом эттириб, уруғ етиштириш билан шуғулланганлигим боис, юқори ҳосил олишда танланган нав ва уруғнинг аҳамияти катта эканлигини тажрибаларимда кўп гувоҳ бўлдим.

Бинобарин, экиш учун уруғни танлашда катта-кичиклиги ҳамда экиш меъёрини билиш учун 1000 дона уруғнинг оғирлигини аниқлаш зарур. Зеро, уруғнинг солиштирма оғирлиги сифат кўрсаткичларини кўрсатувчи омиллардан биридир. Уруғ йирик бўлганида унинг солиштирма оғирлиги паст бўлиши мумкин. Бу уруғнинг пишиб етилгани ва пуч-тўқлигидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, бугунги томорқачи-фермер уруғшуносликнинг, ўз навбатида уруғчиликнинг илмий асосларидан бохабар бўлиши зарур.

Агроилм амалиётчисининг хонадонига кирган ёки фермер хўжалигининг экинзорларини оралаган одам ундан қайтиб чиққиси келмайди, беихтиёр у кишига ўхшагиси келиб, шогирдию, ҳамқорига айланиб қолади. Дарҳақиқат, тажрибали деҳқон ҳар бир экин, дарахт билан тиллашиб уларни меҳр билан парваришлайди. Хоҳ томорқада, хоҳ далада бўлсин, бир қарич ҳам ер умрини бекорга ўтказмайди. Томорқадаги дарахт-

лар орасига экилган турли хил кўкатларни баравж эканлигини кўриб завқ оласиз. Хўжаликдаги 1,5 гектарлик олхўри орасига экилган карамнинг “Тошкент - 10” навидан 50 тоннадан кўпроқ ҳосил олди.

Бир нарсани барчага айтгим келади. Бизнинг шароитимизда 5-10 сотих томорқаси бўлган хонадон эгасининг бозорга чиқиб сабзавот-мева олишини тушунмайман. Бинобарин томорқадан тўғри фойдаланган одам ўз оиласининг бирламчи эҳтиёжларини бемалол қондира олади. Она табиат бизгагина, дунёда кам учрайдиган сазоватли заминни инъом этган.

Уста деҳқон цитрус ўсимликлари агробиологиясини ўрганиб, зайтун боғи яратиш йўлида дастлабки ишларни бошлаб юборган. Сабзавотчиликда маҳаллий экинлар уруғининг хорижликдан қолишмаслиги ва ҳатто таркиби, мазаси жиҳатидан устун томонлари борлигини тажрибаларига таяниб тарғиб қилади.

Кези келганда айтиш керак, сазоватпешаликда Маҳмуд ака Жўраевнинг олдида тушадиган кам топилади. Ишчилари ва худуддаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ҳар бир кишининг муаммосини ўзиники деб қабул қилади. Файзу бараканинг доимо у кишига ҳамроҳ бўлишининг боиси, сазоватидан бўлса, ажаб эмас.

Ф.МИРЗАЕВ.

КАСБГА МЕХҲР ШАРОФАТИ

Мамажон одатдагидек, отам ишга кетиб қолмасинлар, деб эрта уйғонди. У отаси ортидан далага борар экан, механизаторни ҳам ўз ҳолига қўймади. Қисқа муддатда тракторни бемалол бошқарадиган ва ҳатто экин қатор орасига ишлов беришни ҳам ўрганиб олди.

— Отам Турдибой миришкор деҳқон бўлган, — дея эслайди Мамажон. — Ёшликдан деҳқончиликка, техникага қизиққанлигим боис, тракторчилар тайёрлаш курсини тугатганимдан бери, даладаман. Етти фарзандни вояга етказдим. Шукрим, Муқаддас Истиқлол туфайли меҳнатим қадр топди. Қатор орден ва медаллар, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими” унвони билан тақдирландим. Оилам билан намунали уйда фаровон турмуш кечирмоқдамиз. Ҳозир ҳам зироатчилик ишқи мени даладан узоқлаштиргани йўқ. Ўғилларим Умаржон “Азамат Самандар Файз”, Умиджон ўзим ташкил этган “Дил Зиё Шамс” фермер хўжаликларида бошқаришмоқда. Касбимни севиб, ардоқлаб яшадим, шукур меҳнатларим зое кетмади.

Бекобод туманимиз табиий-иқлим шароити анча мураккаб, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишда табиий-иқлим, хусусан гармсел, атмосфера ва қурғоқчилик каби ноқулай шароитларни ҳисобга олиб иш юритишни талаб этади. Ҳосилдорлиги юқори, минтақамизга мос навларни танлаш лозим. Айтилик, қатор йиллардан буён буғдойнинг “Яқсарт” навини экиб келамиз. Ўтган қишлоқ хўжалик йилида 76 ц/га дан ғалла хирмони кўтардик. Шунингдек, ғўзанинг “Султон”, “Кўпайсин”, “Бешқахрамон”, помидорнинг “ТМК 22”, ширин қалампирнинг “Дар Ташкента”, ошқовоқнинг

“Испан 133”, пиёзнинг “Қоратол”, бақлажоннинг “Аврора” каби навлари бизнинг шароитимизда ўзини оқлаган.

Мамажон аканинг фикрича, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишнинг энг муҳим омилларидан бири — бу агротехника талаблари асосида тайёрланган майдонларда уруғни белгиланган муддатларда сифатли экишдан иборат.

Эрта баҳорда экин майдонларини сифатли тайёрлаш, тишли ва дискли тирмалар ёрдамида бажарилиб, бунда тупроқдаги намликни буғлашиб кетмаслиги учун унинг юза қисмида 4-20 см чуқурликда бир текис юмшатиш қатлам ҳосил қилинади. Тирмалаш жараёнида майда ноте-кисликлар ва бегона ўтлар йўқотилади.

Экин қатор ораларига ишлаганда, дала шароитидан келиб чиққан ҳолда, ишчи органлари барча турларидан фойдаланилади. Чунки, қўйилган қўшимча битта органнинг ишини, кези келганда, 100 та одам бажаролмайди. Пахта пишиш фазасига киргунга қадар, 40-42 тагача ишчи орган билан ғўза қатор ораларига ишлов берилди.

Шунингдек, Мамажон ака ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, ҳар бир агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш, озиклашни культиваторлар билан ташкил этиш, зараркунандаларга биологик усулда кураш олиб бориш, суғоришни тунда, белгиланган меъёрларда шарбат усулида ўтказиш

каби ўнлаб эътиборга молик, қимматли тавсияларни амалга ошириш мўл ҳосил гарови эканлигини яхши билади.

— Шу ўринда бир нарсани мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Вазирлигимиз муассислигидаги “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали саҳифаларида соҳа олим ва мутахассисларининг қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши лозим бўлган мавсумий агротехника — ерларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ва бошқа юмушларни республикамиз турли минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда тўғри ва мақбул муддатларда бажариш, маҳсулотларни сифатли сақлаш ва қайта ишлашга оид тавсиявий мақолалари бериб борилаётганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, фермерларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар мутахассислари учун муҳим амалий қўлланма бўлиб келмоқда. Узоқ йиллардан буён мухлиси сифатида мазкур журналнинг эришаётган ютуқларимизда муносиб ҳиссаси бор деб ҳисоблайман, — дейди Мамажон Турдиев.

Халқимизда “Устоз кўрган шогирд ҳамма ишни уддалар, устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” деган нақл бор. Бугунги деҳқон, фермернинг юксак натижаларга эришиши учун аввало унинг устози бўлиши, илғорлар тажрибалари ва фан ютуқларидан кенг фойдаланиши зарур. Бу ўз навбатида ердан самарали фойдаланишда, эл-юрт тўқинлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “Етти ўлчаб, бир кесиш” давр талабидир.

Ўз мухбиримиз.

**Қишлоқ хўжалиги меҳнат аҳлини –
пахтакору ғаллакор, чорвадору
пиллакор, барча-барчани**

Янги – 2017 йил

билан қизгин табриклаймиз.

**Эл-юрт тўкинчилиги йўлидаги яратувчилик
ишларида омадлар ёр бўлсин.**

**Сизларни мустаҳкам соғлиқ, оилавий
хотиржамлик асло тарк этмасин!**

**Мустақил юртимиз осмонидан бахт қуёши
асло аримасин.**

**БЕКОБОД ТУМАН
ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ ЖАМОАСИ**

ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК
ВА БАЛИҚЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ЖАМОАСИ

Ватандошларимизни
2017 йил билан
муборакбод этади.
Янги йилда сизларга
улкан бахт,
хонадонимизга фойз-у
баракани тилайди.
Эл тинчлиги ва
хотиржамлиги
бардавом бўлсин.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил
меҳнат қилаётган қалбидарё халқимизни, қишлоқ хўжалиги
тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган фермер
хўжаликларини

янги — 2017 йил билан
самимий муборакбод этамиз.

Янги йил оилаларимизга тинчлик-тотувлик,
дастурхонимизга
қут-баракани олиб келсин!

Юқори Чирчиқдаву сулмақсулдулат ДУК жамоаси

ШУҲРАТНИНГ ШУҲРАТЛИ ҚАДАМИ

Шовот азиз авлиёлар пойқадами теккан муқаддас маскан десак, муболаға бўлмайди. Кўҳна ва тилларда боқий Кат қалъасида буюк зотлар анжуман қурган. Ал Беруний ҳам шу ерда илму камоли билан зиё таратган. Сирли қўшиқлари билан Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқларининг севимли ҳофизига айланган Комилжон Отаниёзовнинг ҳам она-Ватани, туғилган жойи Шовот. Пиру комил авлиё Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи салоҳият, диёнат, дин илми камолатининг юксак нишонси сифатида муҳташамлик касб этади.



Турли жойлардан келиб кетгучи меҳмонлар пиру комилнинг атрофида жам бўлган азиз авлиёлар — Жиловдор бобо, Дастурхончи боболарни ҳам зиёрат қилишади. Ҳа, бу даҳада ўтмишнинг қанчадан-қанча сирлари яширин. Аммо руҳий дунёнинг ўз рўёси, ўз маъноси бор. Айтиш мумкинки, меҳнат гаштини суриб яшаётган инсонларга бу дорилмон давримизда ҳам азизлар руҳи мададкор.

Юсуф Ҳамадоний қадамжоси атрофида жойлашган Катқалъа, Бўйрачи ва Бешмарган қишлоқлари бир-бирига тутшиб кетган бўлиб, аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади.

Бешмарган қишлоғида туғилиб ўсган, бу ернинг пасту баландини яхши биладиган Шухрат Ўдабаев асли деҳқон фарзанди. Отаси уста Матсафо ҳокисор, тўғри сўз, содадил, бироз дангалчи инсон бўлиб, касби бинокор бўлса-да, кўп йиллар жамоа хўжалигида бригадир вазифасида ишлади. Тиниб-тинчимас, фарзандлар бахтини ўйлаган ота қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни илиқ кутиб олди, 1995 йили дастлаб 4 гектар ерга эга бўлган, чорвачиликка ихтисослашган “Уста Матсафо” хўжалигини тузди. Шу йили 15 бош қорамол боқилди. Йил сайин чорва сони кўпайган сари экин майдонлари ҳам кенгая борди. 1998 йил экин майдони 10 гектарга, қорамоллар сони 50 га етди. Ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг майдонлари танлов асосида фермер хўжаликларга берилди бошлаган пайтда Шухрат Ўдабаев отаси ишини давом эттириш мақсадида хўжаликка бош бўлди ва 22 гектар қўшимча ер олди. Фермер МТП, Мيني Банк ва бошқа хизмат кўрсатувчи шохобчалар хизматидан унумли фойдаланди. 2006 йили чорвачилик комплексини янгидан қурди. Микрокредит

банкнинг Шовот филиалидан 20 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига хориждан 10 бош зотдор қорамол сотиб олиб, ветеринария пункти ташкил қилди.

Хўжаликнинг ҳозирги кунда 77,1 гектар майдони бўлиб, шундан 69,1 гектарига экин экилади. Фалладан ҳар йили 70-75 центнердан ҳосил олинади. Шартномавий режадан ортгани эса хўжалик аъзоларига тарқатилади. 2,7 гектар боғда етиштирилган олма, ўрик, беҳи, шафтоли, олхўри, нок, олча ва гилос каби мевалар халқ дастурхонига ҳавола қилинади. Боғ ва далаларни суғориш ишларида Оллаберган Матякубовнинг тажрибаси қўл келмоқда. Хўжаликдаги 12 нафар асосий ишчи ҳар бир юмушни аҳиллик билан бажаради. Фермернинг укаси Ражаббой Ўдабаев лизинг асосида сотиб олинган “Арион-630” ҳайдов тракторини кўз қорачиғидай авайлаб агрофдаги фермер хўжаликларга ҳам хизмат кўрсатади. Бу билан бошқалар ҳолатини раво қилиш билан бирга, яна бир даромад манбаи яратилган.

Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деганларидек, қишлоқ хўжалигида юқори кўрсаткичларга эришаётган хўжалик элга танилди, мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда фаол қатнашмоқда. Чунонки, Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказилаётган “Ташаббус” кўрик-танловларида иштирок этди. Туман ва вилоятда бир неча бор биринчилиكنи қўлга киритган бўлса, 2005, 2006, 2014 йилларда Республика кўрик-танловларида юқори натижаларга эришиб, “Ғолибликка интилувчи фермер” номинацияси бўйича, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Отамнинг ишларини давом эттириб кам бўлганим йўқ. 2006 йили “Шухрат” медалига сазовор бўлдим, — дейди фермер. — Ме-

дали олгач, онамга: “Она, биз ҳам бир ташаббус билан чиқсак, отам жуда болажон инсон эди”, — деб отамиз номидаги стипендияни жорий қилиш ҳақида фикримни айтдим. Волидам хурсанд бўлиб оқ фотиҳа бердилар.

Бу таклифни туман фаоллари, маорифчилар қўллағач режа амалга ошди.

— Ўдабаевлар оиласи мактабимизга 2001 йилдан буён ҳомийлик қилиб келади, — дейди 32-мактаб директори Фарҳод Юсупов. — 2007 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”ни амалга ошириш ва шу борада ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш, улар фаоллигини оширишни кўзлаб фермер Шухрат Ўдабаевнинг ташаббуси билан доимий равишда аълочи ва наъмунали хулққа эга бўлган ўқувчиларни рағбатлантириш учун “Уста Матсафо” номидаги стипендия таъсис қилинди. Шу кунгача 144 нафар ўқувчи бу стипендияни олишга мушарраф бўлди. Таълим-тарбия соҳасидаги ишларимизда бу мукофот қўл келмоқда.

2007 йили фермер хўжалигига Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан наслчилик хўжалиги мақоми берилгач, ер майдони янада кенгайтирилди.

Кўп тармоқли йўналишда қизгин фаолият олиб бораётган хўжаликда айни пайтда 200 бош насли қорамол боқилмоқда. Чорвачилик фермаси мудири Жасурбек Ўдабаев ўз ишида қатъиятли, тиниб-тинчимайди.

— Чорвадорга эрта-кечининг, куну туннинг фарқи йўқ, — дейди у. — Кунига 450-500 литр сут соғиб олаётган сут соғувчи Иқбол Дўсча-

нова, Ирода Кўчқоровалар ўз ишига пухта. 2016 йилнинг бошидан Урганч шаҳридаги “Хоразм ХОЛД” ҳусусий корхонаси билан тузилган шартнома бўйича сотилган сутдан 105 млн. сўм даромад олинди. Аҳолига эса 50 млн. сўмлик насли қорамоллар сотилди.

Хўжаликнинг оддий бир ишчиси, уста Матсафонинг фарзанди бугун элга таниқли фермерга айланди. Изланиб имкон топган фермернинг оиласи тўкин, ҳаёти фаровон. Буларнинг бари ҳалол ва машаққатли меҳнат меваси. Фермернинг турмуш ўртоғи Гулнора Сапаёзова ўқитувчилик касбини шарафлаш билан бирга хўжалик юмушларига ҳам қарашади. Оиладаги тўрт нафар фарзанд эса ота-оналари билан фахрланиб камолга етмоқда. Гулмира — оилали, бир нафар фарзанди бор, ҳамширалик касбини танлаган. Суҳбат — “УзТЕКС Шовот” қўшма корхонасида назоратчи, Абдорбек — фермер хўжалиги аъзоси, Арслонбек келажада тарихчи

бўлмоқни кўзлаган. У замин саховатига ошно ёш қалб эгаси ота-боблар ардоқлаган Юсуф Ҳамадоний сингари эл-юрт тарихини ёзмақни ният қилгандир, эҳтимол.

10 нафар фарзандни вояга етказиб, улар билан саодатга эга бўлган Саодат ҳожи она бу кунларга етгунча қанча сувлар оқиб ўтди. Пиру бадавлат онахоннинг эвара-чеваралари атрофида. Ҳар куни тили ва дили дуода, қўли каломда онахон бу кунларга шукрона айтади. Ахир Ўзбекистондай тинч юртда яшаб, элга танилган ўғил-қизлари, неваралари, аҳил биродарлари, кўни-қўшнилари бор. Борар жойига машиналар тайёр, наъмунавий уйларга кўчиб ўтган неvara келинларнинг иззат-ҳурматини кўриб кўнгли яйрайди. Буларнинг бари шу буюк қадамжого яқин ерда яшайдан, ёстиқдоши—устанинг орзулари ушалганидан далолатдир. Шуҳратнинг шуҳратини тилаган онахон фарзандининг келажак режаларидан ҳам хабардор.

— Янги йилда янги режаларни кўзлаганмиз, — дейди Шуҳрат Ўдабаев. — Туман ҳокимлиги маҳалла гузари қурилиши учун ер ажратди. Бу ерда оталар чойхонаси, сартарошхона, дорихона, новвойхона ва савдо шохобчалари қурамыз.

Ҳа, фермернинг орзулари бисёр. Чорва сони ва маҳсулдорлигини кўпайтириш, эл дастурхони тўкинлигини таъминлаш, янги иш ўринлари очиб ёшларни ишга жалб қилиш... Бу ишларни амалга ошириш эл ардоқлаган, фермернинг кўнглида, дилида бор...

*Нияти холис элдош, яша,
ишод қил,*

*Илму комиллик сабаб
улғудир ҳаёт.*

*Далаларда юлдуз бўл,
ҳар ишда бош бўл,*

*Ватанда яхшилардан
қолгай яхши от.*

Шукуржон ЖАББОРОВА,
«ЎзҚХ» мухбири.

ГАП АҲИЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИКДА

Бугунги тинч, осуда, фаровон ҳаётимиз учун шукрона келтираман. Ахир, дунёнинг манаман деган давлатларида кучли иқтисодий, сиёсий инқирозлар кечаётган, турли минтақаларда зиддиятлар, нотинчликлар ҳукмрон бўлган таҳликали бир даврда юртимизда рўй бераётган бунёдкорлик ишлари, янгиланишлар киши қалбини ифтихорга тўлдирди-да.

Ўтган йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар самарасини бугун фермерлик ҳаракати мисолида ҳар биримиз яққол кўриб турибмиз. Бугун ер у билан бемалол тиллаша оладиган ҳақиқий деҳқон қўлига ўтди. Пировардида мамлакатимиз ўз эҳтиёжини бемалол қондира оладиган даражада галла, мева-сабзавот, полиз экинлари каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, пахтачиликда эса, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган ҳосилдорликка эришиш имконига эга бўлди. Ислохотлар шу билангина чекланиб қолмади. Энди фермер хўжалиklarини жойлардаги турли ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга қодир бўлган кучга айлантиришга киришилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу ўта муҳим вазифа ҳам муваффақият билан амалга оширилмоқда.

— Фақат галла ва пахта етиштириш билан юксак фаровонликка эришиб бўлмайди, деган эди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов наманганлик фермерлар билан кечган мулоқот чоғида. Доим изланиш, ўрганиш, дунё билан ҳамқадам бўлиш, янги марралар сари интилиш зарур. Қишлоқларда юқори даромад келтирадиган замонавий саноат корхоналарини кўпайтириш, иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгартиришни изчил давом эттиришимиз керак.

Дарҳақиқат, бугун аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш — бу турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўладими, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи бўладими, фермерлар зиммасига улкан маъсулият юклайди. Бунинг учун фермер изланиб ишлаши, замон билан ҳамнафас тадбиркор

бўлиши лозим. Ҳукуматимиз томонидан юртимизда яратилган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланган фермерлар бугун ўз хўжалиklarини иқтисодий бақувват, кўп тармоқли корхоналарга айлантиришга улгурдилар.

Мен бош агрономлик қилаётган Янгикўрғон туман бош пиллаҳона МЧЖ ходимлари ўтган йилда 3000 қути ипак қуртини аҳоли ва фермер хўжалиklarига контракция шартномалари асосида тарқатиб, 178 тонна ўрнига 181 тонна “кумуш тола” етиштиришга муваффақ бўлдик.

Мен оддий бир қишлоқ аёли, мустақиллик туфайли катта бир корхонада бош агроном бўлиб ишляпман. Меҳнатим қадрланди. Шуни унутмаслигимиз керакки, шу азиз Ватан равнақи, порлоқ келажакка ҳаммамиз, ҳар биримиз масъулмиз. Ҳукуматимиз барча эзгу ишларимизда мададкор, биз билан ҳамнафас. Биз аҳил бўлсак, эл-юрт учун фидойилик кўрсатсак, ҳеч қандай куч фаровон ҳаётимизга раҳна сола олмайдим.

Дилбархон СОТИБОЛДИЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи.

АКА-УКА ФЕРМЕРЛАР

Кўм-кўк ястанган ғаллазорнинг субҳидамда таралган бўйи дилга хуш ёқади. Бу ифор деҳқонларимизнинг ҳар бирига таниш ва қадрли.

— Саҳарда дала кезиб, тонг ҳавосидан баҳра олишни хуш кўраман, — дейди илиқ табассум билан чорвадор-фермер Шухрат Маткаримов.



Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида 186 мингдан зиёд аҳоли бўлиб, уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Туманда 507 та фермер хўжалиги бор. Фермерлик, тадбиркорликда танилган Маткаримовлар оиласини халқ тадбиркор оила, деб ҳурмат қилади. Оилада беш нафар ўғилни тарбиялаб, вояга етказган Исмоил Маткаримов афсуски, фарзандларининг бугунги бахтли ҳаётини кўролмади. Таълим-тарбия соҳасининг жонкуяри бўлган Исмоил ака давлатимиз томонидан аграр соҳага эътибор кучайиб, ер ўз эгаси — ишончли кўлларга берилди бошлагач, 1990 йилда “Азамат” фермер хўжалигини тузган эди. Тақдир экан, 2002 йили эндигина, навқирон 45 ёшида беҳосдан касаллик туфайли дунёдан ўтди. Доимо отасининг ёнида иш ўрганиб, изланиб юрган, тўнғич ўғил Шухрат падарининг хайрли ишларини давом эттира бошлади. Укаларини ўқитиш, уйлajoйли қилиш, шу билан бирга, отасининг эзгу ишларини давом эттириш йўлида сабру матонат билан меҳнат қилди. Амударё туманида тадбиркор, ишбилармон сифатида танилган Шухрат Маткаримов 2009 йили “Тўлқинли Исмоил чорвадор” фермер хўжалигига асос солди.

Ака-укалар меҳнат фаолияти билан танишар эканмиз, кўпроқ “Амударё соҳили” фермер хўжалиги ишлари билан қизиқдик.

Хўжалик 2010 йили ташкил этилган. 2011 йилда банкдан олинган 2 млрд. 210 млн. сўм кредит ҳисобига чорва комплекси бунёд этиб, Польшадан 66 бош “гольштин” зотли қорамол сотиб олди. Бу хўжаликка акасининг изидан бораётган Ислombек Маткаримов раҳбар этиб тайинланди. Хўжаликда ҳозирги кунда 15 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ўтган йили 75 бош бузоқ олинди. Кунига 1 тоннадан зиёд сут соғиб олинмоқда. Сут қайта ишлаш заводларига, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва аҳолига етказиб берилмоқда.

Хўжалик ишлаб чиқаришдаги юқори кўрсаткичлари билан республикага танилган. 2014 йил айниқса, жамоага омадли келди. Республика “Ташаббус” кўриктанловида фаол иштирок этган Ислombек Маткаримов “Озиқовқат саноатидаги энг яхши йил тадбиркори” дипломи билан тақдирланди.

Қорамоллар парваришига алоҳида эътибор бераётган Анвар Тилўвбаев, Сардор Жаббергеновлар хўжаликдаги ҳар бир ишда раҳбарга камарбаста бўлишяпти.

Озуқа экини сифатида 20 гектар ерга беда, 40 гектар ерга маккажўхори экилди. 15 гектардаги бугдой ҳосили эса ишчи-хизматчиларга бўлиб берилди.

— Ҳали қиладиган ишларимиз кўп, — дейди ғайратини ичига сиғдира олмаган фермер. — Комплексни янада кенгайтириб, қишлоқдошларимиз учун замо-

навий хизмат кўрсатиш шохобчаларини очмоқчимиз.

Рабиға Жўллибаева турмуш ўртоғи Исмоил ака сингари педагогик касбини эъзозлаганлардан. Оиласи, фарзандлари бахти учун куюнчак она ҳар тонгда, бугунги кунга етказганига шукроналар айтиб, фарзандларига омад тилайди. Фарзандлари, келинлари ардоғида, 13 нафар набиранинг ҳар бири бир дунё... Намунавий уйжойга кўчиб ўтган, уч ўғил янги замонавий уйлардаги шароитлардан мамнун ҳолда бахтли яшашмоқда.

Акалари изидан бораётган Қудрат Маткаримов ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. У тадбиркорликни касб қилиб, 2010 йилдан буён, “Аму тўлқини” МЧЖни бошқариб келмоқда. Илҳомбек солиқчи. Азамат эса Тошкент ахборот технологиялари институтининг Нукус филиали талабаси.

Тўкинлик ва саодатга элтгувчи ёруғ йўллардан бораётган фермер ва тадбиркорларимиз табиати саховатли, тупроғи зар, жаннатмонанд Ўзбекистонимизнинг ҳар бир куни нурафшон, масканлари обод, эл турмуши фаровон бўлишига муносиб улуш кўшаётганликлари таҳсинга сазовордир.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: “Амударё соҳили” фермер хўжалиги раҳбари Ш.Маткаримов ва хўжалик иш бошқарувчиси С.Ибрагимов.

Тошкент шаҳар
“Ер ресурслари ва давлат кадастр”
бошқармаси жамоаси

Барча
юртдошларимизни

2017 йил —
ХАЛҚ БИЛАН
МУЛОҚОТ ВА
ИНСОН
МАНФААТЛАРИ
ЙИЛИ

билан самимий
қутлайди!

Юртимизда
тинчлик, барқарорлик
бардавом бўлсин!

Янги йил
хонадонларимизга
райзу барака
келтирсин!

ОТА ИЗИДАН БОРИБ...

Қорақалпоқ замини ўзининг чексиз қум барханлари, кенг қумлоқ далалари, соддадил ва меҳнаткаш ҳалқи билан элга танилган. Юрт деҳқонлари ҳар бир кунни далаларда қаршилаб, экинлардан мўл ҳосил йиғадилар. Сув танқислиги шароитида, бу ўлкада, 3-4 маротаба ер шўрини ювишнинг ўзи бўлмайди.

Қуруқ-совуқ изғирин киш иқлими, шамол-бўронли баҳор, ёзнинг иссиқ жазирамаси — буларнинг бари кузнинг саховати билан унутилади. Куз охирига бориб яна қумли тўзону, довуллар бошланади. Ёгин-сочин эса камайиб, Кўнғирот тумани ёйдоқ кенгликларида изғирин эсади.

Достонларда куйланган Кўнғирот тумани Нукус шаҳрининг шимолида жойлашган. Аҳолиси 124 минг нафардан ошади, шундан ярми қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Тумандаги 230 та фермер хўжалигининг 126 таси кўп тармоқли, қарийб 30 минг гектар майдонда 167 та пахта-ғаллачилик, 14 та боғдорчилик, 15 та мева-сабзавотчилик, 29 та чорвачилик ва 7 та балиқчилик фермер хўжаликлари қизғин фаолият кўрсатмоқда. Бу хўжаликлар негизда хомашёни қайта ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалар сони йил сайин кўпаймоқда.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари Ринат Шербоев ҳали ёш бўлишига қарамай, ишига масъулият билан ёндошади. Унинг тавсиясини инобатга олиб, “Уркунбай” фермер хўжалиги ишлари билан танишдик. Хоразм ҚФИга жойлашган мазкур хўжалик иш бошқарувчиси Айтбай Нугманов бизга хўжаликда олиб борилган ишлар ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилди:

— 2002 йили раҳматлик отам хўжаликни ташкил қилиб, 33 гектар ерда ғалла-пахта етиштириб бошлади. Ер унумдорлигини ошириш

мақсадида, ўз вақтида шўр ювиш ишлари олиб борилди. Бу ўз самарасини берди. Ҳосил етиштириш шартномавий режалари муттасил уддалаб келинмоқда.

Ихлос ота етук деҳқон эмасми, у даланинг тилига, уруғликнинг навига яхши тушунар, фарзандлари, келинларига деҳқончилик сирасорларини ўргатарди. 2013 йили касаллик туфайли оламдан ўтгач, хўжалик бошқаруви келини Венера Дўсманова зиммасига юклатилди. Венера аслида банк соҳаси му-



Суратда: (чандан ўннга): Туман фермерлар кенгаши ҳисобчиси Жамила Худойбергенова, “Уркунбай” фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Айтбай Нугманов, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари Ринат Шербоев, фермер хўжалиги ҳисобчиси Гулшоода Холжоновалар янги режалар хусусида суҳбатлашмоқда.

тахассиси, аммо хўжалик юритишни қайнотасидан пухта ўрганганлиги боис, аграр соҳа қийинчилигидан қўрқмади.

— Агар қийналсам, турмуш ўртоғим, қайноғаларим қараб туришмайди, қолаверса отам бизни аҳилликка ўргатган, — дейди В. Дўсманова. — Хўжалик ҳисобидаги 2 та ҳайдов трактори, комбайн ва чопиқ тракторларини лизингга сотиб олдик. Техникамиз бизга қанот бўлмоқда. Биз, ҳатто, даламиздаги ишлар қатори қўшни фермерлар-

га, аҳолига ҳам техника хизмати кўрсатамиз. Бизда 3-4 марта ернинг шўри ювилмаса, экинлардан юқори ҳосил олиш мушкул. Биз, шуни эътиборга олиб, иш юритаяпмиз.

Хўжалик ўтган йилни яхши яқунлади. Ғалла ҳосилдорлиги 60 центнерни, пахта ҳосилдорлиги эса 40 центнерни ташкил этди. Бунда сувчилар Очил Зиёдов, Ринат Аvezмуротов, Мақсет Худоёров, тракторчилар Ўнғирбай Шовдирбаев, Кўнғиротбай Хўжабаевлар меҳнати самарали бўлди. Шунингдек, атрофи теракзор билан ўралган, шинамгина 100 ўринлик шийпонда, меҳнат аҳли учун қулай шароит яратилгани, вақтида иссиқ овқат берилиб, дам олиш, китоб ўқиш хоналари ажратилгани ютуқлар омили бўлмоқда.

— Эндиги вазиғамиз, чорвачиликни ривожлантириш, — дейди иш бошқарувчи Айтбай Нугманов, — Ҳозир 25 бош қорамолимиз, юз-

дан зиёд паррандамиз бор. Даромадимиз ҳисобига, шу соҳаларни ҳам ривожлантиришни кўзда тутаяпмиз. Кредит олиб балиқчиликни йўлга қўйишга ҳаркат қиляпмиз. Айтмоқчи, бизда балиқ гўштининг таъми бутунлай бўлакча.

Кўпларга бош бўлиб, экинлардан юқори ҳосил олиш иштиёқида изланиб, меҳнат қилаётган аёлнинг умр йўлдоши Муротбай Нугманов ҳам фермер. У “Ихлосов Жайилхон” хўжалиги раҳбари. Қалампир

Авилхайирова фермер фарзандлари билан фахрланади. Момо 72 ёшда бўлса ҳам тетик, уй агрофидаги томорқада полиз, олма, ўрик етиштиришда невараларига бош-қош.

Биз фермерлар оиласидаги аҳилликни кўриб кўнглимиз уш бўлди. Ҳа, Ватан равнақиға ҳисса қўшмоқ каттаю кичикка қўйилган асосий талабдир. Бу талабни амалга ошириш учун юртимизда барча имкониятлар яратилган.

Ш.СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.

ИЛМУ ТАЖРИБА МУЖАССАМ БЎЛГАЧ

Ўзгарувчан иқлим, бозор иқтисодиёти, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлашда экинлар ҳосилдорлигини ошириш, интенсиф технология асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг фойдалилик коэффициенти ҳамда олинган соф фойдани кўпайтириш орқали ишловчиларнинг моддий манфадорлигини таъминлаш, пировардида халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада яхшилаш бугунги кунда устувор аҳамиятга эга вазифадир.



Булар эндиликда ҳар бир мутахассис, деҳқон ва фермер хўжалиги раҳбарларидан экинларни оқилона жойлаштириш, агротехникасини такомиллаштириш, ер, сув, ёнилғи, ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш, ресурстежовчи замонавий технологиялар, илм-фан ютуқлари, хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бу зарурат биринчидан, фермер хўжалиги раҳбари, механизатор ва сувчилардан, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган корхоналар бошлиғи-ю мутахассисларидан ўз вазифасига масъулият билан ёндашишни талаб қилади.

Давр талабларидан келиб чиқиб, Андижонда илмий экспериментал фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича ўзига хос мактаб яратилгани, бу борада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ишлари барчага намуна бўлмоқда.

Избоскан туманида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиб, ютуқларга эришаётган фермерлар кўплаб топилади. Деҳқончилик зироатининг сир-синоатини пухта эгаллаган бободехқонлардан бири Ҳасанбой ака Тўхтақуловдир. Ҳасанбой ака қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларида ишлаб, эл орасида ҳурмат топган. 6 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. 2006 йили “Ҳайдарали барака” фермер хўжалигини ташкил этди. Фермер хўжалигида давр талабидан келиб чиққан ҳолда, кўп тармоқлиликни жорий этиш бўйича дастлабки қадам қўйилган. 1 гектар майдондаги токзорнинг ҳолати яхши. Қорамолчилик ва паррандачиликни барқарор соҳага айлантириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти.

— Тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини кўряпмиз, — дейди фермер Ҳасанбой Тўрақулов. — Нега деганда, экинлар ҳосилдорлиги-ю, маҳсулот сифатининг ошиб боришининг асосий омили шунда деб биламан.

Бугунги фермернинг асосий вазифаси тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича илмий муассасалар билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқиб, уни амалиётга жорий этишдан иборат. Деградацияга учраган тупроқ-

ларни рекультивация қилиш ва бошқа шу каби тадбирларни амалга ошириш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш мумкин.

Хўжаликда сувдан самарали фойдаланиш бўйича тўпланган илмий-амалий тажрибаларга таянган ҳолда иш ташкил қилингани, ерларни ҳар йили жорий текислаш, суғоришни тунда шарбат усулида ўтказиш, мавсумда сувчилар сонини ошириш билан бирга уларнинг шарт-шароитларини яхшилаш, даланинг ҳар 80-100 метрида ўқариқлар олиш, суғориш меъёрларига қатъий амал қилиш каби тадбирлар ўз вақтида бажарилганлиги боис, нафақат сув тежаллади, балки экин қатор орасига ишлов бериш сони қисқариши ҳисобига ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи камаяди. Тупроқнинг агрофизикавий ва сув-физик хоссалари яхшиланиб, намлик буғланишининг олди олинди, тупроқнинг эгат бўйлаб бир текис намланишига эришилади.

Асосийси, хўжаликда ҳар бир экин парвариши вақти ва сифатига қатъий амал қилинади. Чунки, биргина культивациянинг вақтида ўтказилмаганлиги сабабли 3-4 ц/га, суғоришнинг кечикиши ҳисобига 3-7 ц/га ҳосил йўқотилишини жамоа яхши англайди.

Август ойи фермер хўжалигида ҳосилга ҳосил қўшиш ойи сифатида қаралиб, гўзани қондириб суғориш, оби-тобида культивация қилиб, қатор орасини юмшатиш, зарарли ҳашаротлар — кўсак курти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира хуружидан ҳимоя қилиш, вилт ва бошқа хавфли касалликларга, шунингдек, бегона ўтларга қарши кураш чоралари кўрилади.

Бугун мен фермер хўжалигининг кўрсаткичларидан анча йироқ бўлган ҳолда, кўпроқ Ҳасанбой аканинг экинлардан мўл ҳосил олишдаги тажрибалари ҳақида тўхталишга ҳаракат қилидик. Деҳқон-фермерларимизнинг барчаси ер билан тиллашадиган, фан ютуқлари, шунингдек, илғорлар тажрибаларидан бохабар бўлишларини жуда-жуда хоҳлардик. Зеро, агроилмга таяниб, юксак чўққиларни забт этишимиз шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

ФАОЛЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Истиқлол туфайли юрtdошларимизга ер-мулк эгаси бўлиб, ҳалол меҳнат қилиш, ҳам ўзи, ҳам давлат бойлигини кўпайишига ҳисса қўшиш имконияти яратилди. Бундай имтиёз ва шароитлар эса, ҳар бир мулкдор зиммасига қонун доирасида иш тутиш, ўз ер-мулкидан оқилона фойдаланиш, унга тегишли барча меъерий ҳужжатларни тўғри расмийлаштириб, солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб бориш масъулиятини ҳам юклай-



Зеро, ҳар бир қарич ердан, ҳар бир бино ва иншоотдан тўғри ва унумли, энг муҳими қонун доирасида фойдаланиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўтган йил 3 августда қабул қилинган "2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори айнан ана шу масалага ойдинлик киритишни кўзлагани шубҳасиз. Хўш, ҳукуматнинг номи юқорида қайд қилинган қарори ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Қарор эълон қилингандан кейин ортда қолган уч ой давомида бажарган ишларимиз кўлами ҳақида тасаввур туғилиши учун битта мисол келтираман, — дейди вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонаси бошлиғи Баҳром Холбеков. — Шу пайтгача қўлимизда 170 минг 669 та турар ва нотурар жойлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор эди. Жамоамиз томонидан олиб борилган ишлардан кейин аслида бундай объектлар сони 184 минг 300 тага яқин эканлиги аниқланди.

Воҳанинг барча шаҳар ва туманларида вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан тезкор саъй-ҳаракатлар олиб борилиши натижасида хатлов ишлари қисқа мuddатларда якунига етказилди. Бу борада айниқса, Зомин, Бахмал, Фаллаорол, Жиззах туманлари ҳамда вилоят марказида салмоқли

ишлар амалга оширилди. Ушбу ҳудудларнинг ҳар бирида камида 20 мингтадан кўчмас мулк объектлари хатловдан ўтказилганининг ўзи соҳа вакиллари томонидан эътирофга лойиқ ишларнинг бажарилганини кўрсатади.

— Архивимизда ҳукумат қароригача бўлган даврда жами 23 минг 849 та объект ҳақида маълумот бўлган бўлса, хатловдан кейин уларнинг сони 25 минг 209 та эканлиги маълум бўлди, — дейди Фаллаорол туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси "Ягона дарча" бўлими мутахассиси Азизбек Мудинов. — Мутахассисларимиз томонидан амалга оширилган хатлов ишлари туфайли Давлат ягона кадастр тизимига киритилиб, абрисларга туширилди.

Абрис — бу маълум бир объект ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ёзма ва чизма ҳужжатлар тўпламидир.

Бунда объект учун ажратилган ер майдонидан тортиб, кўчмас мулкнинг нархигача бўлган барча маълумотлар бир жойга тўпланган. Ушбу маълумотлар ҳукумат қарори билан мутасадди қилиб белгиланган идоралар вакиллари, шунингдек, объектларнинг эгалари ва чегарадошлари томонидан имзоланиб, тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш жараёнида бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари биз билан ҳамкорлик қилиши белгилаб қўйилган. Жумладан, шаҳар ва туманлардаги солиқ, архив, архитектура идора-

лари ва фуқаролар йиғинлари ўзларидаги мавжуд маълумотлар билан "Ермулккадастр" давлат корхоналари тайёрлаган ҳужжатларни таққослашлари зарур.

— Афсуски, номлари қайд қилинган ташкилотлар шу пайтгача бизга тегишли ҳужжатларни тўлиқ тақдим қилишмади, — дейди вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонаси етакчи мутахассиси Баҳодир Эгамов. — Бу эса, амалга оширган ишларимиз хусусида якуний хулоса чиқаришимизга тўсиқ бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, ер участкаларига ҳуқуқларни белгилаш, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни бузиш ёки уларни мулк ҳуқуқи билан сақлаб қолиш, участкалар майдонларини қонун ҳужжатларида белгиланган меъерлар билан мувофиқлаштириш масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш ишлари орта сурилаётир.

Тўғри, мақоламизга асос бўлган ҳукумат қарорининг ижроси учун 2017 йилнинг охиригача мuddат берилган. Бироқ бу мазкур муҳим ишни пайсалга солиш мумкин, деган хулосани бермайди. Аксинча, Жиззах вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонаси жамоасининг ўз зиммасидаги вазифани қисқа мuddат ичида бажара олгани бу ишга масъул бошқа мутасаддиларни ҳам фаолликка ундаса, ажабмас...

Х. КАРИМОВ.

«ЎзҚХ» мухбири.

Суратда: Жиззах вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонаси мутахассислари Санжар Бобоев (чапда) ва Нуриддин Бердиев иш устида.



*Сирдарё вилоят
"Давуруғназорат"
маркази жамоаси*

**Юртимиз аҳлини
янги 2017 йил билан
самимий муборакбод
этади.**

**Дастурхонларимиз
тўкинлиги
асосчилари –
деҳқонларимиз
меҳнатига барака
тилайди.**

**Ватанимиз тинч,
ҳаётимиз фаровон
бўлсин!**



СУЛОЛА ДАВОМЧИСИ

Қибрай қишлоқ хўжалиги, айниқса, мева-саб-завотчилик, чорвачилик ривожланган туманлардан бири. Ердан самарали фойдаланиб, эл-юрт дастурхонги тўкинлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, томорқасини гуллашиб мўмай даромад олаётган деҳқонлар туманда кўпчилиқни ташкил қилади.

Ўзбек лимончилигининг жонкуяри, селекционер олим-агроном, марҳум Зайниддин отанинг ўғли Нуриддин Фахриддинов хонадонига киришимиз билан баҳри дилимиз очилиб кетди.

Ота касбини улуғлаган Нуриддин аканинг касби олим-агроном. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг мева-сабзавотчилик факультетини тугатиб, “Ўзбекистонда цитрус ўсимликларини жадал усулда кўпайтириш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кейинчалик тумандаги “Лимончилик” хўжалигида агроном, “Фаҳр” кўчатчилик корхонаси раҳбари, ҳозирда Тошкент давлат аграр университети мевачилик-сабзавотчилик ва узумчилик кафедрасининг доценти сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Олим томорқадаги олмаининг F1 дурагайи, анжирнинг маҳаллий сариқ, Япония қора анжирининг “Карота”, гилоснинг Краснодардан келтирилган “Ревершон”, хурмонинг Хитойга мансуб “Хиакуме”, “Занжимару”, шунингдек анор, чилонжийда ва бошқа меваларнинг энг ноёб навларини рисоладагидек парваришлаб келмоқда.

— Отам, лимоннинг юртимиз иқлимига мос бўлган “Тошкент”, “Юбилейний” навларини яратиб, ўзбек лимончилигига асос солди. Ушбу лимон фазогирлар билан бирга коинотни забт этгани кўпчиликка маълум. Падари бузрукворим ўғитларини дилга жо этган ҳолда, мазкур навларнинг иссиқхоналарда етиштириш агротехникаси, касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш тадбирлари устида кузатувлар асосида ёзилган монографиям Германиянинг LAPLAMBERT Academic Publishing нашриёти томонидан чоп этилди, дейди Н.Фахриддинов камтарона оҳангда.

Зайниддин отанинг лимон навларини ҳозир юртимизнинг барча бурчақларида учратиш мумкин. Нуриддин ака кўп йиллардан буён лимон кўчатчилиги билан шуғулланиб келади. Шу кеча-кундузда Нуриддин аканинг томорқасида 2 минг туп экишга тайёр сифатли лимон кўчати мавжуд.

Халқимизнинг цитрус ўсимликларини экиб кўпайтиришга қизиқиши катта. Шу боис, республикадаги иссиқхоналарда лимоннинг “Тошкент”, “Юбилейний”, Мейер, апельсиннинг “Гамлин”, мандариннинг “Клементин” навлари кенг тарқалган. Томорқачи олим қатор ноанъанавий ўсимликлар кўчатчилиги билан ҳам шуғулланиб, папая, зайтун, мандарин, апельсин, грейпфрут ва пампельмус кўчатларини томорқаларда экиш бўйича амалий ишлар олиб бормоқда.

— Цитрус ўсимликларини юртимиздаги ҳар бир хонадонда, ҳар бир киши экиши керак. Чунки, бу мева дастурхонимизнинг кўрки бўлибгина қолмай, инсон организмга фойдаси жуда катта, — дейди Нуриддин ака.

Бинобарин, лимон — энг қимматли шифобахш ва тетиклаштирувчи мева ҳисобланади. Унинг таркибида 2 фоизга яқин шакар, 6–8 фоиз турли кислоталар (асосан лимон кислотаси), 1 фоиздан кўпроқ пектин, 0,5 фоизга яқин ҳар хил минерал тузлар, 60–90 мг/% С витамини, маълум миқдорда А, В1, В2, РР витаминлари мавжуд. Лимон узоқ турганда ва қайта ишланганда ҳам таркибидаги витаминлар яхши сақланади, бу унинг қимматли хусусиятидир. Лимон юрак-қон томир тизими касалликлари, цинга, сил, бод, ангина даволашда, организмда моддалар алмашинуви бу-



зилганда истеъмол қилиш тавсия этилади. РР гуруҳ витаминлари қон босими пасайишига ёрдам беради ва мияга қон қуйилишининг олдини олади.

Апельсин — серсувлиги, хушбўйлиги билан бутун дунёга машҳур мева. Бошқа цитрус мевалари орасида ҳақли равишда биринчи ўринни эгаллайди. Пўсти қалин ва шарбати кислотали бўлганлигидан таркибидаги витаминлар яхши сақланади. Мандарин цитрус мевалар орасида десерт сифатида ҳам жуда машҳур бўлиб, асосан янгилигида истеъмол қилинади. Меваси таркибида 7–8 фоизгача шакар, 0,8–1,0 фоиз турли кислоталар, 0,6–0,7 фоиз пектин, 30–60 мг/% С витамини, маълум миқдорда А, В1, РР бўлади.

Грейпфрут эти аччиқ-чучуқлиги ва тахирроқлиги билан бошқа цитрус меваларидан фарқ қилади.

Цитрус ўсимликлари ўсиб-ривожланиши ва ҳосил туغيши учун кўп фойдали ҳарорат йиғиндисини талаб қилади. Масалан, апельсин мевалари пишиб етилиши учун камида 4500 °С иссиқлик зарур.

Цитрус мевалари орасида иссиққа энг талабчани апельсиндир. У нормал ҳосил туغيши учун суткалик ўртача ҳарорат 220–240 кун давомида 10° С дан юқори бўлиши керак.

Мен меҳнатсевар, янгиликка интилувчан халқимизнинг яқин келажақда ҳар бир хонадонда цитрус ўсимликлари бўлишига ишонаман. Келгусида жонажон Ватанимизнинг экспорт салоҳиятида цитрус меваларнинг ҳам муносиб ўрни бўлишига аминман. Муқаддас истиқлолнинг бу борадаги берган имкониятлари беқийсдир.

Ўз мухбиримиз.

ФАЙЗ-БАРАКА БЕШИГИ

Китоб табиати жозибали, бетакрор, халқи меҳмондўст, тупроғи саховатли. Туман аҳли эл-юрт тўкинлиги йўлида эътиборга молик ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳар бир қарич ернинг самарадорлигини ошириш, айниқса, аҳоли томорқаларидан фойдаланиш бўйича бой тажриба тўпланган.

Тумандаги 43503 та хонадон ҳисобида 5301 га ер бўлиб, бунинг 3369 га экин майдонини ташкил этади. Ўтган йилда мазкур ерларнинг 692 гектарида сабзавот, 245 гектарида полиз, 723 гектарида картошка, 1139 гектарида озуқа экинлари, 557 гектарида мойли ва дуккакли экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олинди. Шунингдек, 25 минг дона турли мева, 10.6 минг дона ток кўча-ти ўтқазилди.

Туман аҳолиси қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида қизгин фаолият юритмоқда. Худуддаги аҳоли деҳқончилик ва чорвачиликнинг у ёки бу йўналиши ҳадисини олган. Хусусан, гулгунпўштлиқ карам етиштириш бўйича ном чиқарган бўлса, новқатлик шолғом, дўнгқишлоқлик сабзининг пири, варганза анори, паландара ноки, қайнарбулоқ узуми, севаз меваси билан машҳур, тоғ олди қишлоқлари қўй-эчки, шаҳар аҳли эса зотдор қорамоллар боқиш бўйича миришкор. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир қишлоқ-маҳаллада ихтисослашув шаклланган.

Худудда ердан йил давомида узлуksиз, самарали фойдаланиб, ҳар сотихдан 2-3 млн, иссиқхонаси борлар 8-10 млн. гача даромад олмақда. Гулгунпўшт қишлоғида яшовчи Наби Абилов ана шундай хонадон эгаларидан саналади.

Наби ака ўз даврининг файзли, баракали кишиси, Ибодул-

ла ота руҳини шод этиб, падари бузруквори ўғитларга таяниб, чорва-парандага, бараканинг бош булоғи саналмиш томорқачиликка меҳр берди. Кутатилган йилда 6 сотих очиқ



ерга тўқсонбости усулида, 1 сотих ерга пиёзнинг “Зафар” нави, 1 сотихга кўкат, 4 сотихга картошканинг “Роки” нав уругини экиб, 12 млн сўм даромад олишга эришди.

— Экилаётган экинларнинг навини танлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Бизнинг худудимизда кўп истеъмол қилинадиган, муҳими бозор нархи юқори бўлган қизил пиёз, қизил картошка навларини экаман ва албатта эртаги қилиб етиштираман. Карамнинг “Ўзбекистон судьяси” нави биз учун маъқул. Чунки бу нав аввало ҳосилдор, таъми мазали, — деди суҳбатда хонадон соҳиби.

Иккинчи экин — карамдан 20 млн сўм, 24 туп олма, хурмо, анор ва 5 туп тоқдан 15 млн сўм,

зотдор 10 бош соғин сигир ҳамда 220 бош она товуқдан 40 млн сўм, рўзғорга ишлатилгандан ташқари жами 97 млн сўм даромад олди.

Сурум қишлоғида истиқомат қиладиган Холмаҳамат Аҳмадқуловни кўпчилик деҳқон-тадбиркор сифатида яхши билишади. У ёш бўлишига қарамай томорқасига эътиборли. 4 сотихли ердан 2 марта ҳосил олади. Деҳқончиликнинг илмий асосларига таяниб, мунтазам мўл ҳосил етиштиради. Бундан ташқари хонадон чорвачилигини йўлга қўйган. 4 бош соғин

сигирнинг ҳар биридан кунига 15-20 литрдан сут соғиб олинади. Даромад ўзига яраша.

Холмаҳамат курган 100 тонналик совитгичдан самарали фойдаланиб, олма ва узум сақламоқда.

— Ягона мақсадим, — дейди томорқачи-тадбиркор, — бозорларимиз тўкинлигига хизмат қилиш, жаннатмакон юртимиз ноз-неъматларини ўзга ўлкаларга кўз-кўз қилиш, экспортни йўлга қўйишдан иборат. Қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан мунтазам таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш ва турларини кўпайтириш учун уларни етиштириш, харид қилиш бўйича ягона тизим шакллантирилганлигидан хурсандман. Бу борадаги ишларим, муқаддас Истиқлолга, Ватанимга бўлган муҳаббатимнинг ифодаси, деб биламан.

Томорқага эътибор, инсон ҳаётига эътиборнинг бир намунасидир. Бинобарин томорқани тўкинлик манбаи, оила-фарзандлар тарбиясининг асоси, файз-барака бешиги, дейиш ўринлидир.

Ўз мухбиримиз.



**“Данғарадавсувмахсуспудрат”
давлат унитар корхонаси жамоаси**

барча юртдошларимизни
кириб келган

2017 йил билан муборакбод этади.

Ютуқларимиз салмоғини янада
ошириш йўлидаги эзгу ишларимиз
бароридан келсин!

Гўзал ва мафтункор она Ватанимиз
сарҳадлари ҳамиша дахлсиз
ва мустаҳкам, халқимиз омон,
турмуши янада фаровон бўлсин!

ТАФАККУР ЗИЁСИ ТАРАЛГАН МАСКАН

Китоб инсон тафаккури, дунёқарашини оширувчи бирламчи воситадир. Ахборот ва коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги кунда ахборот сиёсати маданий сиёсатнинг бир бўлаги сифатида этироф этилмоқда. Бу борада эса китобхонлик саводхонлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тасарруфида фаолият юритиб келаётган Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур маскан қишлоқ хўжалигидаги илмий-техника тараққиётига ҳамда олимлар, мутахассислар ва ёшларнинг билим ва кўникмаларини оширишда фаол кўмакчи вазифасини ўтаб келмоқда. Кутубхона 1929 йил декабрь ойида 7000 босма нашр фондига эга бўлган Бош пахтачилик кўмитаси қошидаги илмий-тадқиқот институти кутубхонаси сифатида ташкил топган. 1959 йилда эса Ўзбекистон Фанлар Академияси билан қўшилган. 1960 йилдан Марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси, 1992 йилдан эса Республика илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси номи билан юритилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига бевосита бўйсунди ва марказ тизими сифатида фаолият юритиб келмоқда. Айтиш пайтда кутубхона фонди 548520 босма нашрга эга бўлиб, пахтачилик библиографияси ва умуман қишлоқ хўжалиги фанларининг бир қатор йўналишлари бўйича ахборот берувчи даргоҳ ҳисобланади. Ахборот ресурс марказининг асосий фондида китоб ва журналлар, авторефератлар, брошюралар, луғатлар, энциклопедиялар, ноёб китоблар, илмий-тадқиқот институтлари ходимларининг илмий ишлари тўпланган.

Кутубхона аграр соҳа бўйича илмий фаолият билан шугулланувчилар учун муҳим аҳамиятга эга. Кутубхона фондида XIX аср ҳамда собиқ Туркистон ва Закаспий вилоятлари, қишлоқ хўжалиги тарихига оид адабиётлар ва республикада нашр этилган вақтли матбуот нашрлари, рефератив журналлар, луғатлар, энциклопедиялар, маълумотномалар, авторефератлар ва шу билан бирга кутубхона ходимлари томонидан тайёрланган библиографик кўрсаткичлар сақланиб келинмоқда. Шунинг қувонч билан айтиш мумкинки, айтиш пайтда ушбу илм даргоҳи

Марказий Осиё пахтачилик библиографиясининг маркази саналади.

Илмий кутубхона фондини янги нашр ва адабиётлар билан бойитиш ва хизмат фаолиятини яхшилаш мақсадида илмий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда сўнгги йиллари Халқа-

Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Амир ТЕМУР.

ро ва Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференциялар материаллари чоп этилган услубий қўланмалар, мақолалар, семинарлар тўпламлари, соҳага оид нашрлар билан тўлдириб борилмоқда. “Ўзбекистон”, “Шарқ Зийёкори”, “Гафур Ғулом” номли нашриётлар билан тузилган шартномалар бўйича, илмий-адабий ва соҳага оид адабиётларни олмақда. Тартиб рақамли адабиётлар, авторефератлар, энциклопедиялар тўлиқ рўйхатдан ўтказилгани, инвентар китоби бўйича текшириш ишлари якунига етиб, уларнинг электрон рўйхати тузилаётганлиги эътиборга молик. Кутубхонада, шунингдек, Республика ахборот кутубхона маркази ҳамда А.Навий номли Миллий кутубхона билан ҳамкорликда метёрий-ҳужжатларни қайта ишлаш ишлари йўлга қўйилган.

—Илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари, кутубхона масъул ходимлари иштирокида “Илмий кутубхоналарда китоб тарғиботи ва китобхонларга хизмат кўрсатишдаги муаммо ва ечимлар” мавзусида ўқув-семинарни ташкил этдик, — деди кутубхона раҳбари Муқаддас Абдулҳаева. — Семинарда кутубхона фонди янги адабиётлар билан бойитилиб, “Танишиб янги адабиётлар” китоблар кўргазмасини ташкил этдик. Электрон каталог тузиш ишлари бўйича “Армат” дастури тармоғига

уланиб, дастурчи мутахассис бошчилигида ўқув машғулотни ўтказиш ишлари режалаштирилди. Ходимларимизнинг маънавий салоҳиятини ошириш мақсадида “Маънавият соатлари”, китоб кўргазмалари, ўқув семинарлари ўтказиб келинмоқда. Ўтган йили кутубхонага ёш кадрлар жалб қилиниб, 8 нафар мутахассис иш билан таъминланди. 2016 йилга маҳаллий газеталарнинг 10 ва журналларнинг 9 турига, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги қишлоқ хўжалиги соҳасига оид илмий журналларнинг 16 турига обуна бўлиб, йил давомида 160 нусха журнал фондга қабул қилинди. Шундан қишлоқ хўжалигига оид журнал 117 нусха, сиёсий журнал 15 нусха, иқтисодий 20, илмий 8, газеталар эса 842 нусхада олинди. “Кутубхона фондини тўлдириш бўлими” томонидан 141 дона қишлоқ хўжалигига оид, 21 нусха сиёсий, 45 нусха бадиий адабиётлар қабул қилинди ва тематик-техник ишлов берилиб фондга ўтказилди. Ҳозирги кунга қадар кутубхонамизга аъзо бўлганлар сони 1110 нафарни ташкил этган бўлиб, шундан 504 нафари илмий ходим, 426 нафари талаба, 180 нафари эса турли соҳа вакиллари.

Кутубхонанинг янги ташкил этилган ўқув залига кирар эканмиз, “2016 йил—Соғлом она ва бола йили” ва “Ўқинг—бу қизиқ” номли турли рукнлар ташкил этилганининг гувоҳи бўлдик. Ресурс марказининг асосий фондида 1957-1968 йилларда чоп этилган узумчилик, пахтачилик, сугориш тизими, галлачилик ва ҳатто анорчилик соҳаларига оид ноёб асарлар сақланмоқда.

Демак, айтиш мумкинки, аграр соҳадаги улкан ютуқлар туфайли халқимизнинг турмуши фаровон, дастурхони тўкин бўлмоқда. Олимларимиз истиқлол йилларида соҳани ривожлантиришда қатор илмий натижаларга эришдилар. Мамлакат иқтисодиётининг бир бўлаги бўлган қишлоқ хўжалиги ютуқларини ҳаётга кенг татиқ этиш, ижобий кўрсаткичларини такомиллаштиришда илмий кутубхоналар асосий пойдевор, кўмакчи сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бораверади. Демак, айтиш мумкинки, кутубхона энг аввало, тафаккур зиёсини тарқатувчи илм маскани, бемисл маънавий бойлик саналади.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
ўз мухбиримиз.

ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР!

*Янги йил байрами билан
муборакбод
этаётганимиздан
мамнунмиз.
2017 йил
ҳаммага омад, улкан
зафарлар олиб келсин!
Бетакрор, унутилмас
қувончли дақиқалар сизни
асло тарк этмасин.
Жонажон диёримизда
байрамлар,
хурсандчиликлар давом
этаверсин!*

**Фарғона вилояти
"Ўздавуруғназорат"
инспекцияси жамоаси**

КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШИ

(Қашқадарё ҳавзаси мисолида)

In this article data on amount of nutrient elements in winter wheat content and absorbed per hectare in the condition of serozem-meadow and light serozem soil zones of Qashqadaryo serozem soils belt. According to results, parts of nutrient elements transported out by winter wheat yield, leaves are greater than rates of applied current mineral and organic fertilizers.

Тупроқ унумдорлиги интенсив деҳқончиликда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш барометри ҳисобланади. Республикамиз суғориладиган тупроқларининг унумдорлиги тобора пасайиб бораётганлиги, сифати жиҳатидан ўртача ва ўртачадан юқори бўлган майдонларнинг 10% га камайганлиги, аксинча ўртача ва ўртачадан паст бўлган майдонлар 12,4% га ортгани, алмашлаб экиш тизимини етарлича жорий этилмаётганлиги, илмий асосланган агротехнологияларни муттасил бузилиши, тупроқнинг агрофизикавий, микробиологик, агрохимёвий ва бошқа хосса-хусусиятлари ёмонланиши каби салбий жараёнлар кузатилмоқда.

Қўлланилаётган минерал ўғитлар меъёри илмий асосланмаганлиги учун етиштирилган экинларнинг ҳосили билан чиқиб кетиши юқори, шунинг учун тупроқларнинг унумдорлиги ва экинларнинг ҳосилдорлиги паст.

Меъёридан ортиқча азотли минерал ўғитлар қўлланилиши оқибатида, азотли ўғитларнинг каналлардан денгизларга улардан океанларга ювилиши оқибатида сув ўтларини ҳаддан зиёд ўсиши ва кўп миқдорда кислородларни ютиши натижасида сувда яшовчи ҳайвонот дунёси катта зарар кўрмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Қашқадарё вилояти Яққабог тумани К.Ашуров номли массивнинг “Дюл” бўлими, субтропик тоғ олди ярим чўл зонаси, типик бўз тупроқлар минтақаси, тоғ олди тўлқинсимон текислигида пролювиал-аллювиал ётқизиқларда шаклланган янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи ва Фузор тумани М.Ҳасанова номли массив. Фузордарё дарё ёйилмаларининг юқори ва ўрта қисмидаги аллювиал-пролювиал ётқизиқларда шаклланган суғориладиган оч тусли бўз тупроқ-

лар калит майдонлари сифатида танланди.

Бунга кўра, янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқ шароитида етиштирилган кузги буғдойнинг “Таня” нави вегетация охирида илди, поя барг (сомон), қобиқ ва дон қисмлари 5,15% азот, 2,08% фосфор ва 3,85% калий элементларини ўзлаштирган. Шундан азотни 0,37% ини илди, 2,16% ини поя-барг (сомон), 0,61% ини қобиқ ва 2,01% ини дон қисмлари ўзлаштирган. Кузги буғдойнинг ҳосил, поя, барг (сомон) қисмлари билан бир гектар майдондан 88% азот, 75% фосфор, 80% калий элементлари тупроқ таркибидан чиқиб кетиши аниқланди.

Таърифланаётган тупроқ шароитида етиштирилган кузги буғдойга бир мавсумда минерал ва маҳаллий ўғитлар билан 109,7 кг/га азот, 37,7 кг/га фосфор ва 3,8 кг/га калий берилган. Шунингдек, табиий йўллар билан 34,0 кг/га азот, 22,5 кг/га фосфор ва 33,0 кг/га калий элементлари келиб тушган, буларга экилган буғдойнинг уруғлари, қобиқлари, тупроқ таркибида қоладиган илдишлар, суғорилаётган суғорма сувлар ва ёгингарчиликлар кирди.

Олинган маълумотлар озиқа элементлар балансларини ҳисоб-китоб қилинганда бир мавсумда сунъий ва табиий йўллар билан 143,2 кг/га азот, 6,2 кг/га фосфор, 36,8 кг/га калий тупроққа келиб тушган. Аммо, кузги буғдойнинг ҳосил ва поя-барг (сомон) қисмлари билан 188,5 кг/га азот, 60,8 кг/га фосфор ва 128,2 кг/га калий элементлари чиқиб кетиши аниқланди. Ушбу ҳолат тупроқларнинг агрохимёвий ҳолатини камбағаллаштириб тупроқлардан кўшимча — 45,3 кг/га азот, — 0,6 кг/га фосфор ва — 91,5 кг/га калий элементларни ўзлаштириб олган, элементлар баланси салбийлашган.

Ушбу тупроқ таркибига бир мавсум давомида жами 108,8 кг/га азот, 55,6 кг/га фосфор ва 44,8 кг/га калий олиб кирилган. Шунинг асосий қисми минерал ўғитлар ҳиссасига тўғри келади, яъни 79,2 кг/га азот, 34,5 кг/га фосфор ва 25,0 кг/га калий. Қолган 29,6 кг/га азот, 21,0 кг/га фосфор ва 19,7 кг/га калий элементлари кузги буғдой илдишлари, экилган уруғлар, суғориладиган суғорма сувлар ва ёгингарчиликлар ҳиссасига тўғри келади.

Аммо, тупроққа олиб кирилган миқдордан кузги буғдойнинг дон, поя-барг (сомон)лари билан 153,4 кг/га азот, 54,3 кг/га фосфор ва 116,1 кг/га калий чиқиб кетгандан сўнг элементлар мувозанати аниқланганда жуда оз миқдорда +1,3 кг/га фосфор тупроқ таркибида захира тариқасида қолиши кузатилди, лекин, азот ва калий элементларининг баланси салбий эканлиги аниқланди.

Таҳлилларга кўра, янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдой учун қўлланилган минерал ва маҳаллий ўғитлар меъёрлари бузилган.

Ҳар иккала тупроқ типидида озиқа элементлар баланси салбий бўлиб, азот — 44,6-45,3 кг/га, фосфор — 0,6 кг/га, калий — 71,3-91,5 кг/га кўшимча чиқиб кетаётганлиги аниқланди.

Демак, минерал ва маҳаллий ўғитлар меъёрлари амалиётга тўғри жорий этилса табиатда озиқа элементлар балансини бир маромда тутиб, тупроқларнинг агрохимёвий кўрсаткичларига, унумдорлигига ва экинлар ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмайди.

Ж.КЎЗИЕВ,

Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими.

**Бўка тумани қишлоқ ва сув
хўжалиги бўлими жамоаси**

**Азиз ватандошлар!
Дастурхонингиз тўкинлигига
хизмат қилаётганлигимиздан
беҳад мамнунмиз!**

**Янги — 2017 йил билан
қизгин муборақбод этамиз.**

**Мустақиллигимизни
мустаҳкамлаш йўлидаги
ишларингизда омад тилаб
қоламиз.**

**Қутлуғ 2017 йил халқимизга
олам-олам қувонч,
жонажон Ватанимизнинг
равнақига-равнақ олиб
келсин.**

ФОРМИРОВАНИЕ РЕПРОДУКТИВНЫХ ОРГАНОВ КУКУРУЗЫ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ФОСФОРНОГО ПИТАНИЯ

It was studied that corn's hybrid of Korasuv 350 AMB of phosphorus fertilizer types and measures can influence to generativ formation of the plant.

Исследования формирования генеративных органов в зависимости от минеральных удобрений, в частности, от норм и форм фосфорных удобрений имеет большое научно-практическое значение. Так как в практике часто встречается, что на початке кукурузы недоразвитые колоски в верхней части и иногда у основания початка. Данная ситуация отрицательно влияет на урожай зерна кукурузы.

Цель данного исследования улучшение выполненности верхней части початка путем улучшения минерального питания на несмытых и смытых почвах. Научное изыскание влияния норм и форм фосфорных удобрений на число зачатков репродуктивных органов и образующихся впоследствии на початке зерен не проводилось.

Опыты по изучению влияния минеральных удобрений на интенсивность развития репродуктивных органов проводились в 1998—2001 гг. в фермерских хозяйствах Ургутского района Самаркандской области. Учеты и наблюдения по формированию органа плодоношения кукурузы - початка проводилась методом биологического контроля развития растений, разработанным М.Ф.Куперманом.

Формирование органов плодоношения кукурузы гибрида "Карасув-350" АМВ в зависимости от норм и форм фосфорных удобрений. Анализ полученных данных показывает, что нормы и формы фосфорных удобрений на фоне $N_{240}K_{100}$ влияют на длину верхнего зачаточного початка и размер конуса нарастания метелки кукурузы. Наблюдения показали, что при внесении фосфора на фоне $N_{240}K_{100}$ всех изученных вариантах дифференциация мужских и женских соцветий начинается раньше, чем в контрольном варианте (без удобрений). Так, в варианте Фон + P_{120} аммофос (несмытая почва) длина верхнего зачаточного початка составил 25,3 мм, тогда как в варианте Фон + P_{90} аммофос - 23,5 мм, что, соответственно, 10,8 мм и 8,0 мм

выше, по сравнению с контролем (без удобрений). На фоне ($N_{240}K_{100}$) варианте анализируемый показатель составил 19,4 мм, что на 3,4-6,6 мм ниже, чем в варианте фон + фосфорные удобрения. Аналогичное явление происходит с размерами конуса нарастания метелки кукурузы при различных нормах и формах фосфорных удобрений на фоне азота (240 кг) и калия (100 кг). Следует отметить, что цифровые показатели на смытых почвах были несколько ниже, чем на несмытых почвах. Внесение фосфорных удобрений в диапазоне 90—150 кг на фоне $N_{240}K_{100}$ положительно влияет на рост метелки кукурузы. При этом размер метелки составил 363-367 мм на несмытых почвах и 348-359 мм на смытых почвах в зависимости от норм и форм фосфорных удобрений.

Таким образом, фосфорные удобрения на фоне азота и калия способствовали более ранней закладке боковых побегов и ускорению формирования початка.

Дифференциация метелки начинается со времени появления 5—6 листа и заканчивается в фазе 11—12-го листа. До фазы 6—7-го листа метелка растет очень медленно. Начиная с фазы 10-го листа, размеры метелки значительно увеличиваются. Рост растений в высоту в этот период в особо теплые дни достигал 13—15 мм в сутки. Такой большой прирост достигается за счет одновременного увеличения размеров метелки и удлинения междоузлий, в последующих фазах развития нижние зачатки початков давали слабый прирост. В вариантах с полными удобрениями початки верхних узлов усиленно росли по сравнению с контролем. Наиболее интенсивный рост их имел место по мере приближения к периоду цветения. Поэтому для получения початков крупных размеров необходимо обеспечить питательными веществами, особенно фосфорными со времени разворачивания ими верхних листьев главного стебля. При внесении фосфорного удобрения на

фоне $N_{240}K_{100}$ влияет не только верхний боковой зачаток початка, но и зачатки на следующих сверху вниз узлах главного стебля, а также на узлах ножек початков, могут развиваться до выбрасывания нитей и до образования зерна.

Таким образом, внесение фосфорных удобрений может увеличить число зачатков развившихся в нормальном озеренных початки при условии питания кукурузы фосфором, а также азотом и калием в оптимальных нормах ($N_{240}K_{100}P_{120}$).

Фосфорные удобрения, на фоне $N_{240}K_{100}$ в норме 120—150 кг/га д.в. и на несмытых и особенно смытых почвах обеспечили более интенсивный рост и дифференциацию метелки кукурузы гибрида Карасув-350 АМВ. Фосфорные удобрения во всех формах улучшили условия питания кукурузы, предотвратили преждевременное отмирание зачаточного початка третьего узла главного стебля, в то время, как на варианте без фосфора этот початок развился. В последующих фазах развития нижние зачатки початков давали слабый прирост. Початки верхних узлов при внесении фосфора в норме 120—150 кг/га на фоне $N_{240}K_{100}$ усиленно росли. При этом наиболее интенсивный рост их имел место по мере приближения к периоду цветения початков. Незначительное увеличение их размеров начиналось с фазы 10-го листа.

Во всех вариантах опыта, где большая доза фосфорных удобрений на фоне $N_{240}K_{100}$ на всех узлах главного стебля ко времени наступления кукурузы в фазу 8-го листа имелись зачатки верхнего, второго и частично третьего сверху, початка. В этом случае в среднем на одно растение приходилось по 2 и 3 початка. Это обеспечивает получение высокого урожая зерна кукурузы на несмытых и смытых почвах.

А. МАХМАТМУРОДОВ,
к.с.х.н.,

Э. УМУРЗАКОВ,
д.с.х.н.,
СамСХИ.

ШОЛИ КҶЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИНГ РУВАК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

In article is told about sowing late sort rice. And it presents the results of the studies on determination of the dependencies of the periods and rates of the sowing on productivities of the rice.

Дунё аҳолисининг кўпайишига озиқ-овқатга бўлган талаб кучаймоқда. Таҳлилларга қараганда, бир қатор Осиё мамлакатларидаги, жумладан Ҳиндистон ва Таиландда юз бераётган қурғоқчилик натижасида жаҳон бўйича шоли ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилга нисбатан 1 фоизга камайиши кутилмоқда.

Дунё бўйича 2015-2016 йиллари шоли савдо ҳажми 368 млн. тоннани ташкил қилди, бу аввалги йилларга нисбатан 2,6 млн. тоннага камдир. Айни пайтда, шоли истеъмол қилиш кўпайиши сабабли, захираси 12 фоизгача камайиши оқибатида асосий экспортёрлар захирасининг учдан бир қисмгача қисқаришига олиб келиши кутилмоқда.

Муаммонинг ягона ечими қишлоқ хўжалиги ерларидан мўл ҳосил олишнинг янги йўллари излашдир. Аграр соҳани ислоҳ қилиш, уни замонавий, технологиялар билан таъминлаш барча мамлакатлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланган.

Биз шу мақсадда тадқиқот ўтказдик. Экин ҳайдов қатламидаги гумус миқдори 2,0 % умумий азот 0,121%, фосфор 0,125% ва калий 0,76% ташкил этди. Тажриба ўтказиш, фенологик кузатув, тупроқ ва ўсимлик намуналари олиш «Методика полевых опытов» «Методика Государственного сорта испытания сельскохозяйственных культур» ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмаларига асосан ўтказилди.

Тупроқ намуналаридаги чиринди, NPK умумий ва ҳаракатчан турлари миқдорлари «Методы агрохимических анализов почв и растений

Средней Азии» қўлланмаларига биноан амалга оширилди.

ТШДДЭИТС дала тупроқлари ўтлоқи-ботқоқ, шўрланмаган, реакцияси нейтрал (РН-6,8-7,3), механик таркибига кўра оғир қумоқ. Рельефи текис, майдондаги тупроқ дарё бўйидаги худуд тупроғига мос, тупроқ қатлами бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқликдан иборат. Ҳайдов қатлами 0-30 ва 0-40 см, ҳайдов қатламидан пастдаги 30-40 см қалинликда гель қатлами, 60-70 см чуқурликда қумли ва майда тошлардан иборат қатлам жойлашган. Тажриба майдонининг айрим жойларида қумли ва майда тошли қатлам 30-40 см да ҳам учрайди.

Маълумки донли экинларнинг юқори ҳосилдорлигини таъминловчи белгиларининг бири бу — бошоқ ёки рувакнинг ривожланиши ҳисобланади. Ундаги донларнинг пишиб етилишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Шоли ўсимлигида ҳам рувакнинг шаклланиши ҳосилдорликка таъсири катта. Унда доннинг шаклланишини тўлиқ пишишга эришиш ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот шолининг экиш муддатлари ва меъёрларининг рувак кўрсаткичларига таъсири ўрганилганда эрта муддатларда экилган вариантларда кеч муддатларига нисбатан рувак кўрсаткичлари юқори бўлганлиги аниқланди.

Кечпишар УзРОС 7/13 (назорат) нави уруғи 25 апрелда 4,5,6 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда рувакнинг узунлиги ўртача 21.5-17.5 смни, 1 та рувак оғирлиги 4.7-3.3 грни, 1 та рувакдаги донлар сони 157-182.5 тани, шундан тўлиқ дон-

лар 143-175.5 тани, пуч донлар 7-13.8 тани, 1000 та дон оғирлиги 30.8-32 грни ташкил қилди. 5 майда 4,5,6 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда рувакнинг узунлиги ўртача 16.8-22.5 смни, 1 та рувак оғирлиги 3.6-5.2 грни, 1 та рувакдаги донлар сони 157.8-186.5 тани, шундан тўлиқ донлар 147.5-182.5 тани, пуч донлар 7-10.3тани, 1000 та дон оғирлиги 31-32.5 грни ташкил қилди. 15 майда 4,5,6 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда рувакнинг узунлиги ўртача 15.8-19.3 смни, 1 та рувак оғирлиги 3-3.8 грни, 1 та рувакдаги донлар сони 135-155.8 тани, шундан тўлиқ донлар 125.3-141.3 тани, пуч донлар 9.8-14.5 тани, 1000 та дон оғирлиги 29.3-31.5 грни ташкил қилди.

Кечпишар «Мустақиллик» нави 25 апрелда 4,5,6 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда рувакнинг узунлиги ўртача 22.1-23 смни, 1 та рувак оғирлиги 5.8-4.8 грни, 1 та рувакдаги донлар сони 157.8-208 тани, шундан тўлиқ донлар 137.3-198.8 тани, пуч донлар 9-20.5 тани, 1000 та дон оғирлиги 31.8-32.8 грни ташкил қилди. 5 майда 4,5,6 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда рувакнинг узунлиги ўртача 21.3-23.9 смни, 1 та рувак оғирлиги 6.6-5.5 грни, 1 та рувакдаги донлар сони 173.5-224.3 тани, шундан тўлиқ донлар 156.3-214.8 тани, пуч донлар 9-17.3 тани, 1000 та дон оғирлиги 32-33.5 грни ташкил қилди. 15 майда 4,5,6 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда рувакнинг узунлиги ўртача 20.3-21 смни, 1 та рувак оғирлиги 5-4.2 грни, 1 та рувакдаги донлар сони 142.8-182.8 тани, шундан тўлиқ донлар 125.8-158.8 тани, пуч донлар 11.3-24.5 тани, 1000 та дон оғирлиги 29.3-31 грни ташкил қилди.

Умунан, кечпишар шоли навлари уруғинини экиш муддатлари ва меъёрларининг рувак кўрсаткичларига таъсири эрта муддатларда экилганда кеч муддатларга нисбатан юқорилиги кузатилди. Энг юқори кўрсаткич 5 май экиш муддати 5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда кузатилди.

**Қ. ҲРАЗМЕТОВ,
Н. ИБРАГИМОВА,**

Тошкент давлат аграр университети.

Шолининг «Мустақиллик» нави ўсимлигининг руваги сони, дона ва бошка курсаткичлари (Тошкент вилоятида 2012 йил)

Экин муддати	Экин меъёри	Рувак узунлиги	1 та рувак оғирлиги	Донлар кўрсаткичлари			
				Жами донлар сони	Тўлиқ донлар	Пуч донлар	1000 та дон вази
25 апрел	4 млн	22,5	5,6	199,5	188,0	9,0	32,8
	5 млн	23,0	5,8	208,0	198,8	9,3	32,8
	6 млн	22,1	4,8	157,8	137,3	20,5	31,8
5 май	4 млн	22,0	6,2	216,8	207,8	9,0	33,3
	5 млн	23,9	6,6	224,3	214,8	9,5	33,5
	6 млн	21,3	5,5	173,5	156,3	17,3	32,0
15 май	4 млн	21,0	4,5	163,0	151,8	11,3	31,0
	5 млн	20,9	5,0	182,8	158,8	18,5	30,5
	6 млн	20,3	4,2	142,8	125,8	24,5	29,3
		2,1	0,3	6,5	5,4	7,1	0,9
		1,7	1,1	0,6	0,5	8,5	0,5

**ҒИЖДУВОН ТУМАНИДАГИ “ЎКТАМ ҚАЮМ”
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ**

**Азиз юрtdошлар сизларни янги —
2017 йил билан самимий
қутлайди!**

**Пок ва ёруғ орзу ниятлар
билан тўлиб турган
қалбимизни шу
файзли, шукуҳли паҳзалар
асло тарк этмасин!
Муборак 2017
йилнинг қадами
қутлуғ келсин!
Истиқлол берган энг уллуғ
неъматдан баҳраманд
бўлиш бахти халқимизга
асрлар оша насиб
этаверсин!**



ФОСФОР САҚЛОВЧИ ЎҒИТЛАРНИ САМАРАЛИ ҚўЛЛАШ МЕЪЁРЛАРИ

Phosphorus containing fertilizers positively influence upon growing, development of the plants - an onion. Using NCPHF on background N200K90 in rate 140 kg/ha P₂O₅ provides the reception statistical reliable additional harvests pommel. In this variant quality pommel wholly meets the demands.

Ҳозирги даврда аҳоли ўртасида жисмоний меҳнат ва ҳаракатнинг камлиги, ҳар кунги энергия сарфи қисқариши туфайли инсон учун сабзавотларнинг озукалик аҳамияти қисқариб бормоқда. Бундан ташқари, ҳаво, сув, озиқ-овқатларнинг токсик моддалар билан ифлосланиши инсон организмини заҳарланиш хавфига дучор қилмоқда. Сабзавотларни истеъмол қилиш эса моддалар алмашувини бошқариб, киши организмни соғломлаштиради. Бу эса саломатликни тиклашда муҳим ҳисобланади.

Республикамиз, жумладан Самарқанд вилоятининг об-ҳаво, тупроқ шароитига қараб ҳар бир туман учун Давлат реестрига киритилган, мўл ҳосилли, сифат кўрсаткичлари юқори зараркунанда ва касалликларга чидамли, механизмлар ёрдамида ишлов беришга мослашган, ҳар бир экиш муддати учун мос навлар ва дурагайлارни тўғри танлаш керак. Алмашлаб экиш тизимидаги ҳар бир экиннинг мақбул озиқланиш режими ҳосил қилувчи ўғитнинг оқилона қўллаш меъёр ва усуллари ишлаб чиқиш давр талабидир.

Маълумки, пиёз шифобахшлик, пархезлик, овқат ҳазм қилишлик, бактерицидлик хусусиятларга ҳамда фойдали витамин ва эфир мойларига бой сабзавот турларидан ҳисобланиб, кундалик эҳтиёждан ташқари қайта ишлаш саноатида кенг қўлланилади.

Пиёздан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий гарови минерал ўғитлар қўллашдир. Қўлланилаётган асосий озиқа моддалардан бири фосфор ҳисобланади. Экиннинг фосфорга бўлган талабининг асосий қисми минерал ўғит ҳисобига қопланмоқда.

Сугориладиган майдонларда асосий ва такрорий экин сифатида экиладиган сабзавот экинлар, жумладан, пиёз етиштиришда янги типдаги Қизилқум фосфоритлари асосида олинган аммофос, НКФУ (нитрокальцийфосфат) PS-агро ўғитларининг мақбул меъёрлари ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш илмий тадқиқотларимизнинг мақсадини белгилади.

Ушбу мақсадни амалга ошириш мақсадида, дала тажрибалари Самарқанд вилояти Булунғур тумани карбонатли типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилмоқда.

Тажриба 8 вариант 4 такрорликда ўтказилмоқда. Даланинг узунлиги 20 м, эни 2,8 м, битта пайкалнинг майдони 56 м², ҳисобга олинган майдон эса 28 м², пайкаллар тўрт ярус қилиб жойлаштирилди.

Тадқиқот объекти сифатида фосфор сақловчи ўғитлардан аммофос (P₂O₅) 11-12 % N, 46 % - P₂O₅, НКФУ (P_{НКФУ}) 6-8 % N, 16 % P₂O₅, PS-агро (P_{PS-агро}) 4-6 % N, 41-44 %, P₂O₅, 5-7 % SO₃ ўғитлари ва НКФУ ўғитининг турли меъёрлари олинган.

Азотли ўғит сифатида NH₄NO₃ (N = 34,5) ва калийли ўғит сифатида KCl (K₂O = 60 %) ишлатилди. Тажрибада Голландия Вежо фирмаси томонидан яратилган пиёзнинг Дайтона F1 (Daytona F1) дурагайи экилди.



Тажрибалар ўсимликшунослик ва сабзавотчиликда умумқабул қилинган услублар ((Ф.М.Куперман, 1962), «Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве» (В.Ф.Белик таҳрири остида, 1970), «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» (Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимов, 2002), «Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида олинган янги фосфорли ўғитлар ва улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бўйича тавсиялар» (ЎзРФА, ЎзҚХИИЧМ, ЎзПИТИ ва ТАИТ-ДИ, 2006), «Экинларни озиқлантиришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш бўйича тавсияномалар» (ЎзҚХИИЧМ, ЎзПИТИ, 2009)) асосида олиб борилмоқда. Олинган ҳосилдорлик бўйича маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) бўйича дисперсион таҳлил қилинди.

Дала тажрибасидан олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўғитсиз назорат вариантыда 2016 йил ўртача ҳосилдорлик 160,5 ц/га ни ташкил этган бўлса, N200K90 қўлланилган вариантда 397,2 ц/га ҳосил олинди.

НКФУ ўғит меъёрининг ошириши (60, 100, 140, 180 кг/га P₂O₅) билан ҳосилдорлик ҳам ошириб борди ва тегишлича; 426,4; 438,5; 450,0 ва 452,5 ц/га ҳосил олинди.

Фосфор сақловчи аммофос, НКФУ ва PS-агро ўғитлари бир хил меъёрда қўлланилганда деярли бир хил 445,2; 438,5 ва 436,6 ц/га ҳосил олинди. Энг юқори ҳосил 450 ц/га, НКФУ 140 кг/га (P₂O₅ ҳисобида) қўлланилган вариантда олинди.

N200K90 қўлланилган вариантда ўғитсиз назорат вариантыга нисбатан 236,7 ц/га қўшимча ҳосил олинган бўлса, ушбу фонда аммофос қўлланилган вариантда эса 284,7 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилди.

Қизилқум фосфоритлари асосида олинган аммофос, НКФУ ва PS-агро ўғитлари бир хил меъёрда қўлланилган вариантларда НК – фонга нисбатан 39,4 – 48,0 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

НКФУ ўғитини гектарига 140 кг (P₂O₅ ҳисобида) қўлланилган вариантда НК вариантыга нисбатан 52,8 ц/га ҳосил олинди.

Фосфор сақловчи ўғитлар пиёз ҳосилдорлигини оширибгина қолмай, балки сифатини ҳам яхшилашнишига олиб келди.

Ўғитсиз назорат вариантыда умумий шакар миқдори 7,6 % бўлган бўлса, ўғит қўлланилган вариантларда унинг миқдори 8,0 – 8,2 % га ошди. Аскорбин кислотаси («С» витамини) ҳам ўғитсиз назорат вариантыда 10,5 мг % ни ташкил этгани ҳолда, ўғитланган вариантларда 12,7 – 13,7 мг % бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи аммофос, НКФУ ва PS-агро ўғитлари пиёз ҳосилдорлиги ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди. N200K90 фонидан НКФУ ўғитини гектарига 140 кг (P₂O₅ ҳисобида) меъёрда қўллаш орқали ишонарли ҳосил олиш мумкин.

**М.ХАЙИТОВ,
М.МАШРАБОВ,
Самарқанд ҚХИ.**

СУВ ТАНҚИСЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ФИТОМЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Ҳозирги пайтда ғалла ҳосили йиғиштириб олинган-дан сўнг майдонларнинг аксарият қисми бўш қолиши туфайли ер ости сизот сувлари капиллярлар орқали ер юзасидан бугланиб, унинг таркибидаги минераллар ва ҳар хил сувда эрийдиган зарарли тузлар тупроқ таркибига келиб қўшилади, натижада бу жараён тупроқнинг турли даражада қайта шўрланишга олиб келмоқда. Ғалладан бўшаган майдонларнинг бўш қолмаслиги ва бу майдонларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетишининг олдини олиш мақсадида, бугдойдан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида сувни кам талаб қиладиган ҳамда ўзида туз ўзлаштирувчи ўсимликлар ёки тупроқда ҳар хил фойдали минерал ўғит йиғувчи ўсимликлар экиш мақсадга мувофиқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Бухоро воҳасининг шўрланишга мойил, ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида сувни кам талаб қиладиган ҳамда ўзида туз ўзлаштирувчи фитомелиорант ўсимликлар, махсар ва Оқжўхори экинларини экиб, шўр ювиш меъёрлари ҳамда муддатларини қисқартириш билан бирга пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Оқорида қайд этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда республикамизнинг сув танқислиги даврида шўрланишга мойил ҳамда шўрланган тупроқлари шароитида ўзида туз ўзлаштирувчи ҳамда қурғоқчиликка чидамли фитомелиорант ўсимликларни экиш эвазига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўр ювишга сарфланадиган сув ресурсларини иқтисод қилиш каби тадбирларнинг кузги бугдой ва пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда тажрибада фитомелиорант сифатида экилган махсар ва оқжўхорини суғориш сонлари ва меъёрининг тупроқ сув ва туз режимларига таъсири иккала тажриба вариантыда кузги бугдойдан кейин фитомелиорант экилган вариант, бўш майдонга таққосланган ҳолда ўрганилди. Иккала вариантда ҳам кузги бугдойдан кейин экин экилмаган шароитда, тупроқ намлиги кузги бугдой пишиб етилгандан кузгача бўлган даврларда барча вариантларда камайиб борган. Кузги

бугдойдан кейин фитомелиорант сифатида махсар ҳамда оқжўхори экилганда, тупроқнинг намлиги юқори бўлиб, таркибидаги туз миқдори камайган.

Кузги бугдойдан кейин далани бўш қолиши тупроқ намлигини кескин пасайишига ва тузларни кўпайишига олиб келди.

Тузларнинг ҳаракат қилиш динамикасини ўрганиш мақсадида тупроқнинг 0-20, 20-40, 40-60, 60-80, 80-100 см қатламларидан намуналар олиниб, ўсимликни ўсиш-ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатадиган HCO_3 , Cl , SO_4 , қуруқ қолдиқ миқдорлари лаборатория шароитида таҳлил қилиб борилди.

Тажрибалар июнь ойининг бошида, тупроқнинг 1 м қатламида ўртача 11,6 -12,0 % намлик бўлган бўлса, кузда бу миқдор 14,9 -16,8 % гача кўпайди. Аксинча, тупроқ таркибидаги тузлар миқдори қуруқ қолдиқ эса шу даврда камайди. Масалан, махсар экилган майдонда экиш олдида қуруқ қолдиқ миқдори 0,163 % бўлган бўлса, вегетация охирида бу кўрсаткич – 0,147 % гача камайган, Оқжўхори экилган майдонда экиш олдида қуруқ қолдиқ миқдори 0,163 % бўлган бўлса, вегетация охирида бу кўрсаткич – 0,143 % гача камайган. Махсар экинни, ўртача шўрланган майдонда экиш олдида хлор миқдори 0-100 см қатламда 0.036 % бўлган бўлса, вегетация охирида бу кўрсаткич – 0,031 % гача камайган, оқжўхори ўсимлигида экиш олдида хлор миқдори 0.036 % бўлган бўлса вегетация охирида бу кўрсаткич – 0,022 % гача камайган.

Тажриба далаларида кузги бугдойдан кейин фитомелиорант сифатида оқжўхори экилган вариантларда тупроқ намлиги махсарга нисбатан кўпайганлиги кузатилди. Масалан, кузги бугдойни ўриш даврида ўртача 1 м қатламда 11,6 – 12,0% бўлган бўлса, кузда оқжўхорини йиғиб олиш даврида бу миқдор 14,9 – 16,8 % ни ташкил этди. Тупроқ таркибидаги тузлар нисбатан камайди.

Тажриба далаларида кузги бугдойдан кейин фитомелиорант сифатида оқжўхори экилган вариантларда тупроқ намлиги махсарга нисбатан кўпайди. Масалан, кузги бугдойни ўриш даврида ўртача 1 м қатламда тупроқ оғирлигига нисбатан 11,6 – 12,0 % бўлган бўлса, кузда оқжўхорини йиғиштириб олиш даврида бу миқдор 14,9 – 16,8 % ни

ташкил этди. Тупроқ таркибидаги тузлар нисбатан камайгани маълум бўлди.

М.ҲАМИДОВ,
қ/х.ф.д., профессор,

У.ЖЎРАЕВ,
Тошкент ирригация
ва мелиорация
институтини
мустақил
тадқиқотчиси.

Тупроқнинг шўрланиш даражаси

Вариантлар	Қатламлар, см	Вегетация бошида		Вегетация охирида		Мансумий туз тўйланниш коэффициенти	
		хлор-иони	қуруқ қолдиқ	хлор-иони	қуруқ қолдиқ	хлор-иони	қуруқ қолдиқ
Кузги бугдой	0-30	0,037	0,195	0,042	0,211	1,13	1,08
	0-100	0,035	0,164	0,038	0,182	1,09	1,12
Фитомелиорант ўсимлиги							
Назорат (шудор)	0-30	0,039	0,203	0,049	0,212	1,26	1,04
	0-100	0,036	0,163	0,044	0,202	1,22	1,124
Махсар	0-30	0,039	0,203	0,033	0,154	0,85	0,76
	0-100	0,036	0,163	0,031	0,147	0,86	0,90
Оқжўхори (сорго)	0-30	0,039	0,203	0,026	0,172	0,66	0,85
	0-100	0,036	0,163	0,022	0,143	0,61	0,88

**Тўрткўл тумани
қишлоқ ва сув хўжалиги
бўлими жамоаси**

Юртдошларимизни

Янги йил байрами

билан самимий
муборакбод этади!
Янги йил юртимизга
қут-барака ва
янада фаровонлик,
ҳар бир хонадонга
омад олиб келсин!

**Барча
юртдошларимизни
Янги — 2017 йил
билан қизғин
қутлаймиз.**

**Дастурхонимиз тўқин-
сочин, қалбларимиз
қувончга тўлсин.**

**Серқуёш осмонимиз
мусаффо,
дастурхонимиз
бундан-да тўқин
бўлсин!**

Қашқадарё Озуқа ем таъминот МЧЖ жамоаси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЎТА ЕНГИЛ АВИАЦИЯ ВОСИТАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Йўналишлари

Support sustainable development of uses of ultralight aircrafts in agriculture. Substantiates the socio-economic aspects of the need to support the development of this sector.

Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожланишини таъминлашда самараси юқори бўлиши билан бир қаторда, нисбатан янги ва истиқболли ҳисобланган махсус тайёргарлик ва кўникма талаб этувчи хизмат кўрсатиш соҳаси — ўта енгил учиб воситаси (ЎЕУВ) — мотодельтапланлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу хизмат турининг қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш агротехнологик жараёнларини амалга оширишда қўлланиши иқтисодий-молиявий жиҳатдан стратегик аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу боис, республикамиз аграр тармоқларида ЎЕУВларидан фойдаланиш борасида, хусусан бу соҳанинг қалдирғочи, жоиз бўлса, бозорий муносабатлар шароитида амалиётга биринчилардан жорий этиб келинаётган АГРО-РАВОЗ» кўп тармоқли авиация ишлаб чиқариш корхонасининг иш тажрибаси ва бу борадаги иқтисодий кўрсаткичлари режалаштирувчи, таъминотчи ва қарор қабул қилувчи ташкилот, муассаса ҳамда истеъмолчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан алоҳида эътироф этиб келинмоқда.

Жумладан, республикамизнинг айрим ҳудудларида баъзи қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш агротехнологияси, хусусан ғўза дефолиацияси тадбирини ўтказишда тажриба тариқасида мотодельтапланларни жалб этиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 августдаги 158-сонли баёнида белгиланган вазифалар доирасида маълум чора-тадбирлар амалга оширилган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 июлдаги №03/6-67 топшириғига асосан анъанавий ер усти техникалари, Ан-2 самолёти ва мотодельтапланларни унумдорлик, ёнилғи сарфи, ишчи эритма сарфи, иш режими ва режими эксплутация-технологик нуқтани назардан баҳолаш бўйича ўтказилган таққослаш синовлари якунлари бўйича ЎЕУВ тўғрисида ижобий хулосалар олинган.

Пахтачилик тармоғида ЎЕУВларидан фойдаланиш борасида ўтказилган синов тажриба хулосалари дефолиацияни агротехник талаблар даражасида ва мақбул муддатларда бажарилишини таъминлаш билан бирга, иш унумдорлигининг ОВХ-600 га нисбатан 7,7 мартадан юқорилиги, ху-

сусан, бир гектар майдонда дефолиация учун ёнилғи ОВХ-600 га нисбатан 10 мартагача, Ан-2 русумли самолётга нисбатан 25,4 марта кам сарфланганлиги тасдиқланган. Бир гектар майдонга ишлов бериш таннархининг Ан-2 самолётига нисбатан 4 мартаба, ОВХ-600 га нисбатан 3 мартаба кам эканлиги амалиёт кўрсатган.

Ушбу ҳисоб-китоблар, республикамиз “Қишлоқ хўжалигида ЎЕУВларидан фойдаланишни ташкил этишни, узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш истиқболлари” режасини ишлаб чиқишни заруратга айлантормоқда.

Шу ўринда республикамизда илк бор 1999 йилда ташкил этилган АГРО-РАВОЗ» МЧЖнинг иш тажрибаси ибратли бўлиб, ушбу хизмат турининг соҳа сифатида шаклланишига илмий-амалий жиҳатдан катта ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу корхона иш фаолияти ижобий натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 июлдаги №03/6-67-сонли топшириғига асосан ўтказилган синов хулосалари далолат бермоқда.

Дарҳақиқат, ўта енгил учиб воситасидан фойдаланишни ташкил этиш, учувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўта енгил учиб воситаларига хизмат кўрсатиш каби йўналишлардаги тажрибаси, алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этишга лойиқдир.

Ушбу соҳани янада ривожлантириш республикамизда «Ўта енгил учиб воситаларидан фойдаланишни ривожлантириш Концепцияси»ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, концепция қуйидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилиши лозим:

- ЎЕУВларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқишни шакллантириш, моддий-техник базасини ривожлантириш;

- ЎЕУВларига хизмат кўрсатиш тури, шакллари ва қўламини кенгайтириш, хизмат турларини кўпайтириш;

- ЎЕУВлардан фойдаланиш борасида маълумот ва ахборот-хизматлари кўрсатишни ривожлантириш;

- ЎЕУВлари билан хизмат кўрсатиш тизимини молиялаштириш, кредитлаш, суғурталашга устуворлик ва имтиёзлар бериш;

- қишлоқ хўжалигида ЎЕУВларидан самарали фойдаланишни таъминловчи ЎЕУВ инфратузилмасини шакллантириш ва бошқалар.

Ушбу Концепциянинг асосий мақсади давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини жорий этиш асосида қишлоқ хўжалигида ЎЕУВларидан фойдаланишни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш Концепцияда устувор бўлиши лозим:

- аграр соҳа ва тармоқларининг ЎЕУВлари хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш;

- қишлоқ хўжалигида ЎЕУВлари хизматларидан фойдаланиш ва ЎЕУВларга хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш инфратузилма тизимини шакллантириш;

- ЎЕУВларида учиб хавфсизлигини таъминлаш ва хавфсизлик даражасини кўтариш.

Белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ЎЕУВ хизматлари бозорини ривожлантириш;

- ЎЕУВлари ишлаб чиқишни йўлга қўйиш;

- ЎЕУВдан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини илмий-усубий жиҳатдан таъминлаш ва миллий иқтисодий реал сектори ва тармоқларида ЎЕУВларидан фойдаланишни ташкил этиш, самарадорлигини аниқлаш ва ривожланиш истиқболларини белгилашга йўналтирилган амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш.

Концепциянинг муҳим ва асосий йўналишларидан бири ЎЕУВларини ишлаб чиқаришни таъминловчи сертификатлаш ва сертификат олиш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичи ҳисобланади.

Ўта енгил авиация воситаларидан фойдаланиш ва бу соҳани ривожлантириш борасида билдирилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалиги тармоғини инновацион ривожланишини таъминлашга, агротехнологик жараёнларни ресурстежамкор усулларни қўллаган ҳолда амалга оширишни таъминлаши баърига, тармоқда экологик мувозанат ва био-хилмаҳилликни сақлашга, экинлар ҳосилини етиштиришга, умуман кўпайтиришни, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз

С.ЎРАҚОВ,

ТИМИ мустақил изланувчиси.

Меҳнатсевар ва бағрикенг халқимизни, аграр соҳа меҳнаткашларини 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили билан чин дилдан қутлаймиз. Янги йилда хирмонларимиз баракали, дастурхонларимиз тўкин, турмушимиз обод ва фаровон бўлсин.

«Ангўзал Агросервис» хусусий корхонаси жамоаси



ЧП «ANGUZAL AGROSERVIS»

ПРЕДЛАГАЕТ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ ПРЕПАРАТЫ ДЛЯ ЗАЩИТЫ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ ОТ НАСЕКОМЫХ-ВРЕДИТЕЛЕЙ И БОЛЕЗНЕЙ
(для применения в открытом и защищённом грунте)



СПОРАГИН

Микробиологический системный фунгицид и бактерицид



Действующее вещество — споры бактерии *Bacillus subtilis*, титр — 1×10^9 с/мл. Для защиты сельскохозяйственных растений — зерновых, технических, овощных, плодово-ягодных и лесных культур от комплекса возбудителей

лиственных и корневых болезней, вызываемых фитопатогенными грибами и бактериями.

Эффективен против — фузариоза, вертициллёза, бурой ржавчины, корневых и плодовых гнилей, мучнистой росы, серой и бурой гнилей, фитофтороза, антракноза, альтернариоза, кладоспориоза, ризоктониоза (чёрная ножка), монилиоза, оидиума, обыкновенного шютте хвойных, бактериального увядания томатов, бактериального рака томатов и плодовых, бактериальной пятнистости, некроза сердцевинки стебля томатов, бактериального ожога плодовых и т.д.

Применение и норма расхода:

— предпосевная обработка всех видов семян и клубней: 2 л/т (в заводских условиях) в 20 — 25 л воды.

— опрыскивание по вегетации, полив под корень: 2 — 4 л/га — овощные и технические культуры (2 — 3 обработки в год); 4 — 6 л/га — плодовые деревья и виноградники (2 — 3 обработки в год).

Наилучший эффект достигается при опрыскивании вегетирующих растений. Обладает лечашим эффектом. Препарат сохраняет свою биологическую активность в почве, на корнях, в растениях в течение 1 — 1,5 месяцев. При сильной зараженности необходимо увеличить норму расхода препарата.

Основные достоинства:

Эффект после применения препарата виден на 2 — 3 день. Оказывает ростостимулирующий, иммуномодулирующий и антистрессовый эффект. Проявляет свою активность в условиях недостатка влаги. Обработку препаратом можно проводить в период созревания фруктов, овощей, ягод.

МНОГО БОЛЕЗНЕЙ — ОДИН ПРЕПАРАТ!

НАДЕЖНАЯ ЗАЩИТА И ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫЙ УРОЖАЙ

ЧП «AnGuzal Agroservis» (Узбекистан)

Ташкентская область, Кибрайский район, Маткобулов КФЙ,
поселок Юкори-Юз.

Тел.: (+998 90) 906-72-99, 977-27-16

Факс: (+998 71) 256-57-59

E-mail: anguzal@mail.ru

Реклама

Товар сертифицирован

ИЛМ-ФАН ФИДОЙИСИ

Мамлакатимиз илм-фанига умрини бахшида этган олимлар кўп. Улардан бири қишлоқ хўжалиги экинларини механизациялаш соҳасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган инженер-механик, техника фанлари номзоди Асомиддин Қорахоновдир.



1937 йилнинг 9 январь куни деҳқон оиласида дунёга келган Асомиддин айти ўйнаб-куладиган ва эзгу орзулар тузадиган даври 2-жаҳон уруши ва урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келди. Шунга қарамадан, мактабда аъло баҳоларга ўқиб, олим бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. 1955 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетига ўқишга кирди. Институтни тугатгач, муҳандис-механик дипломи билан йўлланма бўйича Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ҳозирги ҚХМЭИ)га ишга келди.

Аспирантурада ўқиб, 1970 йили “Ўрта Осиё пахтачилик ҳудудларида бегона ўтларни йўқотиш технологияси ва оловли культиватор параметрларини асослаш” мавзусида

номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Асомиддин Қорахонов 1960 йили ишлаб бошлаган лаборатория қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экиш ва парваришлаш машиналарини яратиш бўйича шуғулланди. 1973 йилдан то ҳозирги кунгача лабораторияга раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу давр ичида 20 дан ортиқ ёшлар техника фанлари номзодлари ва докторлари илмий даражаларига эришдилар.

А.Қорахонов илмий фаолияти давомида КО-2,4 оловли культиватор, ПХГ-4 гербицид сепиш мосламаси, КХУ-4 чопиқ культиватори, ОВХ-28 пуркагичи, МВХ-5,4 мотигаси ҳамда ГХ-4 пуштаолгичи каби бир қатор қишлоқ хўжалиги машиналарини яратишда бевосита иштирок этди. Бу машиналар ҳозирги кунгача деҳқонларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиб, республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг қўлланиб келинаётир.

Тадқиқотчи олим илмий фаолияти давомида 200 дан ортиқ илмий мақола, китоб ва тавсияномалар чоп эттирди ҳамда 30 дан ортиқ авторлик гувоҳномалари ва патентлар муаллифи бўлди.

Асомиддин Қорахонов катта оилада ўсиб-улғайди. У оиладаги саккиз ўғилнинг каттаси, укалари ҳам эл ҳурматини қозонган, ҳаётда ўз ўрнини топа олган инсонлар. Асомиддин ака турмуш ўртоғи Раҳима опа билан бир ўғил ва тўрт қизни эл қорига ярайдиган фарзандлар этиб тарбиялади.

Фурсатдан фойдаланиб, олим ва мураббийни табаррук 80 ёши билан чин қалбдан табриклаймиз. Устозга сиҳат-саломатлик, руҳий тетиклик, илмий ва ижодий ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Бир гуруҳ шогирдлари.

НАВБАҲОР ТУМАНИ “ПИЛЛА” КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**Ватанимиз тараққиёти,
иқтисодиётимиз барқарор
ривожланиши ва халқимиз
турмуш даражасининг юксалиб
боришига муносиб ҳисса
қўшиш ишқи билан яшаётган
элимизга кириб келган
янги — 2017 йил
қутлуғ бўлсин!
Янги йил ҳар бир
оилага бахт-саодат ва қут-
барака олиб келсин!**



ЧЕГАРАДАГИ ОЛИШУВ

Турдихон опа эрта баҳорда, илик узилди пайти оила эҳтиёжига қувват бўлар деган ниятда қарийб тонгдан кечга қадар қуёш аримайдиган, ҳовли этагидаги мўъжазгина иссиқхонага саримсоқпиёз экишга тутинди. Лекин ҳарчанд уринмасин иши унмас, кечаси кўрган туши, хаёлидан ҳеч кетмас эди.

I

Саримсоқ пиёзни паллага ажратиш пайтида икки-уч марта жойини ўзгартирди, шу боис иши чала, пала-партиш бўлаверди. Келинлари қайнонасининг ҳатти-ҳаракатларидан ҳайрон бўлишар, сабабини сўрашганида тайинли жавоб ололмаганларидан ҳайратлари янада ошарди.

Тонги ва тушки овқатни унутганидан, вақт ўтган сайин мадорию қуввати кетиб борар тез-тез эшикка қарар, ҳар бир товуш ва қақирикдан бир-бир сесканиб қўярди. Ўша куни кун одатдагидек ўтган эди. Ярим кечаси уйқуси қочди, алламаҳалгача рўзғори, келинлари, фарзандлари-ю невараларини ўйлаб ётди. Тонга яқин уйқу элитди. Туш кўрди, тушида еру осмон ичра аллақадердан келган Шокир ўғли тиззалаган кўйи! “Ойижон оёғимга ўқ тегди”, деди. “Вой болажоним, сенга нега тегди? Ким экан у душман?” деганича уйғонди. Юз-кўзлари терга ботган, Турдихон опа ўрнидан турди-да юз-қўлини ювди. Кўрган тушини ҳеч кимга айтмай, у-бу иш билан ўзини чалғитишга уринди.

Сайдулла ака Фарғона водийсида ҳарбий хизмат қилаётган Шокир олдида бўлганини, фарзанди соғсаломат эканлигини айтганини хаёлидан ўтказиб, тушга нималар кирмайди, деб ўзига далда берди, бироқ, бутун диққат-эътибори эшикка қадалди, гўёки ҳозир кимдир Шокирдан хабар келтиради.

Бу дунё сир-синоатга тўла, англаганимиздан англаб етмаганимиз кўп (ва биз ҳатто улар қанчалар кўплигини ҳам билмаймиз). Турдихон опа қалби янглишмаган экан, асрга яқин эшик олдида машина келиб тўхтади. Дарвоза очилиб, ичкарига икки ҳарбий кириб келди.

— Шокир ўғлингиз, деган сўзни эшитган Турдихон опа аввал чўккалади, кейин ёнига йиқилаётганида Сайдулла ака ушлаб қолди.

— Боламиз тирик экан, шукур. Ўзингни қўлга ол дейишига қарамай ҳушдан кетиб йиқилди...

Шокир Тошкент темир йўл институтини тугаллаб, “Ўзбекистон” темир йўл депоси инженери бўлиб ишларди. Маҳалладаги тенгдошлари-ю синфдошлари биринкетин ҳарбий хизматга кетаётганини кўриб, хизматга ошиқди. Водийдаги чегара қисмида хизмат қила бошлади. Орадан ярим йилча вақт ўтди. Кунларнинг бирида онаси каби нохуш туш кўрди. Тушида қир-адирлик бўйлаб борар экан, бир вақт оёғи остидаги тош-шағалли ер ўпирилгач, жарга қулади. Лекин қулаётиб, дарахт илдивидан ушлаб қолди, илдиз балқуват экан, Шокир илдивизни қўйвормай бир амаллаб тепага чиқиб олди. Шу куни Шокир тушини нима билан тугашини ўйига етолмай, хизмат билан овора бўлганидан унутди.

II

Шокирни чегара қисмида хизмат қилаётганига ярим йилча бўлиб қолган эди. Одатдагидек, сафдошлари билан чегара постига чиқиб келарди. Шундай кунларнинг бирида, аниқроғи, туш кўрган кун эртасига кечки пайт уч қуролдоши билан постга турди. Куз кунлари бўлишига қарамай тоғлик жойдаги об-ҳаво бирмунча совуқ эди. Аскарлар командири белгилаб берган жойга бориб жойлашишди. Пистирмадаги аскарларга сўқмоқ йўл яққол кўришиб турарди. Кеч кирди, тун ярмидан ўтди. Ўтиши қутилган душман бузғунчисидан дарак бўлмади. Тонга яқин, навбат алмашиш вақти яқинлашган пайти совуққотган Шокир қуролдошлари билан постни топширишга тайёргарлик кўриш мақсадида пистирмадан чиқди. Бир вақт ўзидан ҳамаси 50—60 метрлар узоқликда нималарнидир кўтарган ўн чоғли одамларни кўриб қолди. Одатда яқин атрофдаги аҳоли ўрнатилган тартиб бўйича чегарадан ўтиб турарди. Лекин булар, кимлар бўлди? Кундузи, бемалол ўтса бўларди-ку! Тонг саҳарлаб бу ердан ўтишларининг боиси нима? Шокир шуларни кўнгилдан ўтказиб турганида, қуёш нурида уларнинг қўлидаги қуроллари ярақлаб кетди. Шунда Шокир қуролдошларига:

— Ётларинг, душман бузғунчилари келяпти, — деганича катта хар-

санг панасига ўтиш учун югурди. Ўртада отишув бошланиб кетди. Душман постдан ўтолмади, бироқ Шокир оёғидан, яна бир аскар эса қўлидан яраланди. Қўқон кейинчалик Тошкентдаги ҳарбий касалхонада даволанди, бир неча бор жароҳлик амалиётини бошидан ўтказди. Заҳарли ўқ бўлгани, ўқ тизза суягини майдалаб юборгани, кун сайин кучайиб, соғлигига хавф солаётган гангренининг олдини олиш олиш мақсади-да, шифокорлар оёғини кесиб ташлашдан бошқа восита топа олишмади...

III

Шокир деярли бир йилча шифохонада даволаниб, уйга оёқсиз қайтди. Оёқдаги оғриқнинг кечаю кундуз тўхтамаслиги, айни навқирон ёшида орзу умидлари чилпарчин бўлган йигитга дунё қоронғу бўлиб кетди. Яхшиямки, меҳрибон онаси, ҳар қандай оғирликка лаббай дегувчи отаси, дўсту биродарлари, кўни-қўшнилар, депо бошлиғи Аброр Ислмовнинг далда-ю кўмаклари жонига оро кирди. Орадан уч йил ўтди, Шокир ҳассага таяниб юрадиган бўлди. Шунга қарамай кўнгли тўлмас, тунни кунга улаб, мижжа қоқмай, қийналарди.

— Кунларнинг бирида ногиронларга кўмак берувчи халқаро ташкилотнинг Тошкентдаги вакили корейс аёли келиб қолди, — деб эслади суҳбатда Шокир Саъдибоев. — У менга инглиз тилини ва компьютерни ўргата бошлади. Ёш эканлигимни, ҳали ҳаёт олдинда бу бир синов эканлиги хусусида кўп ва узоқ маънили гаплар айтди, қолаверса, маҳалламизда 2-жаҳон уруши қатнашчиси Рамазон ота Чўтбоев яшар, у ҳам урушда бир оёғидан ажралган эди. Оёқсиз бўлишига қарамай кўп йиллар ҳисобчилик қилди, уйланди, неварали-чеварали. Ҳозир аварасини сўрасангиз исмини билмай қолади...

Яхшилардан қувват олган, ҳаётга ишончи ортган Шокирни туриш-турмушида ўзгариш рўй берди: яна ишга қайтди, уйланди, камтар, камсуқум ва меҳнаткаш рафиқаси Зулфия билан бир-биридан ширин фарзандлари Сарвар, Комила, Жамила ва Моҳирани тарбиялаб вояга етказмоқда.

Айни кунларда юк ва йўловчи ташиш поездлари электроникаси инженери Шокир Саъдибоев она-Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимиз турмуши фаровон бўлиши учун қўлидан келганича хизмат қилишга интилоқда.

Холхўжа МИРЗАЕВ.



ИЛҲОМИ ЖЎШҚИН ИЖОДКОР

Мақсуд **ТОИРОВ** гарчи мутахассислиги бўйича геолог бўлса-да, қарийб 40 йиллик меҳнат фаолиятининг асосий қисми маъмурий идораларда кечган. Шу боис, у иш ва ҳаётда тартибни жуда хўш кўрувчи инсон. Шунингдек, Мақсуд ака қалбида мудом шоирона туйғулар жўши уриб турадики, уларни назм ва наср шаклида қоғозга туширади ва ўта камтарлик билан ҳамкасбларига, гоҳида тўплаб, нашр эттириб, китобхонларга тақдим этади.

2014 йилда унинг “Ҳаёт сўқмоқларида”, яқинда эса “Сен ва мен” номи шегърий тўплами чоп этилди. Журналхонларимиз ҳам М.Тоировнинг самимий мисраларидан баҳраманд бўлишини истаб, унинг ижод намуналаридан эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Мурувватдан эл кўкарар, дил кўкарар,

ВАТАН УЧУН

Ватан бу дилларнинг ҳароратидир,
Шодумон кунларнинг шарофатидир,
Эрк деган қалбларнинг саодатидир,
Юлдуз бўл, осмон бўл бу Ватан учун,
Уғлон бўл, посбон бўл бу Ватан учун.

Юрт бағри рағбату ижод уммони,
Идроқу ирода ғалаба они,
Энг кўҳна алёрлар тутмиш самони,
Наво бўл, қўшиқ бўл бу Ватан учун,
Улғунча ошиқ бўл бу Ватан учун.

Мени мафтун этган кўҳли бу очун,
Тоғларга отади гулли қулочин,
Баским, таърифини куйламай нечун,
Денгиз бўл, тўлқин бўл бу Ватан учун,
Шиддат бўл, жўшқин бўл бу Ватан учун.

Чўққили, қўл етмас тоғлари бордир,
Ризқу рўз бўлгучи боғлари бордир,
Жаннатда топилмас чоғлари бордир,
Бағрида юлдуз бўл бу Ватан учун,
Теран бўл, илдиз бўл бу Ватан учун.

БИР КАЛОМ БИЛАН

Ўзида куч топиб нафсини тийган
Ҳар эзгу мақсадга етиши мумкин.
Эгнига ўлғунча шоҳи зар кийган
Дунёдан кафансиз ўтиши мумкин.

Юракдан айтилган бир салом билан
Жоҳилни ҳақ йўлдан юргизиш мумкин.
Топиб айта билсанг бир калом билан
Хастани оёққа турғизмоқ мумкин.

Имонинг бўлмаса магар, юз карра
Кўнган омадиндан нолишинг мумкин.
Эътиқод топилса танангда зарра,
Арслонни изминга солишинг мумкин.

БИР КАМ ДУНЁ

Ҳаёл дарёсида жимжит оқаман,
Орзулар барқ урган нигоҳда сирим.
Ярим қолган шамга маҳзун боқаман,
Дафтардаги шегърим ҳам қолди-ку ярим.

Бир кам дунё экан, ками кўп экан,
Дунёнинг бор экан шундайин номи.
Дилнинг бахтдан кўра ғами кўп экан,
Сира тўлмас экан бахтнинг бу жоми.

Дунё кўп қизиқ-да, қошу ёй ярим,
Яримдир шахд-шиддат, ярим туйғулар.
Ҳаттоки осмонда, қаранг, ой ярим,
Туш аро уйқулар, яримдир тунлар.

Ҳаммаси майлига, бир кам дунё бу,
Гумбаз эрур-ку бош узра осмон.
Кўнгилга солмасин ушбу сўз қутқу,
Муҳими дилингда бут бўлсин имон.

ДЎСТИМГА

Тилагим сенга шудир,
Кўкрагинг осмон бўлсин.
Ҳар бир қилар ишингни
Мушукули осон бўлсин.
Оламда бахтинг тўлиқ,
Қалбинга иймон тўлсин.
Истагим шу: дўстларинг
Юксак бир хирмон бўлсин!

БАХТ

Бахт излар одамзод бир умр бўйи,
Олисга етаклар ҳаёлот ўйи.
Бахтини излайди у ҳар бир жойдан,
Ҳатто топмоқ бўлар самодан, ойдан.
Эй дўстим, айтайин чин бахтнинг сирин,
Юракнинг тубида удир яширин.
Чин бахт кўнгилни қаритмас экан,
Дилдан ҳаёт шавқин аритмас экан.

Узоқ-узоқларда уфқнинг чизиғи,
Интиларман: ундамикан ҳаёт мағзи?
Йўл юрсам сурилар у ҳам ҳар сафар,
Оҳанграбо каби уфқ чорлайверар.
Бахт ҳам шундай: ушланмас қўлга,
Аммо чорлаб турар инсонни йўлга!

Оққан сувлар қуриб қолар бахилликдан,
Қалб чаимаси сув ичади сахийликдан.
Мурувватдан эл кўкарар, дил кўкарар,
Бу дунёнинг дунёлиги яхшиликдан.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХО‘ЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Музаффар ФАЙЗИЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Собиржон ЭРГАШЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Саидкул АРАБОВ
Яшин ХИДИРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2017 йил,
№1. Январь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги	1
Ғ.ҒУЛОМ. Вақт	2
Т.ДОЛИЕВ. Шукрона туйғулар	3
О.НОРБЕКОВ, Қ.МАМАТМУРАТОВ. Ҳар битта мурожаат эътиборда	5
Пахтачиликда долзарб агромегиоратив тадбирлар	6
Р.СИДДИҚОВ. Фалла қишда ҳам парваришга муҳтож	8
М.ТОШБОЛТАЕВ. Техникаси сознинг иши соз	10
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ. Боғни боққанни, боғ боқар	11
Р.ҲАКИМОВ, Е.ЛЯН, С.АЛИМУҲАМЕДОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сабзавотчиликда январь ойи юмушлари	13
Д.ХОЛМАТОВ, Д.СОДИҚОВ. Тут – мўл пиллага замин	16
А.РАҲМАТОВ. Салатбоп ва баргли шолғом	17
Уруғчилик истиқболи	18
О.ХЎЖАЕВ, Б.ТЕШАБОВЕВ. Ўсимликлар ҳимояси — муҳим масала	18
“Ўзбекистон белгиси” нишондорлари	19
“Агроислохотчи” совриндор	19
Д.МАРАСУЛОВА, М.ТАИРОВ. Обсуждены актуальные проблемы	20
Мош — даромад манбаи	22
Салоҳиятли мутахассислар келажагимиз эгалари	23
С.РУСТАМОВ. Масъулият ҳамиша зарур	24
Ф.МИРЗАЕВ. Таҳрибаларга таяниб	26
Касбга меҳр шарофати	27
Ш.ЖАББОРОВА. Шухратнинг шухратли қадами	30
Д.СОТИБОЛДИЕВА. Гап аҳиллик ва фидойиликда	31
Ака-ука фермерлар	32
Ш.СОДИҚОВА. Ота изидан бориб... ..	34
Илму тажриба мужассам бўлгач	35
Х.КАРИМОВ. Фаоллик — муваффақият омили	36
Сулола давомчиси	38
Файз-барака бешиги	39
Ш.АБДУРАҲМОНОВА. Тафаккур зиёси таралган маскан	41
Ж.ҚЎЗИЕВ. Кузги буғдойнинг элементларни ўзлаштириши	43
А.МАХМАТМУРОДОВ, Э.УМУРЗАКОВ. Формирование репродуктивных органов кукурузы в зависимости от фосфорного питания	45
Қ.ЎРАЗМЕТОВ, Н.ИБРАГИМОВА. Шоли кўчат қалинлигининг рувак кўрсаткичларига таъсири	46
М.ХАЙИТОВ, М.МАШРАБОВ. Фосфор сақловчи ўғитларни самарали қўллаш меъёрлари	48
М.ҲАМИДОВ, У.ЖЎРАЕВ. Сув танқислигини бартараф этишда фитомелиоратив тадбирларнинг самарадорлиги	49
С.ЎРАҚОВ. Қишлоқ хўжалигида ўта энгил авиация воситаларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш йўналишлари	51
Илм-фан фидойиси	53
Х.МИРЗАЕВ. Чегардаги олишув.	54
Илҳоми жўшқин иждокор	55

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 4-уй.
Тел/факс: 241—50—21.
241—30—92, 241—61—07.
www.qxjournal.asia
E-mail: qxjournal@qxsxv.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi»

Босмахонага топширилди: 2017 йил
3 январь. Босишга рухсат этилди:
2017 йил 3 январь. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма № 01. Нусхаси 5000 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Х.МИРЗАЕВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**